Баллов: -/1	Ответ: <input type="radio"/> Верно <input type="radio"/> Неверно
<input type="button" value="Отправить"/>	

Кўпчилик тестлар онлайн режимда бажарилади. Тест, то сиз «Натижаларни юбориш ва тестни тамомлаш» тугмасини босмагунингизча, тугалланмаган ҳисобланади.

Тестдан ўтганингиздан кейин сизга тўплаган балингиз кўрсатиладиган натижа, ҳаракатлар сони, ишлатилган вақт ва ўқитувчининг эслатмасига киришга рухсат берилади:

	Ism / Familiya	Test boshlandi	Yakunlandi	Sarflangan vaqt	Baho/7	#1	#2	#3	#4	#5	#6	#7
<input type="checkbox"/>	 Gulmira Jandarovna Tulenova	10 December 2011, 03:25 AM	10 December 2011, 03:26 AM	31 soniya	1	1/1	0/1	0/1	0/1	0/1	0/1	0/1
<input type="checkbox"/>	 Shahnoza Matchanova	13 December 2011, 01:14 AM	13 December 2011, 01:15 AM	1 min 6 soniya	5	1/1	1/1	1/1	0/1	0/1	1/1	1/1
<input type="checkbox"/>	 Ortiq Baxtiyorovich Ruziboyev	13 September 2011, 10:26 PM	13 September 2011, 10:29 PM	2 min 21 soniya	3	1/1	1/1	1/1	0/1	0/1	0/1	0/1
<input type="checkbox"/>		13 September 2011, 10:29 PM	5 October 2011, 03:40 AM	21 d 5 ch	5	1/1	0/1	1/1	0/1	1/1	1/1	1/1
<input type="checkbox"/>		5 October 2011, 03:40 AM	14 November 2011, 01:24 AM	39 d 21 ch	3.9	1/1	0.9/1	1/1	0/1	0/1	1/1	0/1
<input type="checkbox"/>	 Nargiza Hasanova	18 June 2011, 12:34 AM	18 June 2011, 12:35 AM	1 min 24 soniya	6	1/1	1/1	0/1	1/1	1/1	1/1	1/1
<input type="checkbox"/>	 Murod Muxtorov	23 June 2011, 10:02 PM	23 June 2011, 10:05 PM	2 min 51 soniya	5	0/1	0/1	0/1	1/1	0/1	1/1	1/1
	To'liq o'rtacha ball				6	1/1	1/1	0/1	1/1	1/1	1/1	1/1

### III қисм. ЎҚИТУВЧИНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

#### 4-боб. Курсни созлаш


##### 4.1. Курсни ўрнатиш

Курсни ўрнатиш курсни созлашни тўлиқ аниқлайди.

Курсни рўйхатга олишда администратор курсни ўрнатишнинг шарт бўлган майдонлар майдонини ўқитувчи анкетаси билан мос ҳолда тўлдиради.

Ўқитувчи ўзининг ўрнатилган курси билан танишиши ва зарур ҳолларда ўзгартириши мумкин.

Ўрнатишга ўтиш учун **Бошқариш** блокида **Ўрнатишлар** ҳаво-ласини босинг:



Қуйида курсни ўрнатишнинг барча майдонлари келтирилган:

**Тўлиқ исм** – курснинг номи. Сайтнинг барча курслари рўйхатида гиперҳавола кўринишида тасвирланади.

**Қисқа исм** – Moodle нинг кўпгина жойларида курсингизнинг бош саҳифасига тез ўтадиган ҳаволани шакллантиришда ишлатилади. У битта қисқа сўздан ташкил топиши керак, аббревиатурани ишлатиш мумкин. Қуйи чизик белгилари билан бирлаштирилган сўзлар комбинациясини ишлатиш мумкин. Бу кириллицада ҳам, лотин ёзувида ҳам ёзилиши мумкин. Турли хил махсус белгиларни ишлатишга рухсат берилмайди.

**Курснинг индивидуал номери** – ташқи тизимларда ишлатилиши керак бўлган курс номери. У ҳеч қачон Moodle да тасвирланмайди. Бу майдонни бўш қолдириш.

**Қисқа тавсиф** – бу курсингизни эълон қиладиган қисқача хулоса.

Бу тавсиф сайтнинг барча фойдаланувчиларига, шу жумладан, меҳмонларга ҳам тааллуқли. HTML-муҳаррир ёрдамида қатор пас-тидаги ва қатор устидаги индекслар, смайликлар, расмлар ва бош-қаларни ўз ичига оладиган тўлиқ форматлашни ишлатиш мумкин.

**Формат** – тавсия этиладиган қиймат – «формат-структура».

Курсда ўрганиладиган материаллар ҳафта бўйича аниқ белги-ланган ҳолларда Формат-календарни ишлатиш тавсия этилади.

**Ҳафталар ёки мавзулар сони** – курс саҳифаларида мавжуд бўлган ҳафта ёки мавзулар сонини тасвирлайди.

**Курснинг бошланиш санаси** – агар «формат-календарь»ни ишлатсангиз, у ҳолда биринчи ҳафта блоки бу ерда ўрнатилган сана билан берилади.

Рўйхатдан ўтишнинг тизимли файлларида ташқари, бошқа форматларига майдон ўз таъсирини кўрсатмайди.

**Яширин секцияларни тасвирлаш** – бу созлаш курснинг яши-рин секцияларини талабаларга қандай тасвирда кўрсатишга рухсат беради.

Жимлик қондасига кўра, яширин секция қаерда жойлашганини кўрсатиш учун кичик соҳа кўрсатилади (ёйилган кўринишда кул ранг билан). Бундай секциянинг таркиби талабаларга кўринмайди. Бу режимни ўтган ва келаётган ҳафталар сони аниқ кўриниши учун Формат-календарда ишлатиш фойдали.

Агар яширин секциялар «тўлиқ кўринмас» (тавсия этиладиган қиймат) деб танланган бўлса, у ҳолда талабалар унинг мавжудли-гини билмайдилар.

**Янгиликлар** – бу параметр курснинг бош саҳифасида янгилик-лар форумидан нечта мавзулар келишини ўрнатади.

Агар сиз «О янгиликлар» қийматини қўйсангиз, у ҳолда янги-ликлар блоки кўрсатилмайди.

**Баҳоларни кўрсатиш** – бу созлаш талабалар ўзларининг баҳо-ларини кўришини ёки кўрмаслигини аниқлайди. Жимлик қондасига кўра, «Ҳа» (тавсия этилган қиймат) ўрнатилган, шунинг учун та-лаба ўзининг баҳосини кўриши мумкин. Агар «Йўқ» ўрнатилган бўлса, бу ҳолда талабалар ўзининг баҳосини кўрмайди.

**Бажарадиган иши ҳақида ҳисоботни кўрсатиш** – агар «Ҳа» бўлса, у ҳолда ҳар бир фойдаланувчи ўзи бажарадиган иши ҳақида

ҳисоботни кўрсатиши мумкин ва у натижани берилган курсда тас-  
вирлайди. Унинг бажарган иши фойдаланувчи иш фаолиятининг  
тўлиқ рўйхатидан иборат бўлиши мумкин.

Тавсия этиладиган қиймат – «Йўқ», бу қиймат уларни яратиш  
жараёнида серверга юкланадиган вазифалардан келиб чиқади. Ўқи-  
тувчи ҳар доим талабанинг шахсий ахбороти саҳифасидан ҳар бир  
талабанинг ҳисоботига кириши мумкин.

**Юкланадиган файлнинг максимал ўлчами** – бу ўрнатиш  
курсда юкланиши мумкин бўлган файлларнинг максимал ўлчамини  
аниқлайди. У бутун сайт учун администратор томонидан ўрнатил-  
ган қийматларни оширолмайди. Бунда у – 8 Мб.

Кейинчалик бу қийматни курснинг алоҳида элементлари учун  
қискартиришингиз мумкин.

**Мажбурий мавзулар** – ўқитувчи сайтда рухсат этилган курс  
мавзусини (расмийлаштирилган вариант) мажбурий бериши мум-  
кин. Тавсия этиладиган қиймат – «Ихтиёрий».

Агар администратор турли мавзуларни ишлатишга рухсат  
бермаган бўлса, бу параметр бўлмаслиги мумкин.

Бу «метакурс»? – тавсия этиладиган қиймат – «Йўқ».

Агар қиймат «Ҳа» бўлса, у ҳолда курс бошқа аниқланган курс-  
лар қатнашчиларини автоматик рўйхатдан ўтказиш учун ишлати-  
лиши мумкин.

Метакурс боғланган курсларни гуруҳлаш учун ишлатилиши  
мумкин. Масалан, махсус характеристикага эга, боғланган предмет  
соҳа ёки курслар.

Қатнашчилар метакурсни бошқариш блокида «Талаба» роли  
ёрдамида қўшилади.

Метакурсларни ишлатиш бўйича 4.3-бўлимда тўлиқ кўриш  
мумкин.

**Жимлик қондасига кўра роль** – талаба. Бу қийматни ал-  
маштириш тавсия этилмайди!

**Рўйхатдан ўтиш усуллари** – курсда рўйхатдан ўтиш усуллари  
администратор томонидан танланади.

ТАТУ виртуал тизимида ички рўйхатдан ўтиш усули қўлла-  
нилади.

**Рўйхатдан ўтишга рухсат берилган** – шу курсга талабаларни  
ёзиш (рўйхатдан ўтказиш)га рухсат этилганми ёки йўқ эканини  
аниқлайди. Учинчи вариант сифатида сананинг аниқ диапазонида  
рўйхатдан ўтиш ҳисобланади. Тавсия этиладиган қиймат – «Ҳа».



**Бошланиш санаси** – талабаларни рўйхатдан ўтказишни бошлаш санаси. «Ман этиш» қийматини ўрнатиш тавсия этилади.

**Охириги сана** – талабаларни рўйхатдан ўтказишни тугатиш санаси. «Ман этиш» қийматини ўрнатиш тавсия этилади.

**Таълим давомийлиги** – 1 дан 356 кунгача қийматларни ўрнатиш мумкин. Тавсия этиладиган қиймат – «чегараланмаган».

**Рўйхатдан ўтиш тугаганини билдириш**

**Билдириш** – қийматни жимлик қондасига кўра қолдириш керак!

**Талабаларга билдириш** – қийматни жимлик қондасига кўра қолдириш керак!

**Меъёр** – қийматни жимлик қондасига кўра қолдириш керак!

**Гуруҳли режим** – сиз учта гуруҳли режимлардан бирини танлашингиз мумкин:

**Гуруҳлар йўқ** – талабалар гуруҳларга бўлинмайди.

**Алоҳида гуруҳлар** – ҳар бир гуруҳ талабасига ўзининг гуруҳи ягона ҳисобланади, уларга бошқа гуруҳлар кўринмайди.

**Рухсат этилган гуруҳлар** – ҳар бир гуруҳ талабалари фақат ўзининг гуруҳи чегарасида фаолият юритади, аммо бошқа гуруҳлар ишини кўриши мумкин.

**Курс даражасида аниқланган гуруҳли режим** курсда яратиладиган барча элементлар учун жимлик қондасига кўра режим ҳисобланади.

**Мажбурий равишда** – гуруҳли режимни ўз ичига олувчи курснинг ҳар бир элементи учун ўзига тегишли гуруҳли режимни кўрсатиши мумкин. Агар курс учун «мажбурий гуруҳли режим» ўрнатилган бўлса, у ҳолда курснинг ихтиёрий элементида гуруҳли режимни ўрнатиш ташлаб юборилади.

**Тушунарлилик** – бу созлаш сизга курсни талабалардан тўлиқ «яшириш»га имкон беради.

**Курс жорий курс ўқитувчиси ва администраторига тегишли бўлган каталог ва рўйхатлардан ташқари биронта каталог ва рўйхатда тасвирланмайди.**

**Ҳатто агарда талабалар тўғридан-тўғри URL-манзил бўйича киришга рухсат олмоқчи бўлса ҳам уларнинг киришига рухсат берилмайди.**

**Кодли сўз** – кодли сўз (пароль) курсингизга бегона кишиларнинг киришига рухсат бермайди.

Бўш майдон сайтнинг ихтиёрий фойдаланувчиси курсингизга ёзилиши мумкинлигини билдиради.

Агар сиз шу майдонга сўз ёки жумла киритсангиз, у ҳолда ҳар бир талаба курсга ёзилиши учун шу сўзни майдонга ёзиши керак бўлади.

Сиз талабаларга калит сўз ҳақида e-mail орқали ёки ўзаро суҳбатда, масалан, маърузада хабар беришингиз мумкин.

Агар маъқул бўлмаган талабалар кодли сўзни топиб, курсга ёзилган бўлса, қатнашчилар рўйхатидан фойдаланиб, уларни курсдан ўчиришингиз мумкин. Кейин кодли сўзни ўзгартиринг: бу курсга ёзилган талабаларга ҳеч қандай таъсири йўқ.

**Меҳмон учун рухсатли кириш** – тавсия этиладиган қиймат – «Меҳмонга рухсат йўқ».

Сиз курсга меҳмон киришига рухсат беришингиз мумкин. Бундай ҳолда Интернетнинг ихтиёрий фойдаланувчиси идентификация саҳифасидаги «Меҳмон бўлиб кирмоқ» тугмасини босиб курсга кириши мумкин.

Меҳмон ҳар доим «фақат ўқиш учун» рухсатига эга, яъни у биронта хабар ташлаши ёки талаба ишига аралашishi мумкин эмас.

Меҳмон учун рухсатли кириш – бу курени ҳамкасбларингизга кўрсатиш учун яхши имконият. У яна курсни талабаларнинг курсга ёзилиши учун кераклилигини текшириш сифатида ишлатиш учун ҳам муҳим.

**Нархи** – майдонни бўш қолдириш! Биз курс учун тўлов олмаймиз.

**Мажбурий тил** – тавсия этиладиган қиймат – «мажбур қилинмайдиган». Бу ҳолда ҳар талаба ўзи учун интерфейс тилини танлаши мумкин.

## 4.2. Курс форматлари

Moodle курсида қуйидаги форматлардан бири ишлатилиши мумкин:

**Формат-календарь** – курс материаллари бўлимларнинг бошлаиш ва охириги санаси бўйича ташкиллаштирилган.

Курс сизгими бир ҳафта бўлган бўлим (секция)лардан иборат. Ҳар бир бўлимга бир ҳафта ичида ўрганиш учун ресурслар, форумлар, назорат тестлари ва бошқаларни қўшишингиз мумкин. Бўлимларнинг максимал сони – 52.

Агар курсингиздаги материаллар ўрганиш муддати бўйича эълон қилинган бўлса ва сиз барча талабаларингиз бир хил материаллар билан бир хил муддатда ишлашини хоҳлашингиз мумкин, бу эса сизнинг хоҳишингиз.

**Формат-структура** – ҳар бир «ҳафтани» мавзу деб аташдан ташқари, ҳар ҳафталик форматга ўхшашдир. Мавзу муддат билан чегараланмайди. Сиз формат-структурани қўллаб, курсни яратаётган вақтда ўзингизнинг курсингизда мавзулар сонини кўрсатишингиз керак. Бўлимларнинг максимал сони – 52.

Агар курсингиз алоҳида мавзуларни ўрганишга мўлжалланган ва талабалар улар билан жиддий тартибда ишлаши лозим бўлмаса, бу яхши танлов ҳисобланади.

**Формат-форум** – курс бош саҳифада тасвирланган битта социал форум кўринишида ташкиллаштирилади.

Бу бизнинг назаримизда ўқув курси эмас. У факультет ёки кафедранинг эълонлар доскаси кўринишида тасвирланиши мумкин.

**LAMS формати (Moodle 1.6 ва ундан юқорилар учун).** LAMS – Ўқитишни Бошқариш Тизими – очиқ LAMS ҳисобланади. LAMS Moodle курси соҳасида LAMS имкониятларидан ўқитувчилар фойдаланиши учун Moodle билан бирлаштирилган. LAMS курс форматини ишлатишда администратор билан маслаҳатлашинг.

Жуда камчилик LAMS ни ишлатади, чунки у Moodle нинг кўпгина функционал имкониятларини такрорлайди.

**SCORM формати (Moodle 1.6 ва ундан юқорилар учун).** SCORM ўқув материалларини яратишнинг мустақил стандарти ҳисобланади. SCORM пакетлари – ўқув контентлари ва Java Script сценарийларининг мустақил блоклари бўлиб, улар Moodle га талабанинг баҳоси ва курснинг ўтиши ҳақидаги маълумотларни жўнатиши мумкин.

Moodle SCORM пакетларини курснинг алоҳида элементи (6.18 SCORM га қаранг) ёки бутун курснинг формати кўринишида ишлатиши мумкин.

Агарда сизда курс кўринишида ишлатмоқчи бўлган катта SCORM объекти мавжуд бўлса, у ҳолда сиз шу форматни танлашингиз мумкин.

Талабалар фақат SCORM объекти билан ҳамкорликда ишлаши мумкин.

Moodle нинг функционал имкониятлари бундай курсда мавжуд эмас.

**Формат-календарь (CSS/жадвалларсиэ)** (Moodle 1.6 ва ундан юқорилар учун) – формат-календарга хос, аммо контентни тасвирлаш учун жадваллар ишлатилмайди.

Бу форматнинг тушунарлигини оширади, аммо эски браузерларда уни тасвирлашда муаммолар мавжуд.

**Формат-саҳифа** (ностандартли) – бу формат Moodle курсининг «Китоб» элементи форматига жуда ҳам ўхшаш. Курс формати блок ва бўлимларни 3 устун бўйича жойлаштирадиган мавзулар ва курс бўйича навигацияни, ресурсларни, форумларни, топшириқларни ва бошқаларни тасвирлашни таъминлайдиган меню модулларидан иборат.

### 4.3. Метакурслар

**Метакурс** – худди бошқа курсларга ўхшаш бўлиб, унда бошқа ички курслардан қатнашчилар автоматик рўйхатга олинади.

Метакурслар курсга оддий рўйхатдан ўтказиш ўрнига ўзининг қатнашчиларини бошқа курслардан аъзо қилиб олади. Бир нечта метакурсларни битта оддий курсдан яратиш ёки битта метакурсни бир нечта курслардан оддий рўйхатдан ўтказиш орқали яратиш имконияти бор.

Масалан, оддий курс бир нечта метакурслардан иборат предметларни ўрганиш учун талабаларни марказдан рўйхатдан ўтказиш учун ишлатилади. Талабалар бу курсга ёзилаётган (ёки ундан ўчирилаётган) вақтда улар ички курс билан боғланган ихтиёрий ўқув материалдан иборат метакурсга рўйхатга олинади (ёки ўчирилади) (қуйида 2-вариантга қаранг).


#### **Метакурсларга мисоллар**

• **1-вариант:** 1–4-курслар билан **X метакурс** – талабаларни стандарт рўйхатга оладиган оддий курслар билан.

Бу курсларга рўйхатга олинган талабалар **X метакурсга** автоматик рўйхатга олинади.

Масалан, математика ўқитувчисида алгебра бўйича 2 курс ва геометрия бўйича 2 курс бор. Аммо у барча шу курслардаги талабалар учун материалларни сақлаши мумкин бўлган умумий макон яратмоқчи, масалан, барча талабалар учун мустақил ишларни.


Курсларни «Математика» метакурсининг «Алгебра 1», «Алгебра 2» ва «Геометрия 1», «Геометрия 2» қисмларига бўлиб, бу мақсадга эришиш мумкин.



Метакурслар ресурслар кутубхонаси ва актив элемент – топшириклар сифатида ишлатилиши мумкин. Масалан, тарих кафедрасида рефератлар ёзиш учун фойдали бўлган материал тўпланган. Ўқитувчилар тарихий шахслар биографиясига ёки рефератлар учун мавзулар танлаш вариантларига ҳаволалар бериши мумкин.

• **2-вариант: 1–4-метакурслар оддий курс ҳисобланадиган Y курсор билан боғланган.**

Y курсда рўйхатдан ўтган талабалар 1–4-метакурсларда автоматик рўйхатдан ўтади. Бу барча беш курс ҳам бир хил ва худди ўша талабаларга эга бўлганда ишлатилади.



Фараз қилайлик, D1, D2, D3 ва D4 курсларда бўлимлари кўриб чиқилаётган «Диплом иши» курсини яратаяпсиз. Бу ҳолда сиз «Диплом иши» курсини метакурс эмас, балки оддий курс сифатида яратасиз.

D1–D4 курсларни эса метакурслар сифатида қурасиз (талабаларни курс созлашларида рўйхатдан ўтказишни ман этиш). Талаба «Диплом иши» курсидан рўйхатдан ўтаётганда, автоматик равишда D1–D4 курсларга рўйхатдан ўтади.

Барча ҳолларда талабалар оддий курсларга рўйхатдан ўтади, кейин эса метакурсга кўшилади.

#### 4.3.1. Метакурсларни ўрнатиш

Ўқитувчилар Курсни ўрнатиш «бу – метакурс?» параметрида метакурс ҳисобланадими деган саволни қўяди.

Курс ўқитувчисининг Бошқариш блокида «**Ҳосилавий курслар**» ҳаволаси пайдо бўлади.

У курсни қўшиш ва ўчириш саҳифасига олиб келади.

Янги қурени созлашда «метакурс»ни танлашда созлашларни сақлашдан кейин сиз Ролларни белгиланг саҳифаси ўрнига Курсларни қўшиш саҳифасини кўрасиз:

**Рухсат этилган курслар** рўйхатидан кераклисини танланг ва стрелка тугмасини босинг.

**Курс Белгиланган курслар** рўйхатига ўтказилади.

Шунга мос ҳолда курсни белгиланганлар рўйхатидан ўчиришингиз мумкин.

Ихтиёрий белгиланган курсдан талабаларни метакурсга автоматик қўшишингиз мумкин.

Эсда тутинг, талабаларни метакурсга қўлда ёзиш ва ундан ўчириш мумкин эмас!

#### 4.4. Блоклар билан ишлаш

Блоклар – бу умумий белгилар бўйича бирлаштирилган, курс билан ишлайдиган ҳавола ва бошқа воситаларнинг соҳа билан чегараланган гуруҳидир.

Блокларни саҳифа четларидаги устунларга жойлаштириш, талабаларга кўрсатиш, ёки улардан яшириш, ё тўлиқ ўчириш мумкин (8.1. Курсни таҳрирлаш бўлимига қаранг).


**Қўлланиладиган блоклар ва уларнинг тавсифи**  
Блокларнинг бир қисми курсга жимлик қондасига кўра ўрна-  
тилади:

### Одамлар



Хавола курснинг барча қатнашчилари рўйхатига олиб келади.  
Қатнашчи фамилиясига босиш орқали у ҳақида тўлиқ маълумотни  
олишингиз мумкин.


**Блок ўқитувчилар томонидан ишлатиш учун қулай.**  
**Форум бўйича излаш**



Курс форумлари бўйича тўлиқ матнли излашни амалга ошира-  
ди. Кенгайтирилган излаш функцияси мавжуд.

Айниқса, актив элементлари мавжуд курсларда қўллаш  
тавсия этилади.

### Бошқариш



**Зарур блок! Ўчирилмасин!**

Курсни бошқариш учун мўлжалланган. Аниқ ишларга тез  
ўтишни таъминлайди.

Блок компоненталари 8-боб. Курсни бошқариш бобида тўлиқ  
ўрганилади.

Интерфейс қатнашчи иштирокига боғлиқ. Талаба фақат рухсат этилган ишларга кириши мумкин, масалан, ўзининг баҳоларини кўриши мумкин.

### Менинг курсларим

#### Mening kurslarim

- Dasturlash texnologiyasi
- Java дастурлаш тили (10 с)
- Kompyuter tizimlari va tarmoqlari
- XML дастурлаш технологияси
- Маълумотлар базасини босқариш тизини ва сервиси
- Программирование на языке Java (10-й семестр)
- Barcha kurslar ...

Блокда фойдаланувчи (ўқитувчи ёки талаба ролида иштирок этувчи) курс қатнашчиси ҳисобланадиган сайтнинг барча курслари тасвирланади.

Барча курсларда ишлатиш учун тавсия этилади!

### Янгиликлар форуми

#### Yangiliklar forumi

Yangi mavzu qo'shish...

4 Apr, 01:40

Fotima Anarbayeva

Talabalar diqqatiga yana...

Eski mavzular ...

Блок орқали курснинг янгиликлар форумидаги охириги хабарларга мурожаат қилиш мумкин.

Талаба унинг ёрдамида берилган хабарни очиши, ўқитувчи эса янги мавзунини қўшиши мумкин.

Ишлатиш тавсия этилади. Актив курсларда ишлатиш эффе́ктив.

### Келаётган ҳодисалар

#### Kutilayotgan voqea

Sodir bo'ladigan voqea yo'q

Kalendarga o'tish...

Yangi voqea...



Блокда курсда яқин вақтларга режалаштирилган ҳодисалар (уларнинг санаси ва вақти) тасвирланади.

Ҳаволалар курсда бажариш учун бу топшириқларни очишга рухсат беради.

Тасвирланадиган ҳаволалар сони Календарь блокида фойдаланувчи томонидан курилади.

Кўпгина ўқитувчилар бу блок ўрнига (ёки биргаликда) янада ахборотли бўлган Календарь блокини ишлатишни маъқул кўришади.

### Охириги ҳаракатлар

#### Охириги амаллар

Wednesday, 2 May 2012,  
11:35 PM (li/ bilan) kurs  
elementlari  
Polniy o'tchet o'poslednix  
deystviyax

Sizning oxirgi kirishingizdan  
beri hech narsa sodir  
bo'lmadi

Блокда фойдаланувчи курега охириги киришидан кейин амалга ошириладиган ўзгаришларни тасвирлайди, масалан, янги ресурслар ва топшириқларни кўшиш ёки топшириқларга кўйилган мавжуд саволларни янгилаш кабилар.

Ҳаволалар берилган ресурсларга олиб келади.


Блок талабалар учун фойдали, яъни улар курсдаги барча ўзгаришларни дарров кўришади.

Айниқса, катта ва актив, динамик ривожланаётган курсларда кўллаш тавсия этилади.

Ўқитувчи доим керакли блокларни Блоклар рўйхатидан танлаб таҳрирлаш режимидаги саҳифага кўшиши мумкин.

### Курснинг элементлари

#### Элементы курса

-  Глоссарии
-  Задания
-  Ресурсы
-  Тесты
-  Форуми


Курс элементларининг барча типлари рўйхати чиқарилади. Хаволани босганда, шу типдаги курснинг барча материаллари чиқарилади, масалан, барча форумлар, барча тестлар ёки барча ресурслар.

Ҳажми жиҳатидан катта курсларда ишлатиш тавсия этилади.

### Global Search

Сайт бўйича глобал излаш. Бу ишлатилмасин.

### Календарь



Календарда сайт ходисалари, гурухли ходисалар ва фойдаланувчининг ўзига тегишли эслатмалари тасвирланади.

Фойдаланувчи зарур ҳолларда ўзини қизиқтирмайдиган ходисаларни яшириши мумкин.

**Навигациянинг бу ахборотли ва қулай воситасини ишлатиш тавсия этилади!**

Ишлатиш ва созлаш бўйича **2.5. Календарь билан ишлаш бўлимида** тўлиқ кўриб чиқилган.

### HTML

Ихтиёрий тўлдирилган HTML ни блокка қўйиш мумкин.

HTML ихтиёрий форматлашни қўллаб-қувватлайди, хусусан, тасвирларни, flash-анимацияларни қўйиш кабиларни.

Тасвир ўлчамларидан блок бошқалардан ажралиб турмаслиги ва саҳифа дизайнини бузмаслиги учун эҳтиёт бўлинг.

### Блог менюси

Блок блоглар тизимига мурожаатни ўз ичига олади.

Блоглар ҳақида тўлиқ **1.4. Moodle да блоглар бўлимида** кўриш мумкин.

## Хабарлар билан алмашиш

Moodle ички почтасида жавоб берилмаган хабарларга ҳавола қўйиш тасвирланади.

Ҳаволага босиш орқали шу фойдаланувчидан олинган хабарлар тарихи очилади (2.6. Хабарлар алмашиш бўлимига қаралсин).

## Курсни ёритиш

Блокда Курсни ўрнатишнинг Қисқача тавсифи майдонига киририлган ахборот тасвирланади. HTML ни тўлиқ форматлаш, шу жумладан, тасвирларни форматлаш қўлланилади.

Блок Курсни ўрнатиш саҳифасида таҳрирланади.

## Васийлар

Эксперементал блок, ишлатиш ман этилади.

## Қарз ҳисоби

Қарзлар ҳажмлари, тўловлар ўлчами, қарзлар муддати, фоизли ставка ва қарзларни узиш частотаси орасидаги боғлиқликларни ҳисоблашга руҳсат беради.

Пулга кизиқиши борларга кизиқиш уйғотса керак, аммо ўқув курсида ишлатилмаслиги мумкин!

Ишлатиш тавсия этилмайди!




## Сайт (курс)нинг фойдаланувчилари

Блокда охириги 5 минутда таширф буюрган курс қатнашчилари кўрсатилган. Ҳаволани босиб, сиз фойдаланувчига хат ёзишингиз ёки хабар юборишингиз мумкин.

## Бўлимларга ҳаволалар

Блокда курснинг бўлимларига ҳаволалар тасвирланади. Агар сизда бўлимлар сони кам бўлса, унга эҳтиёж йўқ.

## Тест натижалари

	Ism / Familiya	Test boshlandi	Yakunlandi	Sarflangan vaqt	Baho/7
<input type="checkbox"/>	 Gulmira Jandarovna Tulenova	10 December 2011, 03:25 AM	10 December 2011, 03:26 AM	31 soniya	1
<input type="checkbox"/>	 Shahnoza Matchanova	13 December 2011, 01:14 AM	13 December 2011, 01:15 AM	1 min 6 soniya	5
<input type="checkbox"/>	 Ortiq Baxtiyorovich Ruziboyev	13 September 2011, 10:26 PM	13 September 2011, 10:29 PM	2 min 21 soniya	3

Блок курс тестларидан бирининг натижасини тасвирлайди.

Блокни ишлатиш учун таҳрирлаш режимда қуйидагиларни созлаш керак:

- матни танлаш;
- нечта яхши ва ёмон баҳолар олинганини кўрсатиш;
- талабалар исмини кўрсатиш ва бошқалар.

Бир вақтнинг ўзида турли тестларнинг натижалари билан бир нечта ўхшаш блоклар бўлиши мумкин.

### Глоссарийнинг тасодифий ёзуви

Блокда курснинг танланган глоссарийсидан тасодифий ёзув кўрсатилади

Унинг ёрдамида «Кун маслаҳати» ва «Ҳафта маслаҳати»ни яратиш мумкин.

Блокни ишлатиш учун таҳрирлаш режимда қуйидагиларни созлаш керак:

- блокни янгилашнинг давомийлиги;
- тасодифий ёзувни танлаш тартиби ва бошқалар.

Турли глоссарийлардан ёзувлардан иборат турли блокларни бир вақтнинг ўзида жойлаштириш мумкин.

### Блогнинг калит сўзлари

Блокда блогнинг калит сўзлари келтирилади.

Ҳаволалар берилган сўзлар калит сўз сифатида ишлатиладиган блогнинг ёзувларига йўналтирилади.

Агар сайтда блог бўлса, уни ишлатиш лозим ҳисобланади.

## Узоқлаштирилган RSS жўнатмалар

Узел информационай  
поддержки студентов и  
преподавателей ТУИТ.  
Открыт 29 января 2011 года.

По состоянию на 04:30  
03 апреля 2012 года  
зарегистрировано  
1270 пользователей:  
из них :  
137 преподавателей и 1133  
студента  
в новом году узел посетили - 393  
участника, из них - 56  
преподавателей.  
Зарегистрировавшихся, но не  
заходивших ни разу - 477  
На узле создано более 520 структур  
для курсов, читаемых в ТУИТ и  
филиалах.

Сайтда доимо янгилаиб турадиган RSS-жўнатмаларни ўз ичига олувчи, ташқи манбалардан янгиликлар лентасини жойлаштиришга рухсат беради.

Гипперҳаволалар сайт-манбаларга олиб келади.

Блок интернет-технологияли созлашларни талаб этади.

Агарда жўнатма ўқитиладиган фан бўйича махсуслаштирилган сайтдан бўлмаса, уни ўқув курсларида ишлатиш унчалик фойдали ҳисобланмайди .

Ўқитувчилар курсга жўнатмани администратор рухсати билан жойлаштиришади.

### 4.5. Moodle да мавзунини расмийлаштириш

Moodle тизими мавзунини расмийлаштириш каби сайтнинг расмийлаштиришининг турли вариантлари тўпламини қўллаиди.

Расмийлаштириш мавзуларини ўз ичига сайтнинг ранглар гаммасини, пиктограммалар кўринишини, қўлланиладиган шрифтлар ва бошқаларни олади.

Сайт учун мавзуларини расмийлаштириш рўйхати ва мавзуларини танлаш администратор томонидан берилади.

Администратор ўқитувчиларга курс учун сайтда рухсат берилган рўйхатдан мавзуларини ишлатишга рухсат беради.

Ўқитувчи курс созлашда ўзининг курси учун лозим мавзуни бериши мумкин.

Курс мавзулари барча бошқа мавзулар (сайт ва фойдаланувчи) танлашни аниқлайди.

Администратор фойдаланувчиларга ҳам шахсий созлашларда сайтда рухсат берилган ўзи хоҳлаган мавзуни танлашга рухсат беради.

Фойдаланувчи мавзулари сайт мавзуларини аниқлайди (аммо ўқитувчи томонидан ўрнатилган курс мавзусини эмас).

ТАТУ виртуал тизими сайтида турли мавзуларни ишлатишга рухсат берилмаган.

### **Курс қатнашчилари**

Курс ўқитувчиси ўзининг курсининг талабалари сифатида сайтда рўйхатдан ўтган фойдаланувчиларни ёзиши мумкин.

ТАТУ виртуал тизими сайтида бунга эҳтиёж йўқ: бизда талабалар ўзини қизиқтирган курсларга мустақил рўйхатдан ўтадилар.

Ўқитувчи фақат қайси талаба курсга ёзилишини билган ҳолда, курс учун кодли сўзни бериб, унинг курсига ёзилиш имкониятига эга талабалар сонини чеклаши мумкин. Бу Кодли сўз курсида аниқланади.

Ўқитувчи ҳар доим курсдаги қатнашчиларни кўриши мумкин.

Бунинг учун **Одамлар** блокада **Қатнашчилар** ҳаволасини босинг:



ва **Жорий** роль майдонидан **Талабани** босинг:

Joriy rol

**"Student": 3 rolgga ega bo'lgan foydalanuvchilar: 3**

Саҳифада фақат курс талабалари чиқарилади.

Мос равишда **Жорий роль** майдонида **Ўқитувчи** танланса, у ҳолда фақат ўқитувчи ҳуқуқига эга курс қатнашчилари чиқарилади.

**Таҳрирлаш** белгиси босилса, ўқитувчи курсга талабаларни қўшиши ёки ўчириши мумкин бўлган саҳифа очилади:

13 пользователей с этой ролью

Komiljon Aslonov, komiljon\_uz@mail.ru  
 Qunwat Darbaev, Qunwat\_fatu@mail.ru  
 Margza Hasanov, margza\_0991@mail.ru  
 Odina Imomova, spy\_aget50@mail.ru  
 Shaheza Matshanova, shaha\_20@mail.ru  
 Farhod Mulydov, mulydovfa@doda.uz  
 Bahiyoz Rakhimov, bahiyoz1975@mail.ru  
 Bahiyoz Rustamov, merpolina@mail.ru  
 Musnidin Soboldiyev, droUE@inbox.uz  
 Ayos Karayozov, ayos\_bek@doda.uz  
 Феридас Акматов, fad@bk.ru  
 Зайнабжан Мамаджон, zayna@mail.ru  
 Абдурашу Абдурашатович Холмурадов, abdrasu@doda.uz





1289 потенциальных пользователей

Наталья Тем, nataluk\_1708\_90@inbox.ru  
 eroda....., horey\_rod@inbox.ru  
 Musnidin Abbosov, crecoca\_94@mail.ru  
 shozijaxon abdoqoborovich, artmon@mail.ru  
 Abbas Abduraimonov, abbas\_abduraimonov@mail.ru  
 shora abdoqobov, shora@mail.ru  
 Arslonbek Abdinoyev, arslon\_7777@mail.ru  
 Oqifjon Abdizamonov, a\_3\_2000@bk.ru  
 Oqtinurud Abdijev, oqtinurud@inbox.ru  
 Alibek Abdug'anyev, nam\_0990@mail.ru  
 Malibek Abdug'anyev, uzbasan\_boy@mail.ru  
 Abdurasul Abdqabborov, xqz\_ditro@mail.ru  
 Javlonbek Abdjaylov, javlonbek@gmail.com  
 Bahiyoz Abdukarimov, bahiyozuz@doda.uz  
 alisher abdukarimov, alisher\_1990\_07@mail.ru  
 Muzaffar Abdullahator, m-good-m@bk.ru  
 Yunusov Abdullaziz, lazizdorod@mail.ru  
 Faxux Abdullaev, faxux\_bek@mail.ru  
 Ikrom Abdullaev, abdullaev\_ikrom@bk.ru  
 Nasiddin Abdullaev, nasiddinabdullaev@mail.ru



Чап устунда курсга ёзилган талабалар рўйхати, ўнг устунда эса – курсга қўшилган сайт фойдаланувчилари орасидан олинган талабалар рўйхати чиқарилади.

Бир рўйхатдан бошқасига талабаларни ўтказиш уларнинг фамилиясини белгилаш ва мос стрелкани босиш билан амалга оширилади.

Бир нечта фамилияларни CTRL тугмасини босган ҳолда, кетма-кет келадиган фамилияларни эса – биринчи фамилияни танлаб, Shift тугмасини босган ҳолда охириги фамилиягача олиб келиб белгилаш керак.

Агар зарур талабалар рўйхати катта бўлса, у ҳолда фамилияларни қиритиш учун махсус майдондан ва Излаш тугмасидан фойдаланинг.










Курс қатнашчиларини Бошқариш блокадаги Ролларни тайинлаш ҳаволаси ёрдамида ҳам бошқариш мумкин.

## 5-боб. Курс ресурслари билан ишлаш






### 5.1. Курс ресурслари ҳақида

**Курс ресурслари** – бу унинг таркиби (контенти), яъни ўқитувчи курс бўлимларига ўрганиш учун жойлаштирадиган назарий материаллар. Улар Moodle маълумотлар базасига юкланадиган файллар кўринишида ёки ташқи сайтларга ҳавола кўринишида тасвирланиши мумкин. Moodle тизими курс ресурслари сифатида электрон ҳужжатларнинг турли хил кўринишларини ишлатишга рухсат беради.

#### Назарий материалларни тасвирлаш усуллари

Ўргатувчи материал	Moodle ресурси
Матнли файл кўринишидаги маъруза	 Матнли саҳифа    Файлга (.doc, .odt, .pdf ва бошқа форматлар) ёки веб-саҳифага ҳавола
html-саҳифа кўринишидаги маъруза	 Веб-саҳифа  Файлга ёки веб-саҳифага ҳавола
Презентация кўринишидаги маъруза: аудио-, видео-маъруза	   Файлга (.ppt, .wav, .mp3, .avi ва бошқа форматлар) ёки веб-саҳифага ҳавола
Тасвирлар, аудио- ва видео-материаллар каталоги	Каталогга ҳавола

#### Ресурсларнинг аҳамияти


Moodle ресурси	Ресурснинг аҳамияти
 Матнли саҳифа	Richtext HTML-муҳаррир қатнашмайди. Матннинг минимал форматланиши: веб-манзилларни ҳаволаларга, смейликларни эса мос графикларга ўзгартириш.
 Веб-саҳифа	Матнни Richtext HTML-муҳаррирда форматлаштириш: тасвирларни, гиперҳавола-ларни қўйиш, html-кодни таҳрирлаш.
   Файлга ёки веб-саҳифага ҳавола	Ҳаволани ташқи ресурсга каби, курсда жойлашган файлларга (матнли ҳужжатлар, html-саҳифаларга) ҳам кўрсатиш мумкин.



Каталогга ҳавола	Курснинг файлли соҳасидаги каталог таркибини кўрсатади.
Шарҳ	Ўқув курси бўлимида чиқариладиган матн. Richtext HTML-муҳаррир иштирок этади.

## 5.2. Ресурсларни қўшиш ва таҳрирлаш

Ресурслар таҳрирлаш режимида қўшилади (8.1. Курсни таҳрирлаш бўлимига қаралсин). Бу режимда ҳар бир бўлимнинг қуйи қисмида барча типли ресурсларга «Ресурс қўшилсин...» сузувчи рўйхатли ойна пайдо бўлади.



Ресурсни танлагандан кейин тизим уни таҳрирлаш саҳифасига ўтади, қаердаки ўқитувчи бошқарув формаси майдонини ресурслар билан тўлдиради.

Баъзи майдонлар зарур ҳисобланиб, тизим уларни ташлаб юборишга руҳсат бермайди.

Кўпгина ресурслар умумий майдонга эга:

Asosiytar (Umumiy) ...

Nom\*

Qisqa ta'riflash ⓘ

Yoh:

Номи – курс мавзуси (бўлими)да гиперҳавола кўринишида тасвирланадиган ресурс исми. Талабалар ушбу ўқув материалида нима ҳақида гап кетаётганлигини билиши учун у ахборотларга эга бўлиши керак.

**Қисқача таъриф** – бу ресурснинг қисқа ёритилиши. У курснинг барча ресурслари рўйхатида тасвирланади.

Агар ресурс номи умумий характерга эга бўлса, бу майдонни тўлдиришга эринманг. Бу ресурсда қўйилган ахборот талабалар учун керакли эканлигини ҳисобга олишга рухсат беради.

**Ойна** – иккита қийматга эга бўлиши мумкин:

- «худди шу ойна» – ресурс браузернинг айнан шу ойнасида очилади.

- «янги ойна» – ресурс браузернинг янги ойнасида очилади.

**Ресурсни янги ойнада очини керак**, яъни талаба курснинг барча тўлдирма ва навигацияларини ўзида сақлайдиган эски очилган ойнасига тезроқ ўтиши мумкин.

Талабалар рухсат этилган – иккита қийматга эга бўлиши мумкин:

- «кўрсатиш» – ресурс талабалар учун рухсат этилган бўлади.

- «бекитиш» – ресурс талабалардан беркитилган бўлади, улар бу ресурсларнинг мавжудлигини билмайдилар ҳам. Бу қийматни талабалар берилган ресурслар билан танишишга ҳали эрта деб ҳисоблаган ҳолда, «яширилган» материални таҳрирлашда ишлатиш мумкин.

Тажрибали фойдаланувчилар браузер ойнасини созлаш учун қўшимча имкониятларни очадиган, **кенгайтирилган созлашларни кўрсатинг** тугмасидан фойдаланишлари мумкин:

фақат «худди шу ойна»ни танлаш учун:

- Курснинг блокени кўрсатиш – талабалар курс навигациясини кўриши учун қўшишга тавсия этилади.

Фақат «янги ойна»ни танлаш учун:

- Ойна ўлчамларини ўзгартиришга рухсат беради.

- Айланма чизигини кўрсатади.

- Директорияга ҳаволани кўрсатади.

- Манзил қаторини кўрсатади.

- Менюни кўрсатади.

- Инструментлар панелини кўрсатади.

- Вазиятлар қаторини кўрсатади.

- Жимлик қондасига кўра, ойна кенглиги (пикселларда).

- Жимлик қондасига, кўра ойна баландлиги (пикселларда).

Жимлик қондасига кўра, барча созлашлар ёқилган: ойна кеңлиги ва баландлиги очилган браузер ойнасига кўра бирмунча кичик бўлиши мумкин.

Майдонни тўлдиргандан кейин **Сақлаш** тугмасини босиш керак.

Курснинг ресурси ихтиёрий вақтда таҳрирланадиган, курснинг ихтиёрий бўлимига жойлаштирилган, яширилган (кўрсатилган) ёки ўчирилган (тўлиқ Курс билан бошқариш бобида ёритилган) бўлади.

Ресурсларнинг барча типли созлашлари кейинчалик тўлиқ кўриб чиқилади.

### 5.3. Матнли саҳифани кўйиш

Матнли саҳифани яратиш ва кўйиш учун Ресурс кўшилсин рўйхатида Матнли саҳифа пункти танланади.

Ном майдонига курс саҳифасига гиперҳавола кўринишида тасвирланадиган ресурс номи киритилади.

Ихтиёрий матнни киритишга рухсат берадиган, оддий матн муҳаррири очилади. Бу муҳаррир Тўла матн бўлимида матнни киритишни таъминлайди. Матнли муҳаррир фақат форматланмаган матнни киритишга рухсат беради.

Эътибор беринг, қисқача таърифни киритиш учун киритилган матнни форматлашга, ҳавола, расмларни кўйишга рухсат берадиган веб-саҳифа муҳаррири ишлатилади.

Asosiy(Umumiy)

Nom\*

Qisqa ta'riflash


Trebuchet | 1 (pt) |  | T1 |

Yo'l:

Matnli sahifa

Сайтда маттни киритишда қуйида берилган турли форматлардан бирини танлашингиз мумкин:

- Авто-формат
- HTML-формат
- Матни формат
- Markdown-формат



Одатда, қурилмани жимлик қоидасига кўра қолдириш керак ва бунда ҳамма одатдагидай ишлайди.

### 5.3.1. Маттни форматлаш

Қуйида саҳифани форматлаштиришнинг кўп ишлатиладиган учта формати кўриб чиқилади.

#### • Авто-формат

Бу форматни Richtext HTML-муҳаррирни ёзувлар учун ишлатилмаганда қулай ҳисобланади. Матн худди e-mail ни жўнатган каби терилади.

Матн сақлагангандан кейин, тизим ўзи баъзи амалларни автоматик форматлаштириш учун бажаради.

Масалан, <http://yahoo.com> ёки [www.yahoo.com](http://www.yahoo.com) web-манзиллар ҳаволага автоматик ўзгартирилади.

Янги қаторга ўтиш сақланади, бўш қаторлар эса янги параграфларни бошлайди.

«Смайликлар»:-) график эквивалентларга автоматик ўзгартирилади.

HTML-теглар қўшимча форматлаштириш учун ишлатилиши мумкин.

#### • HTML-формат

Бу формат матн HTML кенгайтмалар тилини қўллаш орқали ёзилганини билдиради. Агар HTML-муҳаррир маттни таҳрирлаш учун ишлатилса, у ҳолда бу формат жимлик қондасига кўра, ўрнатилган бўлади.

Агар Richtext HTML-муҳаррир ишлатилмаса ҳам матнда HTML-кодни қўллаб, исталган нарсани олаш мумкин.

Авто-форматдан фарқли равишда, ҳеч қандай автоматик ўзгартириш содир бўлмайди.

Сайтда HTML ни ёзсангиз, зарур эффеқтларни яратиш учун ихтиёрий HTML-тегларни ишлатишингиз мумкин.

HTML-тегларни ишлатишда куйидагиларга эътибор бериш керак:

- <HEAD> ва <BODY> тегларини ишлатмаслик керак;
- Сайт саҳифаси структурасига таъсир этадиган <TABLE> теги ишлатишда эътиборли бўлинг;

#### • Матли формат

Формат катта ҳажмли дастурли код ёки HTML-теглари ёзилганидек тасвирлаш учун фойдали.

Бу ҳолда HTML-теглари браузерда қайта ишланмайди, пробеллар ва янги сатрға ўтиш тасвирланади, колганлари эса ўзгармай қолади.

#### • Markdown формати

Матли саҳифаларни форматлаштириш учун ишлатиладиган форматнинг охириги кўриниши – Markdown формати 1-иловада кўриб чиқилади.

### 5.4. Изоҳни кўйиш

Изоҳ – бу курснинг бош саҳифасида, курс форматига боғлиқ ҳолда мавзу ёки бошқа бўлимда бевосита тасвирланадиган ресурсдир.

Изоҳ асосан, ўқув материалларини ёритиш ва талабалар эътиборини қаратиш учун ишлатилади.

Изоҳни кўйиш учун Ресурс қўшилсин рўйхатидан Изоҳни танланг. Изоҳда матнни форматлаш, ҳавола ва расмларни ишлатиш мумкин.

Qo'shish Izoh

Matn izohi

Trebuchet 18pt

Yub.

Modulning umimiy sozlovleri

Visible Ko'rsatish

Saqlash va kursga qaytish Bekor qilish

Обязательные для заполнения поля в этой форме помечены \*

## 5.5. Веб-саҳифани қўйиш

Веб-саҳифани яратиш ва қўйиш учун Ресурс қўшилсин рўйхатидан **Веб-саҳифа** пунктни танланг.

Ном майдонига курс саҳифасида гиперҳавола кўринишида тасвирланадиган ресурс номини киритинг.

Маълумотларни киритиш формаси матнли саҳифаларни киритиш формасини эслатади.

Булар орасидаги фарқ шундаки, ҳам қисқача тавсиф, ҳам тўлиқ матн учун киритиладиган матнни форматлашга, ҳаволалар, расмлар ва бошқаларни қўйишга руҳсат берадиган HTML-муҳаррир ишлатилади.

**Asosiyilar (Umumiy)**

Nom\*

Qisqa ta'riflash

Trebuchet | 1 (8 pt) | [font size dropdown] | [font color dropdown] | [background color dropdown] | [text color dropdown] | [bold] | [italic] | [underline] | [list] | [link] | [unlink] | [undo] | [redo] | [cut] | [copy] | [paste] | [find] | [replace] | [print] | [help]

Yoh

**Web-sahifa**

To'la matn\*

Trebuchet | 1 (8 pt) | [font size dropdown] | [font color dropdown] | [background color dropdown] | [text color dropdown] | [bold] | [italic] | [underline] | [list] | [link] | [unlink] | [undo] | [redo] | [cut] | [copy] | [paste] | [find] | [replace] | [print] | [help]

## 5.6. Файлга ҳавола қўйиш

Файлга ҳаволани қўйиш учун Ресурс қўшилсин рўйхатида **Файл** ёки **веб-саҳифага** ҳавола пунктни танланг.

Очилган ойнага ресурс номини (у курс саҳифасида гиперҳавола кўринишида тасвирланади), унинг қисқача тавсифини киритинг ва кейин **Файлни танлаш** ёки **юклаш** тугмасини босинг:

Fayl yoki web-sahifaga ssilka

Joylashuv:

**Darcha**

Force download

Darcha:    
*Note: some media files may ignore this setting*

**Parametrlar**

**Modulning umumiy sozlovlari**

Visible:


ID number:

Агар файл курсга олдиндан юкланган бўлса, керакли файл номининг қаршисидаги Танлаш ҳаволасини босинг:

Nom	Kattalik, xajm	O'zgartirilgan	Amal
<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> backupdata	0 bayt	22 June 2011, 10:03 AM	Nomini o'zgartirish
<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> 11_maruza.doc	41.5Kbayt	16 June 2011, 09:52 PM <b>Tanlash</b>	Nomini o'zgartirish
<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> 12_maruza.doc	39.5Kbayt	16 June 2011, 09:56 PM <b>Tanlash</b>	Nomini o'zgartirish
<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> 13_maruza.doc	93Kbayt	16 June 2011, 10:20 PM <b>Tanlash</b>	Nomini o'zgartirish
<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> 14_maruza.doc	44.5Kbayt	16 June 2011, 10:20 PM <b>Tanlash</b>	Nomini o'zgartirish
<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> 15_maruza.doc	58.5Kbayt	16 June 2011, 10:25 PM <b>Tanlash</b>	Nomini o'zgartirish
<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> 16_maruza.doc	40Kbayt	16 June 2011, 10:29 PM <b>Tanlash</b>	Nomini o'zgartirish
<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> 17_maruza.doc	46Kbayt	16 June 2011, 10:36 PM <b>Tanlash</b>	Nomini o'zgartirish
<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> 1_amaliyot.doc	46Kbayt	16 June 2011, 02:34 AM <b>Tanlash</b>	Nomini o'zgartirish
<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> 1_laboratorija.doc	50Kbayt	16 June 2011, 03:33 AM <b>Tanlash</b>	Nomini o'zgartirish
<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> 1_maruza.doc	68Kbayt	16 June 2011, 02:12 AM <b>Tanlash</b>	Nomini o'zgartirish
<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> 2_amaliyot.doc	63Kbayt	16 June 2011, 03:09 AM <b>Tanlash</b>	Nomini o'zgartirish
<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> 2_laboratorija.doc	59Kbayt	16 June 2011, 03:39 AM <b>Tanlash</b>	Nomini o'zgartirish
<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> 2_maruza.doc	89Kbayt	16 June 2011, 02:47 AM <b>Tanlash</b>	Nomini o'zgartirish

Агар файл локал компьютерда жойлашган бўлса, **Файлни юк-лаш** тугмасини босинг.

## Куйидаги ойна очилади:



Сўнгра Файлни танлаш ёки юклаш тугмасини босиб, куйидаги ойнани ҳосил қиламиз:



Юкланадиган файл ўлчамига чегараланиш бор.

ТАТУ виртуал таълим тизими сайтида – 8 Мб.


Очилган ойнада курс файллари орасидан юкланган файлни топ-тинг ва керакли файл номининг қаршисидаги Танлаш ҳаволасини босинг.

Файллар ихтиёрий форматда бўлиши мумкин (\*.doc, \*.xls, \*.ppt, \*.html, \*.pdf, \*.swf, \*.gif, \*.jpg ва бошқалар.).

Кейинчалик улар фойдаланувчи компьютерига ўрнатилган мос илова ёрдамида очилади.

### 5.6.1. PDF форматда ҳужжатни сақлаш

PDF формати бошқа форматлардан, ҳар доим ҳужжатни суратли тасвирлаши билан ажралиб туради. Шунинг учун форматлаш учун мураккаб бўлган элементларни HTML форматда аниқ тасвирлаш мумкин бўлмаган ҳолларда уни ишлатиш тавсия этилади. Бундай элементларни ўз ичига олувчи мисол сифатида фаннинг ишчи дастурини олиш мумкин. Унда вертикал жойлашган матнли жадваллар бўлиб, жадвалнинг турли устунларидаги матнлар баландлик бўйича мос тушиши керак ва шунга ўхшаш.

Агар ҳужжат OpenOffice Writer (MS Word нинг бепул аналог)ида яратилган бўлса, уни PDF форматда сақлаш учун ускуналар панелидаги  «PDF га экспорт» тугмасини босиш етарли.

MS Word 2007 ни ишлатишда ҳам сиз файлни PDF форматда сақлашингиз мумкин. Бунинг учун «Office» тугмасини босинг, «Қандай сақлаш керак»ни танлаб, «PDF ёки XPS»ни босинг. Файлни сақлашда PDF форматини танланг.



PDF файлни яратишнинг кенг тарқалган усули принтернинг махсус драйверини ишлатиш орқали файлни босмадан чиқариш ҳисобланади. Сиз компьютерингизда **PDFCreator** бепул драйверини ўрнатишнингиз мумкин. Уни ишлаб чиқарувчининг сайтидан юклаб олишингиз мумкин:

<http://www.pdfforge.org/products/pdfcreator>.

PDF-файлни яратиш учун:

1. Хужжатингизни босмага чиқариш имконияти мавжуд бўлган Word, Excel ва бошқа дастурда очинг.

Файл – Босмадан чиқариш... менюсини танланг ва принтерлар рўйхатидан **PDFCreator** ни танланг.

2. Файлни босмадан чиқариш учун **OK** тугмасини босинг.

3. PDFCreator дастурида файл параметрларининг ички ой-наси очилади (Автор, Мавзу ва шунга ўхшаш майдонлардан иборат), сиз хоҳишингизга кўра уни ишлатишингиз мумкин. Сўнгра **Сақлаш** тугмасини босинг.

## 5.7. Веб-саҳифага ҳавола қўйиш

Саҳифа Moodle сервери каби, Интернет тармоғида ҳам жойлашган бўлади.

Ҳаволани веб-саҳифага қўшиш учун **Ресурс қўшилсин** рўйхатида **Файл ёки веб-саҳифага ҳавола** пунктини танланг.

Очилган саҳифада ресурснинг номини ва қисқача тавсифини киритинг.

Агар саҳифа курсга юкланган бўлса, **Файлни танлаш ёки юклаш** тугмасини босиб, курс учун олдиндан юкланган керакли файлни танланг.

Агар ҳавола ташқи сайтга юкланаётган бўлса, у ҳолда Жойлаштириш майдонига талаб этилаётган саҳифанинг тўлиқ URL-манзилни киритинг.

**Веб-саҳифани излаш...** тугмаси <http://google.com> манзили бўйича Google излаш тизимини очади. Унинг ёрдамида сиз Интернетдаги керакли саҳифани топиб, унинг аниқ манзилни нусха қилиб олишингиз мумкин.

Форманинг майдонларини тўлдирганингиздан кейин **Сақлаш** тугмасини босинг.

## 5.8. Ҳаволани каталогга қўйиш

Файллар каталогига ҳавола қўйиш учун **Ресурс қўшилсин** рўй-хатидан **Каталогга ҳавола** пунктини танланг.

Кейин файлларни юклашда олдиндан яратилган керакли каталогни танланг. Бу ҳаволага босиш орқали талабага барча файллар ва ички папкалардан иборат каталог таркиби кўрсатилади.

Талабага бу каталогдан бош каталогга ва курснинг бошқа файлларига ўтиш учун рухсат берилмайди.

## 5.9. Курс ресурсларида формулаларни ишлатиш

Формулалар билан ишлаш, шу жумладан, уларни веб-саҳифаларга қўйиш, ўқитувчи аудиторияси турли хил компьютер дастурий таъминоти ва ресурслари ўрнатилган операцион тизимли эшитувчилардан таркиб топганлиги учун масофавий таълимда бирмунча қийинчиликларни чакиради.

Энг ишончли усул формулаларни расм кўринишида тасвирлаш ҳисобланади. Бу усул формулани талаба каби ўқитувчи ҳам кўрганлиги учун 100 % ишончли бўлади.

Расм кўринишидаги формулалардан иборат веб-саҳифаларни яратишда ўқитувчига бирмунча қийин бўлади, чунки формулани матнга файлга ҳавола кўринишида юклаши керак.

1. MS Word да Microsoft Equation формулалар муҳаррири ёрдамида формула киритамиз (жимлик қондасига кўра юкланмайди, уни танлаб юклаш керак).

2. Хужжатни веб-саҳифа каби сақлаймиз (\*.html) бундан \*.html файли ва расмлар файли жойлашган \*.files номли кўшимча папка яратилади.

3. \*.files папкасини очамиз ва формуладан иборат расмни файлларни GIF форматида сақлаймиз (жимлик қондасига кўра улар image001.gif, image002.gif ва шу каби номланади).

4. Бошқариш блокида **Файллар** ҳаволасини босиб, курснинг файлли директориясига ўтамиз.

5. Унда расмлар учун янги папка очамиз ва бу папкага барча расмларни жўнатамиз:

6. Веб-саҳифада <img> HTML-тегли тасвирга **абсолют ҳаволани** қуйидаги кўринишда кўямиз:

```

```

Тасвирга абсолют ҳаволадан файл номига сичқончанинг ўнг тугмасини босиб ва Ҳаволадан нусха олиб менюсини танлаб, нусха олиш мумкин. Сўнгра уни Блокнотга қўйиш мумкин.

Барча ҳаволаларни аввал блокнотда сақлаб, кейин матннинг керакли жойларига қўйиш қулай ҳисобланади.

## I. TeX форматдаги формулалар

TeX – компьютер типографиясини яратиш мақсадида америкалик профессор, информатик Дональд Кнут томонидан яратилган компьютерли саҳифалаш тизимидир. Унга бир-бири билан кесишган ҳаволалар билан ишлаш ва мураккаб математик формулаларни териш учун ҳужжатларни секциялаштириш воситалари киради.

Формулани матнли тасвирлашни матнга оддий қўйиш ва  $\$ \$$  белгилари билан икки томонлама рамкага олиш керак.

Moodle да бундай формулаларни тасвирлаш учун график филтрлар ишлатилади.

Саҳифани тасвирлашда (форумда жавоблар, курснинг қандайдир актив элементида жавоблар ёки изоҳлар) формулани матнли тасвирлаш автоматик равишда расмларга ўзгартирилади. Ўзингизнинг хабарингизни таҳрирлашингиз давомида сиз яна формулани матнли тасвирлаш билан ишлай бошлайсиз.

Масалан, TeX график филтри  $\$(1\over \alpha) + \beta\$$  матнини  $\frac{\hat{O}}{\square} \square \square$  формуланинг график тасвирига айлантиради,  $\$\sqrt{3}\$$  элементар формула эса  $\sqrt{\quad}$  кўринишидаги расмга айлантиради.

Бу Moodle да формулаларни киритишнинг оптимал йўлидир, уларни ишлатишда нафақат ресурсларга, ҳатто топшириқлар, тестлар ва ҳатто формулаларга ҳам чеклашлар қўймайди.

Ягона камчилиги – TeX тилини билиш керак!


Moodle нинг ихтиёрий ҳужжатига ихтиёрий математик формулани қўйишнинг иккита имконияти мавжуд:

1. Формулаларни TeX:)) нотацияда ёзишга ўрганиш.


2. TeXaide бепул дастуридан фойдаланиш:

(<http://ctan.binkerton.com/support/texaide/>)

Бу дастурнинг интерфейси Word матнли муҳарририда ишлатиладиган Microsoft Equation дастури интерфейсига ўхшаш:




Бу ерда сиз керакли формулани танлаб, уни белгилаб ва алмашиш буферига Ctrl+C ни босиб, ундан нусха олишингиз мумкин. Кейин курсорни Moodle тахрирлаш ойнасининг керакли жойига кўйиб, Ctrl+V тугмасини босасиз. Натижада бу ерга TeX нотациясида ёзилган берилган формула кўйилади. Масалан, расмда кўрсатилган формула учун бу куйидагича бўлади:



Агар формула қизил сатрдан эмас, матн орасида ёзилса, у ҳолда кўйгандан кейин абзац охиридаги ортиқча белгиларни олиб ташлаш керак.

TeXaide дастурини ишлатишдан олдин унга керакли параметрларни ўрнатиш керак. Хусусан, Edit менюсида Translators амалини танлаш керак. Натижада куйидаги ойна очилади:



Translators рўйхатидан TeX – Plain TeX ни танлаш, «Include translator name in translation» ва «Include MathType data in translation» майдонларидан галочкаларни олиш ва ОК тугмасини босиш керак.

Берилган муҳаррирларда формулалар теришни билмайдиганлар учун қисқача маълумотнома бериб ўтамиз.

Клавиатурада мавжуд бўлмаган формула белгиси ёки элементини киритиш учун аввал керакли элементлар гуруҳини (йигинди, интеграл, матрица, грек ҳарфлари ва шунга ўхшаш) танлаш ва унда керакли элементни босиш керак. Улардан баъзилари ўзида бир нечта майдонлардан иборат бўлади. Масалан, юқорида тасвирланган касрлар иккита майдонга эга: сурат ва махраж. Суратга қўйилган йигинди ўз навбатида учта майдонга эга: қуйи ва юқори чегара ва мос ҳолда қуйи индекслар учун майдон қўйилган йигинди белгиси остидаги ифода ва даража кўрсаткичи. Сиз курсорни ихтиёрий жойга қўйишингиз, унга маълумотлар киритишингиз ва уларни ўзгартиришингиз мумкин. Курсор сиз ҳозир ишлаётган майдоннинг қуйи ва ўнг чегарасини кўрсатмоқда.

Сайтда TeX форматини ишлатиш учун администратор рухсати керак.

Бу форматда ишлаш учун мисолларни 2-илова TeX форматда ишлашда кўришингиз мумкин.

**Алгебранк форматдаги формулалар:**

Формулалар махсус матнли форматда киритилади ва график эквивалентга филтер билан ўзгартирилади.

Сайтда алгебранк форматни ишлатиш учун администратор рухсати керак.

Бу форматда ишлаш учун мисолларни 3-илова Алгебранк форматда формулаларда кўришингиз мумкин.

**II. DragMath Equation Editor формулалар редакторида ишлаш**


Moodle платформасида формулалар билан ишлаш учун DragMath Equation Editor формулалар редакторидан фойдаланилади. Бу редактор билан фақат Microsoft Explorer браузерарида ишлаш мумкин.

DragMath Equation Editor формулалар редакторининг менюлар сатрида Файл, Правка, Настройка, Помощь буйруқларни бўлиб, улар ўз вазибаларига эга.


Файл буйруғи керакли файлни очиш, зарур бўлган каталогта саклаш, алмашиш буферига экспорт қилиш, расм сифатида экспорт қилиш амалларини бажаради.

Правка буйруғи амалларни бекор қилиш, такрорлаш, олиб ташлаш, нусха олиш, нусха қўйиш, иш соҳасини тозалаш, амалларнинг барчасини танлаш амалларини бажаради.


### Настройка буйруғи



Установить формат экспорта ойнаси куйидаги кўрinishда бўлиб, у формулани қайси форматда экспорт қилиш имкони беради:



Установить язык ойнаси куйидаги кўрinishда бўлиб, у формулани қайси тилда киритиш имконини беради:





Implicit Multiplication буйруғи киритилган формулаларни кўпайтириб беради.

Помощ буйруғи дастур билан ишлашга ёрдам беради.

Яратилган курснинг «Курс элементини кўшиш» селекторидан Маъруза элементи танланади. Маърузада эса формула киритиш талаб этилсин. Бунинг учун матндаги керакли жойга курсор келтирилади:

Матрица элементлари  $c(i,j)=a(i,j)+b(i,j)$  тенгликлар билан аниқланади.


Сўнгра HTML-редактордаги  DragMath Editor пиктограммаси босилади. Агар DragMath Equation Editor формулалар редактори компьютерга ўрнатилмаган бўлса, уни керакли кўрсатмалар асосида қисқа вақт ичида юклаб олиш мумкин. Натижада куйидаги ойна очилади:




Бунда формула киритиладиган бўлса, формула сатридан керакли амал танланиб, унда сичқонча тугмаси босилади, куйидаги ёзув пайдо бўлади, унда керакли жойга маълумотларни киритилади:

$$\square = \square$$

В  $\sqrt{\sin^2(x)}$   $\Omega \neq \Omega$   $\hat{\Omega}$  маълумот киритилгандан кейин, Файл мешосидан Export to image ни бослади:



Куйидаги ойна очилади:



Унда ОК тугмаси бослади, сўнгра браузер ойнасида янги вкладка очилади, унда ёзилган формула чиқади.

$$В \sqrt{\sin^2(x)} \Omega \neq \Omega \hat{\Omega}$$

Формуладан нухса олиб, Маъруза элементининг курсор турган жойга нуххани кўйилади ва охириги натижага эришилади:

Матрица элементлари  $c(i,j)=a(i,j)+b(i,j)$  тенгликлар билан аниқланади.

$$y = \sqrt{\sin^2(x)} + \cos^2(x + 1)$$



## 6-боб. Курс элементлари

### 6.1. Курс элементлари

Moodle да талабаларнинг мустақил ишларини ташкиллаштириш учун курсга алоҳида актив элементларни қўшиш кўриб чиқилган.




Актив элементлар – бу кундузги таълимда талабаларни маърузадан ташқарида талабалар активлиги деб аташ мумкин. Масофавий таълимда у тармоқли коммуникативликни таъминлайди: аваламбор, бу мулоқот шакллари – форумлар, чатлар, хабарларни алмашиш; электрон дарслар, семинарлар; ҳамкорликдаги лойиҳа ишлари, масалан, глоссарий яратиш ҳамда билимларни текшириш формалари: тестлар, топшириқлар, сўровлар билан ишлаш.





Курснинг элементлари билан ишлаш талабанинг актив фаолиятини талаб этади.

– Айнан курс элементлари билан ишлаш тизим ва ўқитувчи томонидан баҳоланади ва охирида ўқув курсини ўзлаштиришда яқиний баҳолашга имкон беради.


Ҳар бир элементда курс элементларига осон йўналтириладиган, унга мос тасвир мавжуд.








Кенг тарқалганлари қуйидагилар ҳисобланади:

Moodle элементлари	Элементларнинг хусусиятлари
 Топшириқ	Топшириқ ўқитувчига масалалар қўйишга руҳсат беради, бундан эса талабадан жавобларни электрон кўринишда тайёрлаш (ихтиёрӣ форматда) ва серверга юклаш талаб этилади. Топшириқ текширилгандан кейин ўқитувчи баҳо қўйиши ва ишга тақриз ёзиши мумкин.
 Форум	Форум – бу курс қатнашчиларининг (ўқитувчи ва талаба) ўқиш давомидаги мулоқот воситаси. Бир неча типли форумларни ишлатиш мумкин.
 Семинар	Семинар – бу шундай дарс кўринишики, унда талаба нафақат ўзининг ишини бажаради, балки бошқа талабалар ишининг натижасини баҳолайди. Яқиний баҳода талабалар ишининг нафақат сифати, балки тақризчи сифатидаги иши ҳам ҳисобга олинади.

 Тест	Топширикларнинг турли кўринишдаги типларини ўз ичига олади (берилган жавоблардан бирини танлаш / ўзиникини ёзиш / кенгайтирилган жавобни бериш). Жавобларни текшириш автоматик амалга оширилади.
 Дарс	Назарий материал бир неча қисмларга бўлинган: кейинги бўлимни ўрганиш учун саволларга тўғри жавоб бериш керак. Ўқув материални қисмларга бўлиб бериш мумкин, ҳар бир қисм охирида саволлар бериш ва жавобларга боғлиқ ҳолда ўқитиш жараёнини материални ўқитишнинг у ёки бу бўлагига юбориш.
 Чат	Чат модули курс қатнашчиларига Интернет орқали реал вақтда мулоқотни амалга оширишга рухсат беради. Чатда мулоқот бир вақтнинг ўзида курс қатнашчилари ва ўқитувчиларини ишлашига олиб келади.
? Сўров	Сўров – бу жуда оддий инструмент. У талабаларга берилган қандайдир савол жавобларининг бир неча вариантларини танлаш имконини беради.
 Глоссарий	Глоссарий – бу курсда ишлатиладиган терминлар ва тушунчалар лугати.

#### Кейин ишлатиладиганлари:

Moodle элементлари	Элементларнинг хусусиятлари
 Анкета	Moodle жамоадаги психологик климатни ўрганиш учун курслар бўйича ахборотларни йиғиш учун олдиндан ишлаб чиқилган анкеталарни ўз ичига олади.
Анкетали сўров	Анкетали сўров модули фойдаланувчидан маълумотларни йиғиш учун саволлар типларининг тўпламини ишлатган ҳолда анкета (сўров)лар яратишга рухсат беради. Анкетали сўров элементи ўқитувчига турли типли саволларни анкетага киритишга рухсат беради.
Иш дафтари	Иш дафтари талабанинг конспекти, ёзма назорат иши ёки рефератнинг масофавий аналоги сифатида кўрилиши мумкин. Ўқитувчи талабалардан аниқ мавзу ҳақида фикрини билдиришни ёки аниқ саволларга жавоб беришни сўрайди. Талаба жавоб беради ва шу вақтнинг ўзида жавобини таҳрирлаши мумкин.

 <b>Китоб</b>	Китоб – бу кўп бетли ўқув материали. Курснинг бундай элементи бир нечта ҳужжатларни бирлаштириш учун фойдали бўлиши мумкин, масалан, битта мавзули мақола.
 <b>Маълумотлар базаси</b>	Маълумотлар базаси модули ўқитувчи ва талабаларга маълумотлар базасидан ёзувларни олишга, кўриб чиқишга ва излашга рухсат беради. Бу ёзувларнинг формати ва структураси чегараланмаган, улар ўз ичига расмларни, ҳаволаларни, матн ва бошқа форматларни олиши мумкин.
 <b>Мулоқот</b>	Мулоқот модули фойдаланувчилар жуфтлиги орасида мулоқотнинг оддий усулини таъминлайди.
 <b>SCORM</b>	SCORM модули ихтиёрий SCORM ёки AICC стандарт пакетларини юклашга рухсат беради ва уларни курснинг бир қисми деб ҳисоблайди.
 <b>Wiki</b>	Wiki модули талабаларга ҳужжат устида унинг таркибини кўшиб, кенгайтириб ва ўзгартирган ҳолда ҳамкорликда ишлашга рухсат беради.
 <b>Машк</b>	Машқда ўқитувчи талабалардан қандайдир амалий ишни бажаришни сўрайди. Бу очерк ёки ҳисоботнинг ёзилиши, тақдимот яратиш ва шунга ўхшаш бўлиши мумкин. Талаба топшириқни бажариб бўлгандан сўнг, у ишини ўқитувчига юборишдан олдин текшириши керак. Талаба ишини юборгандан кейин уни ўқитувчи текширади. Яқуний баҳо ишнинг сифатига ва уни талаба қандай баҳолаганига боғлиқ бўлади. Ҳозирги вақтда кўпинча Семинарга алмаштирилади.
 <b>Hotpot тест</b>	Тестлар ўқитувчи компютерерида яратилади ва кейин Moodle курсига юкланади.

Курснинг бошқа элементлари ҳам бўлиши мумкин, агарда уларга мос қўшимча модуллар администратор тизимига қўшилган бўлса.

Қуйида сиз курснинг турли элементларини ишлатиш ва созилашлар билан танишасиз.


## 6.2. Курсга элементларни қўшиш

Курсда алоҳида элементларни ишлатиш учун сиз уларни курснинг керакли бўлимига қўйишингиз мумкин.

Элементлар тахрирлаш режимда қўшилади (Курсни бошқариш бўлимига қаранг). Бу режимда ҳар бир бўлимнинг қуйи қисмида барча типли элементларнинг тушувчи рўйхати билан «Курс элементини қўшиш...» ойнаси пайдо бўлади.

Фақат тизимда ўрнатилган ва администратор томонидан ишлатишга рухсат берилган элементларга рухсатли кириш бор (уларни яна курс модули дейишади).

ТАТУ виртуал таълим тизими сайтида барча стандарт модуллар ва Moodle да ишлатиладиган муҳим қўшимча модуллар ўрнатилган.




Элементлар курснинг аниқ бўлимига қўшилади.

Курс бўлимига элементни қўшиш учун «Курс элементини қўшиш...» очилувчи рўйхатдаги керакли бўлимдан зарур элементни танланг.

Танловдан кейин тизим фойдаланувчи томонидан форма майдонларини сизга керакли кийматлар билан тўлдириш учун тезда танланган элементни тахрирлаш саҳифасига ўтади.

Баъзи майдонлар (масалан – Ном) зарурий ҳисобланади, тизим уларни тўлдирмай ташлаб кетишга рухсат бермайди!

Қўшиладиган элемент типига боглиқ ҳолда формалар турли майдонларга эга бўлиши мумкин, аммо уларнинг кўпчилиги **барча** элементлар учун умумий майдонга эга бўлади:




**Ном** – курс мавзусида тасвирланадиган элемент исми. У ихтиёрий, аммо ахборотли бўлиши керак.

**Тавсиф** – бу майдонда сиз талаба бажариши зарур топшириқни, вариантлар танлашни, ҳисобот формасини, бажариш муддатини ва шунга ўхшашларни киритишингиз керак.

### Гуруҳли режим

Сиз учта гуруҳли режимлардан бирини танлашингиз мумкин:



- **Гуруҳ йўқ** – талабалар гуруҳларга бўлинмайди, ҳар бири алоҳида катта жамоанинг бир қисми ҳисобланади.

- **Алоҳида гуруҳлар** – ҳар бир гуруҳ талабаларига ўзининг гуруҳи ягона ҳисобланади, улар учун бошқа гуруҳ талабаларининг иши кўринмайди.

- **Рухсат этилган гуруҳлар** – ҳар бир гуруҳ талабаси ўзининг гуруҳи соҳасида иш олиб боради, аммо бошқа гуруҳлар ишини кузатиб бориши мумкин.

**Гуруҳли режимда ишлайдиган ҳар бир элемент учун ўзининг гуруҳли режимини кўрсатиш керак.** Агар курс учун «мажбурий гуруҳли режим» ўрнатилган бўлса, курснинг ихтиёрий элементи учун гуруҳли режимни юклаш ташлаб юборилади.

**Талабаларга тегишли** – иккита кийматга эга бўлиши мумкин: «**Кўрсатиш**» – курс элементига талабалар кириши мумкин бўлади.

«**Яшириш**» – курс элементи талабалардан яширин бўлади, улар ҳатто унинг мавжудлигини билишмайди. Сиз курс элементи

билан талабаларни ҳали таништиришга эрта деб ҳисоблаганингизда ишлатилади.

Майдонлар тўлдиргандан кейин **Сақлаш** тугмаси босилади.

Ихтиёрий вақтда курс элементи таҳрирланиши, курснинг бошқа бўлимига ўтказилиши, яширилиши (очилиши) ёки ўчирилиши мумкин.

Барча типли элементларни сошлаш бу бобда кейинчалик ўрганилади.


### 6.3. Топширик

Топширик ўқитувчига масалалар қўйишга рухсат беради, бундан эса талабадан жавобларни электрон кўринишда тайёрлаш (ихтиёрий форматда) ва серверга юклаш талаб этилади.

Талаба бажарган топширигини асинхрон режимда (қачон хоҳласа) бир ёки бир нечта файллар кўринишида ёки шу жумладан, ёпиштирилган файллар билан online режимда жўнатиши ёки тизимдан ташқарида топшириши мумкин. Агар топширикқа жавоблар жўнатиб, у ҳолда ўқитувчи электрон почта орқали бажарилган топширикли файлни келганлиги ҳақида хабардор қилиниши керак.

Топширик одатда ўқитувчи томонидан баҳоланади. Ўқитувчи яна талаба томонидан юборилган ишга тақриз (изоҳ) ёзиши ҳам мумкин.

Топширикни курс мавзусига қўйиш учун **Курс элементни қўйиш** рўйхатидан **Топширик** типни таҳрирлаш режимини танланг:



Очилган ойнага топширик номини киритинг, топширик тавсифини тартибланг – талаба бажариши керак деб ҳисоблаганингизни тўлиқ ёзинг ва параметрларнинг керакли қийматларини ўрнатинг.

Топширикларнинг кўпгина типлари умумий **Параметрларга** эга бўлишади.

Максимал баҳо ёки ишлатиладиган шкала – шуни эътиборга олинганда, курсни якуний баҳолашда шкала эътиборга олинмайди.

Топширикни бажаришнинг бошлангич (охирги) санаси ва вақти – агар сиз топширикнинг муддатини чекламоқчи бўлмасангиз – мос майдондаги Бекитмоқ (Отключить) тугмасини ўрнатинг.

Топширикни бажариш муддати ўтгандан кейин жавобни йўллашни ман этиш – агар «Ҳа» бўлса, у ҳолда талаба кўрсатилган муддатдан кейин топширикни топширолмайди. Агар «Йўқ» бўлса, у ҳолда муддат ўтгандан кейин ҳам талаба жавобни йўллаши мумкин. Кечикиб юборилган жавоблар учун ўқитувчида қизил ранг билан белгиланган мос эслатмалар бор.

Бир нечта уриниш – жимлик қондасига кўра талабалар ўқитувчи баҳолагандан кейин жавобларини тузатолмайдилар.

Бу бўлак кўшилганидан сўнг талабаларга жавобларни баҳолангандан кейин ҳам тузатилган жавобларни юборишга рухсат этилади (қайта баҳолаш учун). Бу шундай ҳолларда фойдалики, унда ўқитувчи талабалардан янада кўпроқ тўғри жавобларни тайёрлашига туртки беради. Бу параметр сайтдан ташқари ва бир неча файлли жавоблар учун қўлланилмайди.

- **Ўқитувчиларга хабар юбориш** – агар бу параметр ўрнатилган бўлса, у ҳолда ўқитувчилар талабанинг ҳар бир янги жавоби ҳақида ёки уни янгилаганлиги ҳақида электрон почта орқали хабар олишади. Хабарни фақат берилган топширикни баҳолайдиган ўқитувчилар олади. Масалан, агар курсда алоҳида гуруҳлар ишлатилаётган бўлса, у ҳолда бир гуруҳ билан ишлайдиган ўқитувчилар бошқа гуруҳ талабаларининг берилган топширикқа жавоби кўшилган хабарни олмайди.

- **Файлнинг максимал ўлчами** – файллар юкланадиган топшириклар учун.

У ёки бу параметрнинг кўрсатмаси ҳақида  белгиси босиб, маълумотномадан билишингиз мумкин.

### **6.3.1. Алоҳида типли топширикларнинг хусусиятлари**

**Бир нечта файллар кўринишидага жавоб**

Топширикнинг бу типи ҳар бир қатнашчидан ихтиёрый типли бир ёки бир нечта файлларни юклашга рухсат беради. Улар MS Word ҳужжатлари, тасвирлар ёки бошқа файллар бўлиши мумкин.

Талаба топшириққа жавоб беришда ўрнатилган файлларнинг максимал сонини юклаши мумкин, аммо мажбур эмас.

#### **Специфик параметрлар:**

**Ўчиришга рухсат бериш** – агар рухсат берилган бўлса, у ҳолда талабалар юкланган файлларни ўқитувчига баҳолаш учун юборишдан олдин ихтиёрий вақтда ўчириши ёки алмаштириши мумкин.

**Юкланадиган файлларнинг максимал сони** – талаба юклаши мумкин бўлган файлларнинг максимал сони. Бу қиймат талаба томонидан тасвирланмайди, шунинг учун топшириқни ёритишда файлларнинг талаб этилган сонини кўрсатинг.

**Белгилашга рухсат бериш** – агар қўшилган бўлса, у ҳолда талабалар матнли майдонга белгилашлар киритиши мумкин. Бу майдон ўқитувчи билан алоқа, топшириқни бажарилишини ёритиш ва шунга ўхшаш учун ишлатилиши мумкин.

**Кўрсатилган санагача тавсифни яшириш** – агар қўшилган бўлса, у ҳолда топшириқ тавсифи унинг бошланиш санасигача талабалардан яширин бўлади.

Ўқитувчи юборилган ишни баҳоламагунча, у ишни талабага қайта ишлаш учун қайтариш тугмасини босиб, қайта ишлашга юбориши мумкин (бунда тузатишлар билан тақриз ёзилиши ва файл юкланиши мумкин). Баҳо қўйилгандан кейин бундай имконият йўқ. Баҳоланган ишни қайта ишлаш учун юборишдан олдин **Баҳоларсиз баҳолаш** рўйхатидан жорий баҳонни танлаб, ўчириш керак.

#### **Матн кўринишидаги жавоб**

Топшириқнинг бу типни талабага матнли жавобни юбориш имкониятини беради ва иш дафтарини ишлатишга ўхшайди.

Талаба жавоб матнини таҳрирлашнинг оддий воситаларини, шу жумладан HTML-муҳаррирни ишлатиб, таҳрирлаши мумкин (форум ёки хабарни юбориш каби).

**Специфик параметри: тақризга талаба жавобининг матнини киритиш** – бу параметр танланганда талаба жавобининг нусхаси ўқитувчи томонидан жавоб баҳоланганда тақриз майдонига қўйилади.

Бу ўқитувчига жавобнинг алоҳида жойларини изоҳлашга имкон беради. Ўқитувчи жавобни ранг, чизиқча билан белгилаши ёки талабанинг бошлангич жавобини таҳрирлаши мумкин.



### **Файл кўринишидаги жавоб**

Топширикнинг бу типи талабага жавоб сифатида битта ихтиёрний файлни юбориш имкониятини беради. Масалан, сурат, Word хужжати, архив ёки ихтиёрний бошқа файлни.

### **Сайдан ташқаридаги жавоб**

Бу режим топширик Moodle дан ташқарида берилганда фойдали ҳисобланади. Масалан, почта орқали ёки ўқитувчи билан шахсан кўришганда.

Талабалар топширикни ўқиши мумкин, аммо унга жавобни матн кўринишида ҳам, файл кўринишида ҳам юборишолмайди. Ўқитувчи эса бошқа типли топшириклардагидек каби, ўзининг хулосасини ёзиши ва баҳолаши мумкин.

Топширикнинг бу типи баъзи субъектив факторларни баҳолаш учун ишлатилиши мумкин, масалан, талабаларнинг фаоллиги, уларнинг ечимни топишдаги ўзига хослиги ва шунга ўхшаш.

## **6.4. Иш дафтари**

Иш дафтари талабанинг конспекти, ёзма назорат ишининг ёки рефератнинг аналоги сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Ўқитувчи талабаларга аниқ мавзу ҳақида фикр билдиришни ёки аниқ саволларга жавоб беришни таклиф этади.

Талаба ўзининг жавобини беради ва аниқ вақт давомида уни ўзгартириши ва тўлдириши мумкин.

Иш дафтариининг таркиби конфиденциал ҳисобланади ва фақат талабанинг жавобларига изоҳ бериши ва талабани баҳолаши мумкин бўлган ўқитувчига кириш рухсат этилади.

Курсга иш дафтариини кўшиш учун **Курс элементини кўшиш** рўйхатидан **Иш дафтари** пунктини танланг.

**Кейин параметрларининг зарур қийматларини киритинг:**

- Иш дафтариининг номини (сарлавҳасини) беринг,
- Ишнинг мавзусини ёзинг (талабаларга топширик);
- Ишнинг максимал балини киритинг;
- Дафтар билан ишлаш вақтини ўрнатинг (1 кундан 52 ҳафтагача ёки дафтарга ҳар доим кириш мумкин).
- Ишнинг зарур гуруҳли режимини ўрнатинг.

## 6.5. Сўров

Сўров – бу оддий инструмент, у талабаларга саволнинг жавоби сифатида бир нечта вариантлардан иборат жавоблардан бирини танлашига рухсат беради. Талаба сичқончани босиш орқали жавобни танлайди.

Сўров мақсади – овоз бериш йўли билан талабалардан аниқ саволга жавоб олиш ҳисобланади, масалан, курс ҳақида фикри.

Сўровни яратиш учун Курс элементини қўшиш рўйхатидан **Сўров** ни танланг.

Сўровнинг барча параметрларини аниқланг:

**Жавоб вариантини танлашни чегаралаш**

Бу бўлак жавобнинг аниқ вариантини танлаши мумкин бўлган талабалар сонини чегаралаш режимини ишлатишга рухсат беради.

Агар режим ишлаётган бўлса, у ҳолда «Чегаралаш» майдонинда бу сонни ўрнатиш мумкин. Сўров давомида ўрнатилган талабалар сони жавобнинг бу вариантини танласа, қолган талабалар учун жавоб ногўғри бўлади. Агар 0 ўрнатилган бўлса, у ҳолда жавоб варианты бўлмайди.

Агар режим ишламаётган бўлса, у ҳолда ихтиёрий талабалар қўйилган савол жавобининг аниқ вариантини танлаши мумкин.

**Жавоб вақтинини чеклаш:**

Сўровда иштирок этадиган талабалар сонини чеклаш учун **сана ва вақтни** ўрнатиш мумкин.

**Натижаларнинг анонимлиги:**

- Натижаларни аноним кўрсатиш (тақризчилар исминини кўрсатмасдан).
- Натижаларни тўлиқ кўрсатиш (жавоблар ва талабаларнинг исми).

**Сўров натижаларини кўрсатиш режими:**

- Сўров натижаси талабага жавобидан кейин тезда маълум қилинади.
- Натижалар талабага фақат сўров ёпилгандан кейин берилади.
- Сўров натижаси талабага берилмайди.
- Натижалар талаба учун ҳар доим берилади.

**Ўзгартиришга рухсат бериш:**

Ўқитувчи талабага жавобини ўзгартиришга рухсат бериши ёки ман қилиши мумкин.

## **Жавоб бермаганлар сонини кўрсатиш:**

Ўқитувчи сўров натижаларида жавобнинг биронта вариантини ҳам танламаган, яъни жавоб бермаган талабалар сонини кўрсатиши мумкин.

### **6.6. Маълумотлар базаси**

#### **Маълумотлар базасини ишлатиш**

«Маълумотлар базаси» элементини қуйидаги ҳолларда ишлатиш мумкин:

- Биргаликда аниқ мавзуга тегишли мақолалар, китоблар, гиперҳаволалар, кутубхона ҳаволаларини йиғиш.
- Курснинг қатнашчиларини ўзаро таништиришда талабалар бир-бирининг ишини изохлаши ва хулоса бериши учун улар томонидан яратилган суратлар, плакатлар, сайтлар, мавзуларни қўйиш.
- Курс қатнашчиларининг тузатишлари ва уларнинг берган овозлари орқали иш учун яхши деб топилган вариантларнинг охириги рўйхатини тузиш.
- Талабаларга файлларни сақлаш учун имконият бериш.

Маълумотлар базасини яратиш учун Курс элементини қўйиш рўйхатидан Маълумотлар базасини танланг.

Маълумотлар базасининг параметрларини аниқланг:

**Ёзиш мумкин:** сана диапазонини ўрнатинг ёки ҳар доим ёзишга рухсат беринг (Бекитиш майдонида байроқча ўрнатинг).

**Кўриш мумкин:** сана диапазонини ўрнатинг ёки ҳар доим кўришга рухсат беринг (Бекитиш майдонида байроқча ўрнатинг).

**Зарур бўлган ёзувлар сони:**

Фойдаланувчи томонидан зарур бўлган ёзувлар сони киритилган бўлиши керак. Берилган сонга етгандан кейин у натижага эришади.

Фойдаланувчи то ўзига зарур бўлган ёзувлар сонини киритмагунча, унинг иши чегараланган бўлади.

**МБ ни кўриш учун зарур бўлган ёзувлар сони:**

Фойдаланувчи маълумотлар базасидаги ихтиёрий ёзувни кўришга рухсат олишдан олдин, ўзига тегишли ёзувлар сонини яратиши керак.

**Ёзувларнинг энг катта сони:**

Фойдаланувчи учун рухсат берилган ёзувларнинг максимал сони.

**Изоҳларга рухсат бериш:** сиз талабаларга ҳар бир ёзув учун изоҳ киритишга рухсат беришингиз мумкин.

**Маъқул кўришга қўйилган талаблар:**

Ёзувлар талабаларга кўрсатилишдан олдин ўқитувчи томонидан маъқулланиши керакми? Бу кераксиз маълумотлар учун филтрация вазифасини бажаради.

Маълумотлар базасига ёзувларни импорт қилиш мумкин.

**CSV файлда импорт**

CSV-формат вергуллар билан ажратилган қийматлардан иборат.

Қуйида кўриладиган файл формати – майдон номлари рўйхатидан иборат оддий матн файли. Сатрларда маълумотлар жойлашган, битта ёзув битта қаторда.

Майдонлар ажратувчиси жимлик қондасига кўра – вергул; майдондаги барча ёзувлар вергул билан ажратилади.

Матнли муҳаррирдаги ёзувлар янги сатрга ўтиш билан ажратилади (**Enter** тугмасини босиш билан).

#### **6.6.1. «Маълумотлар базаси» элементини ишлатиш**

- Биринчи навбатда курсга маълумотлар базасини қўшиш керак (**Курс элементини қўшиш... > Маълумотлар базаси**). Сизга унга ном бериш ва фойдаланувчига унинг ишини тушунтирадиган матнни ёзиш тақлиф этилади.

- Кейин сиз маълумотлар базасини тўлдирмоқчи бўлган аниқ маълумотларга эга майдонни танлашингиз зарур бўлади. Масалан, машҳур расмлар маълумотлар базаси аниқ берилган раем билан график файлни юклаш учун «Расм» номли тасвир майдони ва маълумотлар базасига расм ва расм ҳақида маълумот киритиш учун иккита «Расм» ва «Номи» номли матнли майдонлардан иборат бўлади.

- Шундан кейин маълумотлар базасида ёзувларнинг тасвирий кўринишини ўзгартириш учун маълумотлар базасининг шаблонини таҳрирлаш мумкин (аммо зарур эмас).

- Эътибор беринг: маълумотлар базасида майдонлар таркиби ўзгарганда (хусусан, янги майдонлар қўшилганда) янги майдонлар карточка ва таҳрирлаш шаблонларининг охирига қўшилади. Шаблонларни ишлатиш учун қулай ҳолга келтириш мақсадида ё «Шаблонни ташлаш» тугмасини босиш ё маълумотлар

базасини кўраётганда қўшилган янги майдонлар тасвирланиши учун шаблонларни қўлда таҳрирлаш керак.

• Кўрсатилган ишларни бажариб бўлгандан кейин ўқитувчи ва талабалар ўзининг маълумотларини киритиши ва (агар зарур ва рухсат этилган бўлса) бошқалар томонидан киритилган маълумотларга изоҳ бериши ва уларни баҳолаши мумкин. Маълумотлар базасидаги ёзувларни алоҳида ёки рўйхат кўринишида кўриб чиқиш мумкин. Ёзувлар бўйича излаш ва уларни саралаш мумкин.

### **Ёзувларни рўйхат бўйича кўриш**

Рўйхат кўринишида кўриш бир вақтда бир нечта файлларни, қондага кўра максимал сиқилган формада кўришга рухсат беради. Саҳифадаги тасвирланадиган ёзувлар сони фойдаланувчи томонидан берилади.

Сизни кизиқтирадиган ёзув ҳақида тўлиқ маълумотни олишга ўтиш учун лупа тасвирли пиктограммага босиш керак.

«Рўйхат билан кўриш» режимида сизни кизиқтирадиган ёзувларни излаш ва саралаш мумкин.

### **Ёзувларни битталаб кўриш**

Тўлиқ маълумотни «Ёзувларни битталаб кўриш» режимдан олиш мумкин (ёзувларнинг индивидуал «карточка»си кўринишида).

Бундай усул аниқ ёзув бўйича янада тўлиқроқ маълумотни олишга рухсат беради.

### **Ёзувларни кўшиш**

«Ёзувларни кўшиш» вкладкасини очинг, янги ёзув формасининг майдонини тўлдиринг ва «Сақлаш ва кўриб чиқиш» тугмасини босинг.

Бир нечта ёзувларни кўшишда – «Сақлаш ва кейингисини кўшиш» тугмасини босинг.

Ўқитувчининг ўрнатишига боғлиқ ҳолда ёзувларни талабалар ва ўқитувчи ё фақат ўқитувчи киритиши мумкин.

### **Изоҳни кўшиш**

Агар бунга маълумотлар базасини ўрнатишда рухсат этилган бўлса, битта ёзувни кўриш режимида ўқитувчи маълумотлар базасига изоҳ киритиши мумкин.

### **Ёзувларни баҳолаш**

Агар бунга маълумотлар базасини ўрнатишда рухсат этилган бўлса, ўқитувчи ёзувларни баҳолаши мумкин.

Ўзининг ёзувларини баҳолаш мумкин эмас.

### 6.6.1.1. Маълумотлар базасининг шаблонлари

«Маълумотлар базаси» элементи учун шаблонлар ёзувларни кўришда ва таҳрирлашда маълумотларнинг жойлашувини куриш учун рухсат беради. Бу Open Office Writer ёки Microsoft Word каби матн муҳаррирларида ишлатиладиган «хатларнинг аралашини» функциясига ўхшаш.

Шаблонни сақлаш ва уни кейинчалик намуна сифатида ишлатиш учун шаблонни «Бошланғич HTML-код» режимда очиш ва коддан нусха олиб, уни матнли файл кўринишида сақлаш мумкин.

#### Тегларни ишлатиш

Сиз шаблонга маълумотлар базаси майдонларидан маълумот ва бир нечта махсус теглар кўйишингиз мумкин (қуйида берилди).

Теглар ва майдонлар рўйхати саҳифанинг чап қисмида жойлашган. Тег ёки майдонни кўйиш учун HTML коддини кўриш режимига ўтинг, курсорни матннинг керакли жойига кўйинг, кейин кўйиш керак бўлган тегни ёки майдонни босинг. Ёки оддийгина махсус белгилар орасида тег ёки майдоннинг тўғри номини киритинг: ##шундай## – тег учун ёки [[шундай]] – майдон учун.

- ##Edit## жорий ёзувни таҳрирлашга рухсат берадиган «Таҳрирлаш» пиктограммасини яратади (агар фойдаланувчида таҳрирлаш учун рухсат бўлган ҳоллардагина пиктограмма пайдо бўлади).

- ##More## фойдаланувчинини ёзувларни биттадан кўриш режимига ўтказувчи «Кўриш» пиктограммасини яратади.

- ##MoreURL## «Кўриш» пиктограммаси ўрнига ихтиёрий бошқа ҳаволаларни (хусусан, «Батафсил» типдаги матнли ҳаволалар) ишлатишга ёки майдонлар таркибини ҳавола сифатида олишга рухсат берган ҳолда олдинги тегдаги каби функцияларни бажаради.

Берилган тегни кўйиш учун ҳавола сифатида хизмат қиладиган матн ёки майдонни белгиланг, браузерда жойлашган визуал муҳаррирдаги «Ҳаволаларни кўйиш» тугмасини босинг ва «URL-манзил» майдонига ##MoreURL## ни киритинг. **Диққат:** «More» ва «URL» орасида бўшлиқ бўлмаслиги керак.

- ##Delete## жорий ёзувни ўчиришга рухсат берадиган «Ўчириш» пиктограммасини яратади (пиктограмма фойдаланувчида таҳрирлаш учун рухсат бўлган ҳолдагина пайдо бўлади).

- **##Approve##** жорий ёзув тасвирини маълумотлар базасида беришга рухсат этадиган «Маъқуллаш» ҳаволасини яратади (ҳавола фақат бунга фойдаланувчи ҳақли бўлган ҳолдагина пайдо бўлади).

- **##Comments##** изохларни кўриш/тахрирлаш учун ҳавола яратади (ҳавола фақат изохлар модулни ўрнатишда рухсат берилган ҳолдагина пайдо бўлади).

- **##User##** маълумотлар базасига ёзув қўшган курс катнашчисининг шахсий карточкасига (профилига) ҳавола яратади.

### **Рўйхат кўринишидаги ёзувларни кўриш учун шаблон**

Шаблон майдонлар таркибини ва ёзувлар тўпламини кўриш режимида уларнинг жойлашувини ўзгартиришга рухсат беради (масалан, излаш натижалари). Шаблонни шундай куриш керакки, ёзувлар рўйхатида фақат энг умумий маълумотлар тасвирлансин, янада тўлиқроқ ахборотга эса (ёзувларни биттадан кўриш режимида) ёзув номига босишдан кейин кириш мумкин бўлсин.

### **Ёзувларни биттадан кўриш учун шаблон**

Шаблон ёзувларни биттадан тасвирлаш учун ишлатилади, шунинг учун маълумотлар базасида ёзувларни рўйхат кўринишида кўриш режимига кўра янада тўлиқ ахборотлар учун жой етарли бўлади, масалан, катта тасвирлар учун.

### **Ёзувларни қўшиш учун шаблон**

Шаблон маълумотлар базасига ёзувларни қўшиш ва тахрирлаш учун ишлатиладиган интерфейс формасига эга. Ҳозирги вақтда янги шаблон сақланганда эскиси йўқотилади. Кейинчалик фойдаланувчига қайтадан ишлатиш учун шаблонларни яратиш, номлаш, импорт қилиш ва экспорт қилиш имкониятларини таъминлаш режалаштирилмоқда. Ҳозирча у ёки бу шаблонни қандайдир матн муҳарририни ишлатиб, шаблондан ўз компьютерига нусха олиб, матн файли сифатида сақлаш мумкин.

### **RSS шаблони**

Маълумотлар базасидаги ёзувлар учун RSS каналларининг таркибини куришга рухсат беради.

### **CSS шаблони**

Шаблон стилларнинг каскадли жадвали (CSS) ёрдамида HTML ни шакллантириш учун ишлатилади. Шу шаблонда берилган CSS кодига бошқа шаблонлар юборилиши мумкин.

## **JavaScript шаблони**

Шаблон бошқа шаблонлар юборилиши мумкин бўлган JavaScript кодни бериш учун ишлатилади.

### **«Шаблонни ташлаш» тугмаси**

Маълумотлар базасига майдонлар қўшилгандан кейин шаблонларда маълумотлар базасига киритиладиган жимлик қондасига кўра ахборотларнинг жойини берадиган HTML-код пайдо бўлади. Агар сиз кейинчалик кўшимча майдонларни яратмоқчи бўлсангиз, «Шаблонни танлаш» тугмасини босинг; бу шаблонга жимлик қондасига кўра берилган ахборотларни тасвирлаш структурасида янги майдонларни киритиш учун HTML-кодни кўшади. Шаблонларни таҳрирлагандан кейин бу функцияни ишлатиш ўзгаришларни йўқолишига олиб келади (шаблонларда жимлик қондасига кўра, берилган структура қайта тикланади).

Аввал майдон таркибинини аниқланг, сўнгра шаблонларни ўзгартинг.

### **6.6.1.2. Маълумотлар базаси майдони**

Майдон – аниқ ахборотларни сақлаш учун маълумотлар базаси структурасининг элементиدير.

Маълумотлар базасидаги ҳар бир ёзув турли типдаги майдонларга эга бўлиши мумкин. Битта жадвалдаги барча ёзувлар майдонларнинг бир хил тўпламига эга бўлади.

Турли типли майдонларни ишлатиб, аниқ мавзу бўйича тўлик ахборотни йиғиш мумкин.

#### **Майдон номи ва унинг таърифи**

Майдонни яратишда унга ном ва таъриф берилади. Майдон номи уникал, имкониятга кўра қисқа ва тушунарли бўлиши керак.

#### **Майдонлар тип:**

##### **Матн**

Фойдаланувчилар 60 белги узунликдаги матн киритиши мумкин. Янада узун матн ёки форматланган матн учун (масалан, турли даражадаги сарлавҳали, маркирли рўйхатли ва шунга ўхшаш) «Матнли соҳа» майдонини ишлатиш талаб этилади.

##### **Матнли соҳа**

Фойданувчига форум хабарлари каби форматлаш имкониятини берадиган матннинг катта ҳажмини киритишга рухсат беради.

##### **Сонли майдон**

Фойдаланувчига ихтиёрий бугун сонни (аммо матн эмас!) ки-



ритишга рухсат беради. Сон мусбат бўлган каби манфий бўлиши ҳам мумкин (масалан: ..., -2, -1, 0, 1, 2, 3,...).

Киритилган сонлар яхлитланиши ёки нолга айлантририлиши мумкин бўлган ҳоллар учун мисоллар:

«3,14» сони «3» гача яхлитланиши мумкин (фақат бутун сонларни киритиш мумкин, аммо каср сонларни эмас);

«1, 000, 000» сони «1» гача яхлитланиши мумкин (разрядларни вергуллар билан ажратиш керак, бошқа белгилар билан ажратиш мумкин эмас);

«олти» «0» га айлантририлади (фақат сонларни киритиш мумкин, ҳарфлар киритилмайди).

### **Сана**

Фойдаланувчига ёйиладиган рўйхатдан кун, ой ва йилни танлаб, санани киритишга рухсат беради.

Этибор беринг, саналар рўйхати 1 январь 1970 йилдан бошланади. Агар олдинги саналарни киритиш лозим бўлса, у ҳолда «Матн» майдонини ишлатиш керак.

### **Гиперҳавола**

Фойдаланувчига гиперҳавола манзилини киритишга рухсат беради. Агар сиз «автобоғланган» параметрини ўрнатсангиз, у ҳолда маълумотлар базасидаги ҳавола актив ҳисобланади. «Ҳавола учун мажбурий ном» ойнасига киритган матнингиз гиперҳавола сифатида ишлатилиши мумкин. Масалан, агар сиз муаллифлар маълумотлар базасини яратаётган бўлсангиз, у ҳолда сизга келиши мумкин бўлган фойдаланувчилар томонидан муаллифлар сайтини кўрсатиш керак бўлиб қолади. Шунинг учун сиз «Ҳавола учун мажбурий ном» ойнасига «Сайт» сўзини киритишингиз, натижада унга босган ҳолда мос сайтга ўтишингиз мумкин.

### **Файл**

Ихтиёрий файлни компьютердан юклашга рухсат беради. Агар график файлларни юклаш керак бўлса, у ҳолда бу майдон ўрнига «Тасвир» майдонини ишлатиш қулай.

### **Тасвир**

Фойдаланувчи ихтиёрий график файлни компьютердан юклаши мумкин.

### **Radio buttons**

Фойдаланувчига бир нечта мумкин бўлган вариантлардан бирини танлашга имкон беради. Агар фойдаланувчи вариантлардан би-

ронтасини ҳам танламаса, у ҳолда тизим ёзувни маълумотлар база-сида сақлашга имкон бермайди.

Агар қийматлари бўйича бир-бирига қарама-қарши (чин/ёлгон, ҳа/йўк) ҳисобланадиган иккита вариантли майдон яратмоқчи бўлсангиз, у ҳолда переключатель ўрнига битта байроқчали (флажок) майдонни ишлатиш қулай – бу ҳолда байроқчага имзо кўйиш байроқча ўрнатишни тасвирлайдиган мосликни берадиган тасдиқдан иборат бўлади. Бундан эса шуни эътиборга олиш керакки, жимлик қондасига кўра байроқчалар иштирок этмайди, шунинг учун бу майдонда ўз танловини бермаган ҳолда маълумотлар базасда ёзувларни сақлаши мумкин.

### **Байроқчалар (Checkbox)**

«Байроқчалар» майдон типни қийматларнинг битта ва ундан кўп вариантни беради.

Вариантларнинг шу майдонли ёзувлари галочкаларни ўрнатиш учун ойначалар билан жиҳозланган.

Бундай типли майдон қийматлари фақат белгиланган вариантлардан иборат рўйхат кўринишидаги маълумотлар базасини кўришнинг турли режимларида берилади.

Байроқчали майдонларни, масалан, фильмнинг қандай жанрга: комедия, вестерн, кўрқинчли фильм ва шунга ўхшашларга тегишли эканлигини кўрсатиш учун «Жанр» майдони киритилган фильмларнинг маълумотлар базасини ишлатишда қулай. Бу ҳолда фойдаланувчи бир вақтда бир неча жанрга тегишли фильмларни характерлаш имкониятига эга бўлади, масалан, «кўрқинчли комедия» ёки «комедия-вестерн».

Шу мақсадга яна меню ёрдамида ҳам эришиш мумкин (танловнинг бир нечта вариантлари билан), аммо байроқчали интерфейс майдон катта тушунарлиликка эга бўлади.

Агар сиз фойдаланувчи қандайдир вариантлардан бирини танлашини хоҳласангиз, байроқчали майдон ўрнига переключателли майдонни ишлатинг.

### **Тушувчи рўйхат (битта вариантни танлаш) [Menu]**

Танлов вариантлари очилган рўйхат кўринишида бўлиб, фойдаланувчи улардан фақат битта жавобни танлаши мумкин бўллади.

### **Меню (кўп бора танлаш) [Menu (multi-select)]**

Вариантлар фойдаланувчи битта ёки бир нечта вариантни танлаши мумкин бўлган рўйхат кўринишида берилади.

Бир неча вариантни танлаш учун CTRL ёки SHIFT тугмаларини босиб туриш керак. Бу фойдаланувчидан қўшимча компьютер саводхонлигини талаб этганлиги учун берилган майдон ўрнига байроқчали майдонни ишлатиш ишончли бўлади.

**Байроқчалар, Тушувчи рўйхат (битта вариантни танлаш) ва Меню (кўп бора танлаш) майдонларини яратишда «Танлов вариантлари» (Options) ойнасидаги ҳар бир вариантни янги қатордан териш керак.**

## 6.7. Глоссарий

Глоссарий – бу курсда ишлатиладиган терминлар ва тушунчалар луғатидир.

Глоссарий функционал равишда талабалар ва ўқитувчилар учун куйидаги имкониятларни беради:

- Луғатда терминлар категориялар бўйича гуруҳланади.
- Талаба луғат ёзувига изоҳ қўшиши мумкин.
- Изоҳлар ўқитувчи томонидан баҳоланади.
- Луғатлар XML орқали осон экспорт ва импорт қилиниши мумкин.
- Луғатлар изоҳ модулига эга бўлиши мумкин.

Сиз талабанинг ишини курс глоссарийсини тўлдирган ҳолда ташкиллаштиришингиз мумкин.

Бундан ўзингиз талабаларга тушунарли луғат терминларини яратишингиз мумкин.

Глоссарий яратиш учун Курс элементини қўшиш рўйхатидан Глоссарий ни танланг.

Очилган саҳифада глоссарийнинг Созлаш параметрларини ўрнатинг:

**Саҳифага ёзувлар:** битта саҳифада тасвирланадиган луғатдаги ёзувлар сонини тасвирлайдиган сон.

**Глоссарий типлари:**

- Глобал (сайт администратори томонидан берилади).

Глобал глоссарийлар ихтиёрий курснинг бир қисми ёки сайтнинг бош саҳифаси бўлиши мумкин.

Глобал глоссарий сифатида ихтиёрий курснинг фақат бош глоссарийси тайинланиши мумкин. Глоссарий жойлашган курснинг ўқитувчиси бунда унга ёзувлар киритиши мумкин.

Уларнинг оддий глоссарийдан фарқи шундаки, глобалдаги ёзувлар фақат глоссарий жойлашган курсда эмас, балки бутун сайт бўйича ишлатилиши мумкин.

- **Бош** (курс ўқитувчиси томонидан аниқланади).

Бош глоссарийга ёзувларни фақат курс ўқитувчиси қўшиши мумкин.

Курсда фақат битта бош глоссарий бўлиши мумкин. Одатда, бош глоссарий курснинг нолинчи бўлимида жойлашади.

- **Иккиламчи** (ўқитувчилар ва талабаларга ёзувларни қўшишга рухсат берилган).

Иккиламчи глоссарийлар бир нечта бўлиши ва улар курснинг ихтиёрий бўлимларига қўшилиши мумкин.

Тизим сизга ёзувларни иккиламчи глоссарийдан курснинг бош глоссарийсига экспорт қилишга рухсат беради.

Глоссарийнинг рухсат этилган форматлари:

(Бу созлашлар глоссарий ёзувлари қандай кўринишда тасвирланишини аниқлайди).

- **Оддий луғат:** алоҳида ёзувли анъанавий луғатга ўхшаш бўлади. Ёзув муаллифи кўрсатилмайди, унинг таркибидагилар ҳавола кўринишида тасвирланади.

- **Узилишсиз, муаллифи йўқ:** ёзувлар бири бошқасидан кейин бирон-бир ажратувларсиз, аммо таҳрирлаш белгилари билан тасвирланади.

- **Тўлиқ, муаллиф билан:** муаллифни тасвирлайдиган форумга ўхшаш формат. Таркиби ҳавола кўришида тасвирланади.

- **Тўлиқ, муаллифи йўқ:** муаллифни тасвирламайдиган форумга ўхшаш формат. Таркиби ҳавола кўришида тасвирланади.

- **Энциклопедия:** «Тўлиқ, муаллиф билан» форматига ўхшаш, аммо таркиби шу вақтнинг ўзида кўрсатилади.

- **F.A.Q.:** Frequently Asked Questions (кўпинча бериладиган саволлар) – тасвирлашнинг қулай кўриниши. У автоматик равишда САВОЛ ва ЖАВОБ сўзларини тушунчага ва мос тавсифларга қўшади.

Глоссарийга автомат равишда бериладиган ҳаволалар:

Бу бўлакни қўшиш глоссарий ёзувлари билан мос тушадиган

шу курсда мавжуд сўзлар ва гапларни (форум, ички ресурслар ва шунга ўхшаш) гиперҳаволалар билан боғлашга рухсат беради.

Эътибор беринг, глоссарий учун автоматик равишда боғланиш имконияти бериш ҳар бир ёзув учун боғланишни ўз ичига олмайдди. Боғланиш ҳар бир ёзув учун ўрнатилган бўлиши керак.

Агар сиз курсдаги қандайдир матн глоссарий билан боғланишини истамасангиз, сиз унинг <nolink> ва </polink> теги остига олишингиз керак.

Категория номлари ҳам боғланишини ҳисобга олинг.

**Кўриш вариантлари:** сиз фойдаланувчи глоссарийни кўриши мумкин бўлган воситаларни қуришингиз мумкин. Ҳар доим кўриш ва излаш мумкин, аммо сиз учта вариантни аниқлашингиз мумкин:

**Махсус белгиларни кўрсатиш:** – @, # ва шунга ўхшаш махсус белгилар ёзувларни кўришни ёқиш ва ўчириш.

**Алфавитни кўрсатиш:** алфавит ҳарфлари бўйича кўришни ёқиш ва ўчириш.

**«Ҳамма» ҳаволасини кўрсатиш:** барча ёзувларни бирданига кўрсатишни ёқиш ва ўчириш.

**Такрорланадиган мақолалар:** бу бўлак глоссарийга битта терминлар бир нечта мақолаларни жойлаштиришга рухсат беради (масалан, бир нечта талабалар томонидан берилган таъриф).

**Жимлик қондасига кўра ёзувлар келишилган:** бу сошлаш ўқитувчига талабалар томонидан қўшилган янги ёзувлар билан нима содир бўлишини аниқлайди. Улар автоматик равишда ҳамма учун рухсат этилган бўлиши ёки ўқитувчи ҳар бир ёзувни тасдиқлаши керак бўлади.

**Ёзувларга изоҳ киритишга рухсат берилган:** ўқитувчи талабаларга глоссарий ёзувларига изоҳ киритишга рухсат беради. Ўқитувчилар ҳар доим изоҳ киритиши мумкин.

**Ҳар доим таҳрирлаш мумкин:** бу бўлак талабаларга ёзувларини ҳар доим таҳрирлашга рухсат беради, агар «Йўқ» танланган бўлса, у ҳолда ёзувлар аниқ вақтда талабалар томонидан таҳрирлаш учун рухсат этилган бўлади.

**Глоссарий ёзувларини баҳолаш:** ўқитувчи глоссарий ёзувларини баҳолашга рухсат бериши (фақат ўқитувчилар ёки курснинг барча қатнашчилари, шу жумладан, талабалар томонидан) ва баҳолаш учун сана диапозонини чеклаши мумкин.

## 6.8. Форум

Форумлар – бу курсни ўрганиш давомида курс қатнашчиларининг (талабалар ва ўқитувчилар) мулоқот воситаси.

Форум талабаларга саволлар бериш ва бошқа талабаларнинг саволларига жавоблар бериш имкониятини беради. Бу курс ўрганиш жараёнида тортишув олиб боришга руҳеат беради.

Сиз савол беришингиз мумкин, талабалар эса унга фақат жавоб бериши мумкин. Агар талабаларга бошқа талабаларнинг жавобларини кўришга руҳеат берилган бўлса, у ҳолда улар бошқа талабалар кўйилган масалани қандай ечаётганлигини кўришлари мумкин бўлади.

Курсни нолинчи бўлимда яратишда автоматик равишда Янгиликлар форуми яратилади. Эътибор беринг: янгиликлар форумида фақат ўқитувчилар хабарлар яратиш ҳуқуқига эга.

Бу форумни ўчириш мумкин эмас, бироқ талабалардан яшириш мумкин. Актив курсларда бундай қилиш тавсия этилмайди, чўнки бу форум ўқитувчининг талаба билан боғланиш учун асосий алоқа воситаси ҳисобланади.

Сиз ўзингизнинг курсингизда форумларнинг ихтиёрий сонини яратишингиз мумкин.

Форум яратиш учун Курснинг элементини қўшиш рўйхатидан Форумни танланг.

**Форумлар типлари:**

- **Стандарт умумий форум** – ҳар ким ихтиёрий вақтда янги мавзунини бошлаш мумкин бўлган очик форум.

- **Оддий муҳокама** – битта мавзудан иборат. Битта мавзу бўйича муҳокама олиб бориш учун ишлатилади.

- **Ҳар ким битта мавзунини очади** – форумнинг бу типида фойдаланувчилар томонидан яратиладиган мавзулар сони чекланган.

- **Саволлар ва жавоблар форуми** – саволга бошқаларнинг жавобини кўриш учун форум қатнашчиси ўзи аввал саволга жавоб бериши керак!

**Форум параметрларини диққат билан тўлдириш:**

Сиз шу форумга обуна бўлишингиз мумкин:

Форумда пайдо бўладиган хабар курс қатнашчиларига электрон почта орқали автоматик равишда юборилади.

Жўнатма форумда хабар пайдо бўлганидан 15 минут кейин амалга оширилади.

«Йўқ» бўлагини танлаш содир бўлганда курс қатнашчиси бундай хабарни ўзининг электрон почтасига олиши ёки олмаслигини танлайди.

Аммо баъзи форумларда, масалан янгиликларда курс қатнашчилари (хатто бошлангандан кейин ёзилганлар ҳам) хабар нусхаларини олдиндан олишлари мумкин.

Агар сиз «Ҳа, фақат биринчи марта учун» бўлагини танласангиз, у ҳолда курснинг барча жорий ва кейинги қатнашчилари **БИРИНЧИ** хабарнинг нусхасини олиши мумкин. Кейин улар e-mail даги жўнатмадан воз кечиши мумкин.

Агар сиз «Ҳа, ҳар доим» бўлагини танласангиз, у ҳолда курснинг барча қатнашчилари жўнатмадан воз кеча олмайди.

Эътибор беринг, агар сиз «Ҳа, фақат биринчи марта учун» бўлагини форумни янгилашда «Йўқ» бўлагига ўзгартирсангиз, бу ўзгариш фақат форумнинг кейинги қатнашчиларига тегишли бўлади. Бу тесқари ўтишга ҳам тегишли бўлади.

**Ўқилган/ўқилмаган хабарларни кузатиб бориш:** бу созлаш форум қатнашчиларига ўқилган ёки ўқилмаган хабарлар ҳақида маълумот беришга рухсат беради.

Ўқитувчи форум хабарларини кузатишнинг учта режимидан бирини танлаши мумкин:

- **Шарт эмас** – талабаларнинг ўзи шахсий созлашларида кузатиш режимларини танлашади;
- **Ҳа** – кузатиш режими ёқилган;
- **Йўқ** – кузатиш режими ёқилмаган.

#### **Форумни баҳолаш:**

Сиз хабарларни баҳолашга рухсат беришингиз мумкин, шунда талабалар ўзларининг жавобларининг баҳосини кўришади.

Сиз хабарларни баҳолашни саналар диапозони билан чегаралашингиз мумкин.

#### **Хабарларни бошқариш форумлари:**

Бу форум концепцияси жудда оддий. Фойдаланувчилар иши хабарларнинг берилган сони жўнатилгандан кейин маълум вақтга тўхтатилади; бу содир бўлишидан олдин улар огоҳлантирилади.

Огоҳлантириш бўлагини нолга ўрнатиш уларни ўчиради, қамал (блокировка) бўлагини нолга ўрнатиш қамал (блокировка)ни ўчира-

ди. Агар қамал (блокировка)ни ўчирилган бўлса, у ҳолда огоҳлан-тириш ҳам автоматик равишда ўчирилади.

Бу созлашлар ўқитувчи хабарларига таъсир этмайди.

Ўқитувчилар форуми – сиз курс ўқитувчилари ўзаро фикр ал-машадиган форум яратишингиз мумкин.

Бунинг учун Талабаларга кириш рухсат этилган майдонида Яширишни кўрсатинг.

Ўқитувчилар бундай форумни кул рангда кўриши мумкин. Та-лабаларга бу форум кўринмайди.

## 6.9. Семинар

Семинар – бу шундай даре кўринишики, унда талабалар нафа-қат ўзининг ишини бажаради, балки бошқа талабаларнинг ишини баҳолашади. Якуний баҳо нафақат мустақил ишларнинг сифатига, балки талабаларнинг тақризчилар сифатидаги ишига ҳам қўйилади.

Семинарларни ўтказиш жамоавий ишларни юритишга мос ту-шади ва ишни турли шакллар билан баҳолашга рухсат беради.

Курсга семинари кўшиш учун Курснинг элементини кўшиш рўйхатидан Семинарни танланг.

Семинарлар вариантларнинг кўпгина турли кўринишлари би-лан фарқ қилади ва курени созлаш ва бошқаришда энг мураккаб элементи ҳисобланади.

Семинари бошқариш кейинчалик 6.9.2. Семинарни бошқа-риш бўлимида кўриб чиқилади.

Тахрирлаш саҳифасида параметрларнинг талаб қилинадиган қийматларини кўйинг (6.9.1. Семинар параметрлари бўлимига қаранг).

### 6.9.1. Семинар параметрлари

**Номи.**

Семинар номи.

**Тавсифи**

Семинарда кўриб чиқиладиган саволларнинг батафсил тавси-фи, ишни баҳолаш критерияси ва бажариш муддати.

**Баҳолашга қўйиладиган баллар**

Бу талабалар томонидан ўзининг ва/ёки бошқа ишнинг баҳо-сига қўйилиши мумкин бўлган максимал баллдир.



Бу баҳони кўпинча «баҳолаш баллари» деб аташади. Бу берилган ишнинг максимал бали эмас; бу баҳо «кўрсатилган ишга кўйилган баҳо» деб аталади.

Баҳо учун кўйиладиган баллар шу ишнинг «маъқул кўрилган» баҳоси билан шу баҳонинг таққослаш йўли орқали «Семинар» модулида ҳисобланади. «Маъқул кўрилган» баҳо – бу барча баҳоларнинг ўртача қийматига яқин баҳо ҳисобланади. (Агар ўқитувчи баҳосининг оғирлиги 1 дан катта бўлса, «орттирилган» ўртача қиймат олинади). Агар ишнинг фақат битта баҳоси бўлса, у ҳолда ягона баҳо маъқул кўрилган деб олинади. Агар ишнинг иккита баҳоси бўлса, у ҳолда иккиласи ҳам «маъқул кўрилган» ҳисобланади. Фақат учта ва ундан ортиқ баҳолар бўлган ҳолларда модул баҳолар орасидаги фарқларни ажратишни бошлайди.

Семинар учун талабалар баҳоси – олган баҳоси ва талабанинг бажарган ишлари баҳосининг йигиндисидир. Шундай қилиб, агар баҳолаш учун максимал балл-20, кўрсатилган иш учун максимал балл 80 бўлса, у ҳолда семинарнинг максимал бали 100 бўлади.

Бу қиймат ихтиёрий вақтда ўзгариши мумкин.

#### **Ишга кўйиладиган баллар**

Бу кўрсатилган ишга кўйилиши мумкин бўлган максимал баҳодир.

Семинарнинг умумий баҳоси – бу курсдагилар ўртача баҳоси ва кўрсатилган иш баҳосининг йигиндисидир. Шундай қилиб, агар талабалар кўйиши мумкин бўлган максимал баҳо 30, ишнинг максимал баҳоси 70 бўлса, у ҳолда семинар баҳоси 100 бўлади.

Бу қиймат ихтиёрий вақтда ўзгариши мумкин.

#### **Баҳолаш стратегияси**

Семинарни баҳолаш стратегияси жуда ўзгарувчан. У қуйидаги қийматларга эга бўлиши мумкин:

**I. Баҳоламаслик** – ўқитувчини талабаларнинг йиққан баҳоси қизиқтирмайди. Талабалар ишни бир-бирига изохлаб беради, аммо баҳолашмайди. Ўқитувчи хоҳишига қараб, талабаларнинг берган изоҳларини баҳолаши мумкин. Бу баҳолар асосида талабаларнинг якуний баҳоси кўйилади. Агар ўқитувчи талабаларнинг берган изоҳларини баҳоламаса, у ҳолда семинар баҳоланмайди.

**II. Йирилган** – жимлик қондасига кўра ўрнатилади. Бундай семинарда баҳолаш учун баллар бир нечта «баҳолар элементи» дан ташкил этилади. Ҳар бир элемент семинарнинг мазмунини ёрити-

ши керак. Одатда семинарда изоҳлар ва баҳолаш учун 5 дан 15 тагача элементлар бўлади, уларнинг ҳақиқий сони топшириқнинг ўлчами ва мураккаблигига боғлиқ бўлади. Семинарлар Moodle нинг стандарт топшириғига мос тушадиган фақат битта элемент орқали баҳолаш стратегиясига эга бўлади.

**Элементлар қуйидаги учта белгига эга бўлади:**

**1. Элементнинг тавсифи.** У семинарнинг қайси қисми баҳола-нишини батафсил ўрнатиши керак. Агар баҳо сифатли бўлса, нима аъло, яхши ва ёмон эканлигини хабар бериш лозим.

**2. Элементнинг шкаласи.** Баъзи бир олдиндан аниқланган қийматлар мавжуд. Уларнинг диапазони: берилган қийматли шка-лалар орқали оддий шкаладан то тўлиқ 100 % шкалагача. Ҳар бир элемент учун шу элементнинг мумкин бўлган ўзгаришларига мос тушувчи ўзининг шахсий шкаласи бўлиши мумкин. Шкала якуний баҳолашни ҳисоблашда элементнинг муҳимлигини аниқламайди деб белгилаймиз; агар мос тушувчи элементларда бир хил оғирлик бўлса, 100 балли шкала 2 балли шкаладаги каби «таъсир»га эга бўлади.

**3. Элементнинг оғирлиги.** Жимлик қондасига кўра, элемент-ларга топшириқнинг якуний баҳосини ҳисоблашда бир хил қиймат берилади. Буни кўпроқ керак бўладиган элементларга 1 дан кўп оғирлик, камроқ керак бўладиган элементларга 1 дан кам оғирлик қўйиб, ўзгартириш мумкин. Оғирликларни ўзгартириш қиймати «Максимал баҳо» параметри билан ўзгартириладиган максимал баҳога таъсир этмайди. Оғирликларга манфий қийматларни бериш мумкин, бу – тажриба параметри.

**III. Хатоларни бирлаштириш** – бундай семинарда ишлар Ҳа/Йўқ шкаласи бўйича баҳоланади. Балл «Хато» ва таклиф этил-ган баҳолар сонлари орасидаги мосликни таъминлайдиган «Баҳолар жадвалида» аниқланган.

Масалан, семинар қатнашиши керак бўлган олтита аҳамиятли элементларга эга. Баҳолар жадвали қуйидаги ҳоллар учун баҳо-ларни таклиф этади, барча элементлар қатнашган, битта элемент қатнашмаган, иккита элемент қатнашмаган ва шунга ўхшаш «Хатолар» сони қатнашмаган элементларнинг муаллақ турган йи-гиндиси ҳисобланади.

Алоҳида элементларга хоҳишга кўра, агар улар бошқаларига нисбатан зарурроқ бўлса, оғирлик бериш керак.

Баҳолар жадвали чизикли бўлмаслиги мумкин. Масалан, таклиф этилган баҳолар 10 элементли семинар учун қуйидигича бўлиши мумкин: 90 %, 70 %, 50 %, 40 %, 30 %, 20 %, 10 %, 0 %, 0 %, 0 %. Баҳоловчи (талаба ёки ўқитувчи) таклиф этилган баҳони 20 %гача ихтиёрий томонга тузатиши ва ишга ўзининг баҳосини қўйиши мумкин.

**IV. Критерий** – баҳоланинг энг оддий типи (созлашда энг яхши бўлмаса ҳам). Ишлар критерияларни тасдиқлаш қаторида баҳоланади. Баҳоловчи иш кўпроқ қайси тасдиққа мос келишини танлайди. Баҳо ҳар бир критерий учун баҳо таклиф этиладиган «Критерийлар жадвали»да аниқланади. Масалан, топшириқ 5 тасдиқли критерийлар билан берилган ва баҳоловчилар ўшанда шу баҳоларнинг ҳар бири учун бешта тасдиқлардан бирини танлаши керак. Баҳоловчи ишга ўзининг баҳосини бериши учун 20 %гача берилган баҳони тузатиши мумкин.

**V. Рубрика** – биттадан ортик критерийлар бўлган ҳолларда Критерий бўйича баҳоланишга ўхшаш. Алоҳида «категория»ни ўз ичига олган ҳар бир гуруҳ бештагача тасдиққа эга бўлиши мумкин. Гуруҳларга алоҳида оғирлик ва ҳар бир гуруҳдан қийматларнинг муаллақ йиғиндисини – баҳо берилади. Бундай типда баҳоларни тузатиш кўриб чиқилмаган.

#### **Баҳоланадиган элементлар сони**

Бу сон баҳоланадиган элементлар сонини аниқлайди. Баҳоланиш стратегияси типига боғлиқ ҳолда бу сон тақризлар, баҳоланадиган элементлар, критерийлар тўплами ёки рубрикалардаги критерийларга мос тушади. Одатда, ишни баҳоланиш учун 5 тадан 15 тагача элементлар ишлатилади, уларнинг ҳақиқий сони топшириқнинг ўлчами ва мураккаблигига боғлиқ бўлади.

Баҳоларнинг барча шаклларида «Умумий изоҳ» майдони бор. «Баҳоланмайдиган» топшириқлар учун бу ерда берилган сонлар изоҳларнинг қўшимча майдонлари сонини аниқлайди. Ноль берилганда баҳоларнинг барча шакллари фақат битта Умумий изоҳ майдонидан иборат бўлади.

#### **Ишга бериладиган иловалар сони**

Киритилладиган сон ўзининг ишини таништирадиган талабага нечта майдонни «юклаш»и мумкинлигини аниқлайди. Сон 0 бўлиши мумкин, у ҳолда ишга бериладиган иловалар сонига рухсат берилмайди. Агар иловалар кутилатган бўлса, у ҳолда сон 1, 2... дан 5 гача бўлиши мумкин. Одатда, 0 ёки 1 қийматлар ўрнатилади,

аммо баъзи топшириқларда талабалардан биттадан кўп иловаларни бериш сўралади.

Агар 3 қиймат ўрнатилган бўлса-ю, талаба ўзининг ишига иккита файл ишлатган бўлса, у ҳеч қандай огоҳлантирувчи хабар олмайди. Шундай қилиб, ишини таклиф этган ҳолда, талабалар бир мартанинг ўзида шу параметр билан берилган файлларнинг максимал қийматгача бўлган ихтиёрий сонини бериши мумкин.

---

Бу бўлак талаба ўзининг ишига қўшадиган иловаларнинг максимал сонини аниқламайди. У нечта «юкланган» майдонни кўрсатиш лозимлигини аниқлайди. Талаба ўзининг ишини тахрирлаган ҳолда ундан кўп иловаларни кўшиши мумкин. Бу кам ҳоллардагина содир бўлади.

Бу бўлак учун жимлик қондасига кўра қиймат – 0, яъни илова талаб этилмайди.

### **Ишни такроран тақдим этиш**

Жимлик қондасига кўра, талабалар ўзининг ишини такроран тақдим этишлари мумкин.

Агар сиз бу бўлакни ёқсангиз, у ҳолда талабалар учун бу топшириқда биттадан кўп ишларни тақдим этишга рухсат берилади. Агар ўқитувчи талабалар ишини яхшиламоқчи бўлса, бу фойдали бўлиши мумкин.

Топшириқ баҳоси иш эга бўлган баҳолар сонига асосланади. Шундай қилиб, талабалар томонидан тақдим этилган янги ишлар курсдошлар томонидан қўйилган баҳоларга номзод бўлади. Бироқ, талаба тез такрорланувчи кетма-кетликда бир нечта ишни қайтадан тақдим этса, у ҳолда уларнинг ихтиёрий бири тенг эҳтимоллик билан баҳоланиши мумкин. Охирги иш ўзининг устунлигига эга бўлмайди.

Талабанинг якуний баҳоси умумий «баҳолар рейтинги»га ва уларнинг ишига берилган юқори баҳога асосланган.

### **Ишларнинг баҳоланадиган намуналари сони**

Бу сон талаба ўзининг ишини тақдим этишидан олдин, ўқитувчи томонидан тақдим этилган ишлар намунасини баҳолаши мумкинлигини аниқлайди. Агар у нолдан фарқ қилса, у ҳолда ҳар талаба бу намуналар сонини баҳолаши керак. Улар баҳолар қўйилмагунча ўз ишларини тақдим этиша олмайдилар.

### **Баҳоларни таққослаш**

Қуйидаги қийматларни олиши мумкин: жуда эътиборсиз, эътиборсиз, холис, талабчан, жуда талабчан.

Семинарда бу ўқитувчи ва талабалар томонидан баҳоланиши

мумкин бўлган ишда қўлланилиши мумкин. Агар иш намуналари қўлланилса, у ҳолда ўқитувчи уларни талабалар баҳолашидан олдин баҳолайди. Талабалар томонидан тақдим этилган иш ўқитувчи томонидан ва тўлиқ эҳтимоллик билан курсдошлар томонидан бирмунча холисона баҳоланган бўлиши мумкин. Семинар ўқитувчига талабалар баҳосига балл беришга ружсат беради, қолган балл бевосита ишнинг баҳоси билан аниқланади (Бу иккита соҳага берилган баллар пропорцияси семинар охирида ўрнатилади). Талабаларга ўқитувчи баҳоси билан қанчалик яхши мос тушишига асосланган баллар қўйилади (Ўқитувчи баҳоси бўлмаганда курсдошлар баҳосининг ўртача қиймати ишлатилади).

#### **Курсдошларнинг баҳоладиган ишлари сони**

Бу сон талаба бошқа талабалар ишини баҳолаши мумкинлигини аниқлайди. Агар бу ноль бўлмаса, у ҳолда ҳар бир талабага унинг курсдошларининг ишининг сонини баҳолаш таклиф этилади. Баҳодан кейин ишнинг муаллифи изоҳни ва эҳтимол курсдошлар томонидан берилган баҳони кўриши мумкин (Курсдошни баҳолаш жараёни «Баҳолаш мослиги» бўлагини ўрнатишга боғлиқ ҳолда такрорий бўлиши мумкин).

#### **Ўқитувчи баҳосининг оғирлиги**

Бу бўлак ўқитувчилар томонидан қўйилган ихтиёрий баҳолар учун, уларга талабалар баҳоси билан таққослаш бўйича оғирлик қўйишда ишлатилади.

Одатда бу бўлак қиймати 1 га тенг. Бу ўқитувчи баҳосига талаба баҳоси билан тенг оғирликни беради.

Аммо шундай ҳолатлар келиб чиқиши мумкинки, унда талабалар кетма-кет балларни «ошириб» борадилар, бундан улар курсдошларга жуда катта баҳо беришади. Ва тескари, баҳоладиган курсдош баҳони жуда ҳам пасайтиради (бу кам ҳолларда рўй беради). Талабалар томонидан сифатсиз баҳолаш маълум даражада бу бўлак қийматини ошиши билан тикланиши мумкин. Масалан, 5 қийматни ўрнатиш қуйидаги ҳолга олиб келиши мумкин, агарда ҳар бир иш учун 5 та талабанинг баҳоси бўлса, у ҳолда ўқитувчи баҳоси ҳар бир 5 талабаларнинг баҳоси каби оғирликка эга бўлади (шубҳали баҳоларнинг камайишида ва баҳоларни аниқлашда).

Баҳоларни таҳлил қилишда ўқитувчи баҳоси билан мос тушмайдиган талабаларнинг баҳоси камаяди. Қолган баҳолар ўқитувчи баҳоси билан яқинроқ бўлади.

Бу бўлак ихтиёрий вақтда ўзгариши мумкин.

## Тақсимланиш даражаси

Бу даража курсдошлар баҳоси гуруҳда тақсимланганлигини ёки тақсимланмаганлигини баланс қилишини аниқлайди. Бу ерда «баланс қилиш» термини ҳар бир талаба иши курсдошлар томонидан неча марта баҳоланишига тегишли бўлади. Агар Тақсимлаш даражаси НОЛга ўрнатилган бўлса, барча ишлар бир хил сон марта баҳоланади, яъни тақсимлаш баланс қилинган. Агар Даража БИР марта ўрнатилган бўлса, у ҳолда ишнинг қисми бошқа ишларга нисбатан 1 марта кўп баҳоланиши мумкин (бундан кўриш мумкинки, ишнинг қисми бошқа ишларга нисбатан кам баҳоланиши мумкин). Бу тақсимлаш даражаси баланс қилинмаган дейилади. Агар ИККИ марта ўрнатилган бўлса, у ҳолда иккиланган баланс қилинади.

Агар ҳамма курсдошлар баҳоси баланс қилинган бўлса, бу аъло даражада бўлади. Бу ерда охириги талаба ўзининг ишини тақдим этмагунча баъзи талабаларнинг ишлари тўлиқ баҳоланмаслиги катта камчилик туғдиради. Агар Тақсимлаш даражаси БИРга ўрнатилган бўлса, у ҳолда талабаларнинг кўпчилигига баҳоланадиган ишлардан ўзининг тўла «улуши» мавжуд деб ўйлашади ва улар охириги ишини кутмаслиги ҳам мумкин. Агар даража ИККИга ўрнатилган бўлса, кечиккан ишни кутиш янада камроқ бўлади.

Агар Тақсимлаш даражаси қиймати жимлик қондасига кўра (=0) ўзгарган ва БИРга ўрнатилган, семинар топшириғида эса курсдошлар баҳосининг сони = 5 бўлса, у ҳолда агар қандайдир иш 4 марта, бошқаси – 5 ва қолганлари – 6 марта баҳоланса, ҳеч қандай муаммо бўлмайди. Семинар янада текис «оқади», талабалар эса ўзининг ишини тақдим этиш учун бошқаларини кўп кутишига тўғри келмайди.

### Ўз-ўзини баҳолаш

Семинар топшириғи ҳар талаба баҳолаши керак бўлган ишлар рўйхатига талабанинг ўзининг ишини қўшиши мумкин. Бу, агар ҳар бир талаба курсдошларининг 5 та ишини баҳолаши керак бўлса, у ҳолда ихтиёрий талаба 6 та ишни баҳолаши керак бўлиб, улардан биттаси ўзининг иши ҳисобланишини билдиради.

Агар курсдошлар ишининг сони нолга ўрнатилган бўлса ва ўз-ўзини баҳолаш бўлаги қўшилган бўлса, у ҳолда топшириқ ўз-ўзини баҳолайдиган топшириққа айланади.

Баҳолар келишилган бўлиши керак.

Семинар қуйидаги вариантлардан бирига эга бўлиши мумкин:

1. «Йўқ» – тақдим этиш ва баҳолаш фазасида талабалар бошқа талабалар томонидан қўйилган баҳоларни кўришади. Бу ерда ишини тақдим этган ва уни баҳолаган талабалар орасида ҳеч қандай тесқари алоқа йўқ.

2. «Ҳа» – тақдим этиш ва баҳолаш фазасида талабалар бошқа талабалар томонидан қилинган ишларга қўйилган баҳоларни кўришади ва уларга бу ишларни изоҳлашга руҳсат берилади. Улар бу баҳоларга рози бўлишлари ва бўлмасликлари мумкин. Агарда улар баҳолар билан рози бўлишса, у ҳолда баҳолар қўллаб-қувватланади ва берилган аниқ муҳокама қилинадиган ишга якуний баҳо аниқланиб, охириги ҳисоблашларда ишлатилади. Агар улар баҳоладиган ишга қўйилган баҳога рози бўлишмаса, у ҳолда баҳони кўриш имконияти берилади. Муҳокама то мосликка келгунча ёки муддат тугагунча давом этиши мумкин. Муддат тугагандан кейин «тортишувли» баҳо якуний баҳолашда ишлатилмайди.

Агар баҳолар бўйича келишувга келинса (иккинчи вариант), у ҳолда баҳоларни кўрсатиш бўлагини ўчиришга руҳсат берилади. Агар «баҳоларни яшириш» бўлаги танланган бўлса, у ҳолда иши баҳоланаётган талабага фақат изоҳ кўрсатилади. Баҳолар келишув битгандан кейин кўрсатилади (битта изоҳда).

#### **Келишувгача баҳоларни яшириш**

Бу бўлак семинарларда ҳар бир баҳо бўйича талабалар орасида келишув бўлган ҳолларда ишлатилади. Иши баҳоланаётган талабага жимлик қондасига кўра «Йўқ» қиймати берилса, курсдошлар томонидан қўйилган изоҳлар ҳам, баҳолар ҳам кўрсатилади. Бу баҳолар кўрсатилмаган ҳолларга нисбатан кўп тортишувларга олиб келиши мумкин.

Агар бўлак қиймати – «Ҳа» бўлса, у ҳолда келишувга келгандаёқ баҳолар кўрсатилади. Бу розиликка фақат изоҳларда келиш мумкин. Агар изоҳлар баҳоларга мос тушмаса, у ҳолда иши баҳоланаётган талаба ўқитувчига муурожаат этиши мумкин.

#### **Тақдим этилган ишларнинг рейтинг жадвали**

Жадвал семинарда тақдим этилган яхши ишлар рўйхати чиқаради. Ёзувлар сонини нолга ёки 1 дан то 20; 50; ёки 100 гача сон-

ларни ўрнатиши мумкин. Агар ноль ўрнатилган бўлса, у ҳолда жадвал кўрсатилмайди. Агар 1 дан то 20; 50; ёки 100 гача сонлар танланган бўлса, у ҳолда берилган ишлар сони кўрсатилади. Масалан, 10 сони ўрнатилган бўлса – ўнга энг яхши ишлар кўрсатилади.

#### **Талабалар исмини яшириш**

Семинарда яширин баҳолаш вариантлари қўйилиши мумкин. Бу ҳолда ишлари тақдим этилган талабаларнинг исмлари ва суратлари кўрсатилмайди. Тақдим этилган ишлар фақат файллар номлари бўйича берилиши мумкин.

Агар баҳолаш яширин бўлмаса, у ҳолда ишлари тақдим этилган талабаларнинг исмлари ва суратлари кўрсатилади. Бу субъектив факторлар ҳисобига баҳоларни бузиб кўрсатишга олиб келиши мумкин.

Ўқитувчининг баҳоси талабалар учун доим кўрсатилади.

#### **Паролни қўллаш**

Агар «Ҳа» бўлса, у ҳолда кейинги майдон шу семинарда рухсатли кириш учун пароль ўрнатади. Пароль 10 белгигача узунликда бўлиши мумкин. Пароль семинар давомида ихтиёрий вақтда ўзгартирилиши мумкин.

#### **Қўйилган файлларнинг максимал ўлчами**

Параметр ишга қўйилиши мумкин бўлган файлларнинг максимал ўлчамини аниқлайди.

#### **Тақдим этилган ишларнинг боши ва охири**

Семинар қатнашчилари томонидан тақдим этилган ишларни баҳолашнинг бошланғич ва охириги вақти ва санаси.

#### **Ўқитувчининг қўйган баҳосини яшириш**

Ўқитувчи қўйган баҳони кўрсатилган санагача яшириш учун ишлатилади. Жимлик қондасига кўра бу семинарнинг яратилиш санаси ва вақти.

Агар сана ўзгармаган бўлса, у ҳолда ўқитувчининг қўйган баҳоси талабаларга улар қўйилганидан кейин қисқа вақт ичида (одатда ярим соат) тақдим этилади.

Агар ўқитувчи ўзининг қўйган баҳоларини семинар тугаши санасигача яширмоқчи бўлса, у ҳолда ман этиш санаси – тугаш санаси ҳисобланади.

Семинарнинг кўпгина параметрлари ③ белгисини босиш билан маълумотнома файлларини чақириладиган ҳаволага эга.



### 6.9.2. Семинарии бошқариш

Семинар оддий топшириққа кўра бирмунча мураккаб. У бир неча этаплар ёки фазалардан иборат. Улар қуйидагилар:

**1. Семинарини созлаш.** Семинар баҳоси баҳолар ЭЛЕМЕНТЛАРИГА бўлинган бўлиши керак. Бу семинарни баҳолашни бирмунча эркин бўлишини таъминлайди ва талабалар учун баҳолар қўйилиши чегарасини аниқлайди. Ўқитувчида баҳолар элементини қуриш, яъни баҳолар жадвалини яратиш ҳуқуқи бор.

Баҳолар элементини қуриш давомида ўқитувчи, одатда, ишнинг катта бўлмаган намуналари сонини тақдим этади. Булар – ўзининг ишини тайёрлашидан олдин, буларни баҳолаши лозим бўлган талабаларнинг тайёрланиши учун. Бироқ топшириқ талабага берилишидан олдин, бу намуналар ўқитувчи томонидан баҳолаши керак. Бу ўқитувчига берилган намуналар учун талабаларнинг қўйган баҳосини текширишда «жавоблар» намунасини тақдим этади (кейинги фазада амалга оширилади).

Ўқитувчи томонидан ишга тақдим этилган намуна мажбурий ҳисобланмайди ва баъзи семинарлар учун эҳтимол керак ҳам эмас.

**1. Ишни тақдим этишга рухсат бериш.** Семинар энди талабалар учун очик. Агар ўқитувчи ишга намуна берган бўлса, талабалар бу намуналарнинг аниқ сонини баҳолаши зарур. (Баҳолар сони семинарни яратишда берилади). Талаба баҳоларнинг керакли сонини йиққандан кейин, ўзининг ишини тақдим этишини мумкин. Намуналарсиз семинар бўлган ҳолда, талабалар ўз ишини ҳеч қандай кечикишсиз тақдим этишлари мумкин.

«Тақдим этиш» фазасининг охирида талабаларга ўзининг ишини тақдим этишга рухсат берилади. Кейинги иккита фазадан кейин ишлар сифати бўйича сараланади. Агар семинар «Созлаш» фазасидан тўғридан-тўғри «Тақдим этиш ва Баҳолашга рухсат бериш» фазасига ўтса (агар рухсат берилган бўлса), у ҳолда олдин тақдим этилган талабаларнинг ишлари кейин тақдим этилган талабаларнинг ишларидан олдин баҳоланади.

Баҳолашни бошлашдан олдин «кечикишни» қўшиш бу муаммони ечишни енгиллаштиради.

Талаба томонидан иш тақдим этилганидан кейин ўқитувчи хоҳишига кўра, уни баҳолаши мумкин. Бу баҳо талабанинг якуний баҳосига қўшилади. Баҳолаш топшириқни тақдим этиш ва баҳолаш фазасида амалга оширилиши мумкин.

**3. Талабаларга тақдим этиш ва баҳолашга рухсат бериш.** Агар семинар курсдошларнинг баҳосини ўз ичига олса, у ҳолда ўзининг ишини тақдим этган талабалар бошқа талабаларнинг ишларини баҳолаши мумкин. Ўзининг ишини ҳали тақдим этмаган талабаларга ўзининг ишини тақдим этишга рухсат берилади (аммо уларга бошқа талабаларнинг ишини кўришга рухсат берилмайди). Бу фазада ишни тақдим этиш ишни баҳолаш ва ортиқча баҳолаш билан бирга бўлиши мумкин.

Ўқитувчи барча талабалар ўзининг ишларини курсдошларни баҳолаш фазасига киришдан олдин тақдим эта олишлари учун ишларни тақдим этиш ва уларни баҳолашни иккита турли фазаларга тарқатиши мумкин. Бу ҳолда бу фаза умуман ишлатилмайди, «Тақдимотга рухсат бериш» фазасидан тўғридан-тўғри «Баҳолашга рухсат бериш» фазасига ўтилади. Бу ўқитувчига ишни тақдим этишни тугатиш санасини ўрнатишга рухсат беради, шу қуни топшириқ «Баҳолашга рухсат бериш» фазасига жойлашади.

Агар ўқитувчи бошқа томондан топшириқда бундай бўлинишни хоҳламаса, у ҳолда семинар бу фазани ишлатади. «БИР» (ёки «ИККИ») бўлиниш даражаси бўлинишни силлиқ кечишини таъминлайди. Шунинг хисобга олинганда, ишнинг натижасида тақдим этилган ишларга қараб, баъзи бир ишлар кўпроқ, баъзилари камроқ марта баҳоланади.

Агар талаба баҳо қўйса, курсдоши баҳони кўриши мумкин. Агар семинарда бу бўлак танланган бўлса, ишни тақдим этган талаба баҳони изоҳлаши мумкин. Ўқитувчи хоҳишига кўра бу баҳоларга баллар қўйиши мумкин. У ҳолда бу баллар талабаларнинг якуний ба-

мумкин бўлган ишда қўлланилиши мумкин. Агар иш намуналари қўлланилса, у ҳолда ўқитувчи уларни талабалар баҳолашидан олдин баҳолайди. Талабалар томонидан тақдим этилган иш ўқитувчи томонидан ва тўлиқ эҳтимоллик билан курсдошлар томонидан бирмунча ҳолисона баҳоланган бўлиши мумкин. Семинар ўқитувчига талабалар баҳосига балл беришга рухсат беради, қолган балл бевосита ишнинг баҳоси билан аниқланади (Бу иккита соҳага берилган баллар пропорцияси семинар охирида ўрнатилади). Талабаларга ўқитувчи баҳоси билан қанчалик яхши мос тушишига асосланган баллар қўйилади (Ўқитувчи баҳоси бўлмаганда курсдошлар баҳосининг ўртача қиймати ишлатилади).

#### **Курсдошларнинг баҳоладиган ишлари сони**

Бу сон талаба бошқа талабалар ишини баҳолаши мумкинлигини аниқлайди. Агар бу ноль бўлмаса, у ҳолда ҳар бир талабага унинг курсдошларининг ишининг сонини баҳолаш таклиф этилади. Баҳодан кейин ишнинг муаллифи изохни ва эҳтимол курсдошлар томонидан берилган баҳони кўриши мумкин (Курсдошни баҳолаш жараёни «Баҳолаш мослиги» бўлагини ўрнатишга боғлиқ ҳолда тақрорий бўлиши мумкин).

#### **Ўқитувчи баҳосининг оғирлиги**

Бу бўлак ўқитувчилар томонидан қўйилган ихтиёрий баҳолар учун, уларга талабалар баҳоси билан таққослаш бўйича оғирлик қўйишда ишлатилади.

Одатда бу бўлак қиймати 1 га тенг. Бу ўқитувчи баҳосига талаба баҳоси билан тенг оғирликни беради.

Аммо шундай ҳолатлар келиб чиқиши мумкинки, унда талабалар кетма-кет балларни «ошириб» борадилар, бундан улар курсдошларга жуда катта баҳо беришади. Ва тескари, баҳоладиган курсдош баҳони жуда ҳам пасайтиради (бу кам ҳолларда рўй беради). Талабалар томонидан сифатсиз баҳолаш маълум даражада бу бўлак қийматини ошиши билан тикланиши мумкин. Масалан, 5 қийматни ўрнатиш қуйидаги ҳолга олиб келиши мумкин, агарда ҳар бир иш учун 5 та талабанинг баҳоси бўлса, у ҳолда ўқитувчи баҳоси ҳар бир 5 талабаларнинг баҳоси каби оғирликка эга бўлади (шубҳали баҳоларнинг камайишида ва баҳоларни аниқлашда).

Баҳоларни таҳлил қилишда ўқитувчи баҳоси билан мос тушмайдиган талабаларнинг баҳоси камаяди. Қолган баҳолар ўқитувчи баҳоси билан яқинроқ бўлади.

Бу бўлак ихтиёрий вақтда ўзгариши мумкин.

## Тақсимланиш даражаси

Бу даража курсдошлар баҳоси гуруҳда тақсимланганлигини ёки тақсимланмаганлигини баланс қилишини аниқлайди. Бу ерда «баланс қилиш» термини ҳар бир талаба иши курсдошлар томонидан неча марта баҳоланишига тегишли бўлади. Агар Тақсимлаш даражаси НОЛга ўрнатилган бўлса, барча ишлар бир хил сон марта баҳоланади, яъни тақсимлаш баланс қилинган. Агар Даража БИР марта ўрнатилган бўлса, у ҳолда ишнинг қисми бошқа ишларга нисбатан 1 марта кўп баҳоланиши мумкин (бундан кўриш мумкин, ишнинг қисми бошқа ишларга нисбатан кам баҳоланиши мумкин). Бу тақсимлаш даражаси баланс қилинмаган дейилади. Агар ИККИ марта ўрнатилган бўлса, у ҳолда иккиланган баланс қилинади.

Агар ҳамма курсдошлар баҳоси баланс қилинган бўлса, бу аъло даражада бўлади. Бу ерда охириги талаба ўзининг ишини тақдим этмагунча баъзи талабаларнинг ишлари-тўлиқ баҳоланмаслиги катта камчилик туғдиради. Агар Тақсимлаш даражаси БИРга ўрнатилган бўлса, у ҳолда талабаларнинг кўпчилигига баҳоланадиган ишлардан ўзининг тўла «улуши» мавжуд деб ўйлашади ва улар охириги ишини кутмаслиги ҳам мумкин. Агар даража ИККИга ўрнатилган бўлса, кечиккан ишни кутиш янада камроқ бўлади.

Агар Тақсимлаш даражаси қиймати жимлик қондасига кўра (=0) ўзгарган ва БИРга ўрнатилган, семинар топшириғида эса курсдошлар баҳосининг сони = 5 бўлса, у ҳолда агар қандайдир иш 4 марта, бошқаси – 5 ва қолганлари – 6 марта баҳоланса, ҳеч қандай муаммо бўлмайди. Семинар янада текис «оқади», талабалар эса ўзининг ишини тақдим этиш учун бошқаларини кўп кутишига тўғри келмайди.

### Ўз-ўзини баҳолаш

Семинар топшириғи ҳар талаба баҳолаши керак бўлган ишлар рўйхатига талабанинг ўзининг ишини қўшиши мумкин. Бу, агар ҳар бир талаба курсдошларининг 5 та ишини баҳолаши керак бўлса, у ҳолда ихтиёрий талаба 6 та ишни баҳолаши керак бўлиб, улардан биттаси ўзининг иши ҳисобланишини билдиради.

Агар курсдошлар ишининг сони нолга ўрнатилган бўлса ва ўз-ўзини баҳолаш бўлаги қўшилган бўлса, у ҳолда топшириқ ўз-ўзини баҳолайдиган топшириққа айланади.

Баҳолар келишилган бўлиши керак.

Семинар куйидаги вариантлардан бирига эга бўлиши мумкин:

1. «Йўқ» – тақдим этиш ва баҳолаш фазасида талабалар бошқа талабалар томонидан кўйилган баҳоларни кўришади. Бу ерда ишини тақдим этган ва уни баҳолаган талабалар орасида ҳеч қандай тесқари алоқа йўқ.

2. «Ҳа» – тақдим этиш ва баҳолаш фазасида талабалар бошқа талабалар томонидан қилинган ишларга кўйилган баҳоларни кўришади ва уларга бу ишларни изоҳлашга руҳсат берилади. Улар бу баҳоларга рози бўлишлари ва бўлмасликлари мумкин. Агарда улар баҳолар билан рози бўлишса, у ҳолда баҳолар қўллаб-қувватланади ва берилган аниқ муҳокама қилинадиган ишга якуний баҳо аниқланиб, охириги ҳисоблашларда ишлатилади. Агар улар баҳоладиган ишга кўйилган баҳога рози бўлишмаса, у ҳолда баҳони кўриш имконияти берилади. Муҳокама то мосликка келгунча ёки муддат тугагунча давом этиши мумкин. Муддат тугагандан кейин «тортишувли» баҳо якуний баҳолашда ишлатилмайди.

Агар баҳолар бўйича келишувга келинса (иккинчи вариант), у ҳолда баҳоларни кўрсатиш бўлагини ўчиришга руҳсат берилади. Агар «баҳоларни яшириш» бўлаги танланган бўлса, у ҳолда иши баҳоланаётган талабага фақат изоҳ кўрсатилади. Баҳолар келишув битгандан кейин кўрсатилади (битта изоҳда).

#### **Келишувгача баҳоларни яшириш**

Бу бўлак семинарларда ҳар бир баҳо бўйича талабалар орасида келишув бўлган ҳолларда ишлатилади. Иши баҳоланаётган талабага жимлик қондасига кўра «Йўқ» қиймати берилса, курсдошлар томонидан кўйилган изоҳлар ҳам, баҳолар ҳам кўрсатилади. Бу баҳолар кўрсатилмаган ҳолларга нисбатан кўп тортишувларга олиб келиши мумкин.

Агар бўлак қиймати – «Ҳа» бўлса, у ҳолда келишувга келгандаёқ баҳолар кўрсатилади. Бу розиликка фақат изоҳларда келиш мумкин. Агар изоҳлар баҳоларга мос тушмаса, у ҳолда иши баҳоланаётган талаба ўқитувчига муурожаат этиши мумкин.

#### **Тақдим этилган ишларнинг рейтинг жадвали**

Жадвал семинарда тақдим этилган яхши ишлар рўйхати чиқаради. Ёзувлар сонини нолга ёки 1 дан то 20; 50; ёки 100 гача сон-

ларни ўрнатиши мумкин. Агар ноль ўрнатилган бўлса, у ҳолда жадвал кўрсатилмайди. Агар 1 дан то 20; 50; ёки 100 гача сонлар танланган бўлса, у ҳолда берилган ишлар сони кўрсатилади. Масалан, 10 сони ўрнатилган бўлса – ўнта энг яхши ишлар кўрсатилади.

#### **Талабалар исмини яшириш**

Семинарда яширин баҳолаш вариантлари қўйилиши мумкин. Бу ҳолда ишлари тақдим этилган талабаларнинг исмлари ва суратлари кўрсатилмайди. Тақдим этилган ишлар фақат файллар номлари бўйича берилиши мумкин.

Агар баҳолаш яширин бўлмаса, у ҳолда ишлари тақдим этилган талабаларнинг исмлари ва суратлари кўрсатилади. Бу субъектив факторлар ҳисобига баҳоларни бузиб кўрсатишга олиб келиши мумкин.

**Ўқитувчининг баҳоси талабалар учун доим кўрсатилади.**

#### **Паролни қўллаш**

Агар «Ҳа» бўлса, у ҳолда кейинги майдон шу семинарда руҳсатли кириш учун парол ўрнатади. Парол 10 белгигача узунликда бўлиши мумкин. Парол семинар давомида ихтиёрий вақтда ўзгартирилиши мумкин.

#### **Қўйилган файлларнинг максимал ўлчами**

Параметр ишга қўйилиши мумкин бўлган файлларнинг максимал ўлчамини аниқлайди.

#### **Тақдим этилган ишларнинг боши ва охири**

Семинар қатнашчилари томонидан тақдим этилган ишларни баҳолашнинг бошланғич ва охириги вақти ва санаси.

#### **Ўқитувчининг қўйган баҳосини яшириш**

Ўқитувчи қўйган баҳони кўрсатилган санагача яшириш учун ишлатилади. Жимлик қондасига кўра бу семинарнинг яратилиш санаси ва вақти.

Агар сана ўзгармаган бўлса, у ҳолда ўқитувчининг қўйган баҳоси талабаларга улар қўйилганидан кейин қисқа вақт ичида (одатда ярим соат) тақдим этилади.

Агар ўқитувчи ўзининг қўйган баҳоларини семинар тугаши санасигача яширмоқчи бўлса, у ҳолда ман этиш санаси – тугаш санаси ҳисобланади.

Семинарнинг қўпгина параметрлари ③ белгисини босиш билан маълумотнома файлларини чақириладиган ҳаволага эга.

## 6.12. Машғулот (Lesson)

Машғулот – Moodle нинг жуда мослашувчан, эффектив ва энг мураккаб актив элементи.

Бошқа версияларга кўчиришда бу элементни «Дарс» ёки «Маъруза» деб номлашади. «Дарс» – бирмунча мактабдагидай янграйди, «Маъруза» эса материалларни билимларга бевосита кўшишни билдиради.

Машғулот ёрдамида дастурлаштирилган ўқитиш жараёнини амалга ошириш мумкин. Ўқув материални қисмлар билан бериш мумкин, ҳар қисм охирида саволлар бериш ва жавобларга боғлиқ ҳолда ўқитиш жараёнини у ёки бу материални ўқитиш тармоғи бўйича йўналтириш керак.

Саволлар саҳифасини қўллаган ҳолда талабаларни тестдан ўтказиш жараёнини ташкиллаштириш, тестларни у ёки бу йўлга йўналтирган ҳолда уларнинг даражасини текшириш мумкин.

Машғулотни режалаштириш курснинг бошқа элементига кўра бирмунча кўп вақтни талаб этади.

Машғулотни яратишдан олдин, яхшилаб ўйлаб кўриш керак, балки бўлимлар кетма – кетлигини белгилаган ҳолда материални ўқитиш схемасини чизиш керакдир.

Машғулотни яратиш учун Курс элементини кўшиш рўйхатидан Дарсни танланг.


Машғулотнинг керакли параметрларини ўрнатинг.

Машғулотнинг барча параметрлари ва унинг тавсифи **6.12.1. Машғулот параметрларини созлаш бўлимида** ёритилган.

Машғулот параметрлари сақлангандан кейин куйидаги саҳифа очилади:

	Tahrirlash	Hisobotlar	Esselarni baholash
	Buzilgan	Uzaytirilgan	
<b>Birinchi navbatda nima qilmoqchisiz?</b>			
Savollarni import qilish			
PowerPoint faylini import qilish			
Chipta-rubrikator qo'shish			
Savollar sahifasini qo'shish			

Сизнинг танловингиздан кейин (одатда, бу «Бўлимлар рўйхатини қўшиш» ёки «Сўровли саҳифаларни қўшиш») машғулотни таҳрирлаш саҳифаси очилади:



Одатда, машғулотнинг биринчи саҳифасида машғулотнинг мақсади ҳақида умумий жумлалар келтирилади, кейин эса талабага материални ўрганиш учун танлаш имконияти берилади.

Танлов имкониятини берадиган машғулот саҳифаси Бўлимлар рўйхати дейлади. Улар Бўлимлар рўйхатини қўшиш буйруғи бўйича қўйилади.

Бўлимлар рўйхати матнли тугмаларни қўйишга ва тугмани босиш орқали машғулот жойи қаерга ўтказилишини кўрсатишга рухсат берилади.

Кейин матнли материал ва саволлар билан бир нечта саҳифалар қўйилади. Одатда бу саҳифалар материални ўрганишнинг кетма-кет келувчи тармоғини шакллантиради.

Саҳифалар бир-биридан кейин Сўровли саҳифани шу ерга қўшиш буйруғи бўйича қўйилади.

Агар талаба саволга тўғри жавоб берса, у ҳолда у ўқув материалнинг кейинги бўлимини ўрганишга ўтади, акс ҳолда у жорий саҳифада қолади. Саҳифаларни кўриш кетма-кетлигини ўзгартиришингиз мумкин.

Машғулотни яратиш принциплари 6.12.2. Машғулот билан ишлашни ёритиш бўлимида келтирилган.



Машгулот саҳифасида яна бир нечта кўшимча варақалар (вкладка) бор:

- **Олдиндан кўриш** – машгулотни «талаба кўзи билан» кўришга ва унинг навигациясини текшириши керак.
- **Ҳисоботлар** – машгулот натижаларини ва статистикасини саволлар бўйича чиқаради.
- **Эссе баҳолари** – «Эссе» типли саволларни қўлда баҳолаш учун ишлатилади.
- **Энг яхши натижалар** – талабаларнинг энг яхши натижалари рўйхатини чиқаради.

### **6.12.1. Машгулот параметрларини созлаш**

Куйида машгулот параметрлари тавсифлари билан келтирилган:

- **Машгулотни номлаш** – курс саҳифасида тасвирланадиган ном.
- **Вақт бўйича чеклов** – машгулотнинг чекланган давомийлигини аниқлайди. Саволларга жавоблар вақт лимитидан ошгандан кейин ҳисобга олинмайди.
- **Жавоблар ва бўлимларнинг максимал сони** – саволлар саҳифасидаги жавобларнинг максимал сонини аниқлайди. Бу параметр, шунингдек, бўлимлар рўйхатидаги бўлимларнинг максимал сонини ўрнатади.

#### **Баҳоларни кўйиш параметрлари**

- **Тайёрланиш машгулотлари** – тайёрланиш машгулотларининг натижалари баҳолар журналида кўрсатилмайди. Тайёрланиш машгулоти мажбурий машгулот ҳисобланмайди.
- **Ҳар бир саволга баллар** – саволдаги ҳар бир жавобга баҳони кўшиш мумкин эканлигини аниқлайди.
- **Машгулотнинг максимал баҳоси** – параметр машгулотда олинган максимал баҳони аниқлайди.
- **Қайта топширишга рухсат бериш** – талабага машгулотдан бир марта кўп ўтиш имкониятини аниқлайди.

- **Жорий балли кўрсатиш** – бу бўлакни кўшиш орқали талаба ўзининг олган баллари сонини ва олиши керак бўлган баллар сонининг максималини кўриши мумкин.

**назорат**

- **Талабаларга жавобларни тузатишга рухсат бериш** —бу-бўлакни кўшиш орқали талабага ўзининг жавобларини ўзгартириш учун қайтишга рухсат берилади.

- **«Тузатиш» тугмасини кўрсатиш** – бу бўлак саволга нотўғри жавоб бергандан кейин тугмани кўрсатади ва талабага такроран уриниб кўришга рухсат беради.

- **Уринишларнинг максимал сони** – бу параметр машғулотдаги саволлардан ихтиёрий бирига талаба томонидан бўладиган уринишларнинг максимал сонини аниқлайди.

- **Тўғри жавобдан кейинги иш** – одатда, жавобда кўрсатилган саҳифага ўтилади. «Фақат янги саволларни кўрсатиш» бўлаги ҳеч қачон битта саҳифани икки марта кўрсатишга рухсат бермайди (ҳатто талаба шу саҳифадаги саволга тўғри жавоб бермаган ҳолда ҳам). «Нотўғри жавобли саволларни кўрсатиш» бўлаги талабага аввал кўрсатилган, аммо мос саволга нотўғри жавоб берилган саҳифани кўрсатишга рухсат беради.

- **Жимлик қондасига кўра такризни кўрсатиш** – агар Ҳа ўрнатилган бўлса, у ҳолда мос келадиган саволлар учун берилмаган хулосаларда жимлик қондасига кўра «Бу тўғри жавоб» ва «Бу нотўғри жавоб» хулосалари ишлатилади. Агар Йўқ ўрнатилган бўлса, у ҳолда мос келадиган саволлар учун берилмаган хулосаларда жимлик қондасига кўра хулосалар берилмайди. Фойдаланувчи автоматик равишда машғулотнинг кейинги саҳифасига ўтказилади.

- **Саволларнинг минимал сони** – бу параметр одатда, машғулот битта (ёки ундан кўп) бўлимлар рўйхатига эга бўлганда ўрнатилади. Унинг қиймати баҳо-

ларни ҳисоблашда кўриладиган саволлар сонининг қуйи чегарасида аниқланади. Бу талабани машғулотнинг айнан саволларига жавоб беришга мажбурламайди. Агар бу параметр ўрнатилган бўлса, талаба нечта саволга жавоб берган ва нечтасига жавоб бериши кераклиги тасвирланади.

- **Кўрсатиладиган саҳифа (карта)лар сони** – жимлик қондасига кўра – 0, барча саҳифа (карта)лар машғулотда кўрсатилишини билдиради. Бу параметрни нолинчи қийматга ўрнатиш орқали саҳифалар сони кўрсатилади ва бундан кейин машғулот тугайди ва талабага баҳоси кўрсатилади.

### **Машғулотни шакллантириш**

- **Слайд-шоу** – бу бўлак фиксирланган узунлик, баландлик ва слайдлар фонининг ранги билан берилган слайд-шоу каби машғулотни кўрсатишни ўз ичига олади.

- **Чапдан саҳифалар рўйхатини чиқариш** – бу бўлак машғулот саҳифалари рўйхатини чиқаради (Ўтишлар жадвалини).

- **Бажариш индекатори** – агар «Ҳа» бўлса, у ҳолда машғулотларни бажариш индекатори чиқарилади.

- **Машғулот пароль билан ҳимоя қилинган** – агар «Ҳа» бўлса, у ҳолда машғулот ўтиши учун талаба қўйилган паролни киритиши керак.

### **Машғулот ўтиш мумкин бўлган даври**

- **Боғлиқлик** – бу бўлак талабанинг ишидан шу курснинг бошқа машғулотига берилган машғулотни ўтиш боғлиқлигини ўрнатишни таъминлайди. Агар талаб бажарилмаса, у ҳолда талаба шу машғулотга кириш учун рухсат олмайди.

### **Шартлар қуйидагини ўз ичига олади:**

- **Сарф қилинган вақт:** талаба бу вақтни керакли машғулотда амалга ошириши мумкин.

- **Тугатилган:** талаба керакли машғулотни тугатиши керак.

- **Баҳо берилганидан юқори:** талаба керакли машғулотда майдонда кўрсатилганидан юқори баҳони олиши керак.

Бу шартларнинг ихтиёрий комбинацияларини ишлатиш мумкин.

- Сузувчи файллар ёки веб-саҳифа – агар бу параметр берилса, у ҳолда янги машғулотда янги ойнада файл (масалан, mp3, gif, html ёки шунга ўхшаш) ёки веб-саҳифа тасвирланади. Бу файлга ҳавола машғулотнинг ҳар бир саҳифасида бўлади ва уни қайта очишга рухсат беради, агар зарур бўлса. Бу ойна учун қўшимча «Ёпиш» тугмасини тасвирлаш ва ойнанинг баландлиги ва кенглигини бериш мумкин.

- Курс элементига ҳавола – тушувчи меню шу курснинг барча элементларини ўз ичига олади. Агар бўлак танланган бўлса, у ҳолда машғулот охирида талабага танланган элементга ҳавола тасвирланади.

Энг яхши натижаларни тасвирлайдиган сон.

- Бу топшириққа ўрнатишни жимлик қондасига кўра ишлатиш – бу бўлакни сақлашдан олдин ёқинг ва бу топшириқни ўрнатиш шу курснинг кейинги машғулотлари учун дастлабки бўлади.

## 6.12.2. Машғулот билан ишлашни ёритиш

### Машғулот структураси

Машғулот саҳифалар тўпламидан ва агар зарур бўлса бўлимлар рўйхатидан иборат бўлади.

Саҳифа бир қанча ўқув ахборотлари билан тўлдирилган ва одатда, саволлар билан тугайди. Бундай саҳифа Саволли саҳифа деб номланади. Ҳар бир саҳифа, одатда, жавоблар тўпламига эга бўлади. Эссе типигаги саволлар учун жавоблар бўлмайди, балки фақат баллар, хулоса ва саҳифага ўтиш бўлади.

Ҳар бир жавоб жавобни танлашда тасвирланадиган матнли изоҳдан иборат бўлади. Бу матнли изоҳ Тақриз деб аталади.

Шу билан бирга ҳар бир жавоб Ўтиш билан боғланган. Ўтиш нисбий – бу кейинги саҳифа ёки абсолют – машғулот саҳифаларининг ихтиёрий бирини ёки машғулот охирини кўрсатади.

Жимлик қондасига кўра, биринчи жавоб кейинги саҳифага ўтказлади. Бошқа жавоблар жорий саҳифага ўтилади. Яъни агар талаба биринчи жавобни танламаган бўлса, унга шу саҳифа яна қайтадан кўрсатилади.

Кейинги саҳифа мантиқий кетма-кетлик билан узвий ҳолда аниқланади. Бу ўқитувчига машғулоти тасвирлашда саҳифалар тартибидир. Бу тартиб машғулоти охирида саҳифаларни кўчириш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

Эътибор беринг, агар саҳифа ўзгартирилган бўлса, у ҳолда «Кейинги саҳифа»га ўтиш талабага бошқа саҳифани кўрсатади.

Бу вақтда абсолют ҳавола бўйича ўтиш (масалан, саҳифанинг номи) ҳар доим у кўчирилган тақдирда ҳам битта ва шу саҳифани кўрсатади.

Машғулоти навигация тартибига ҳам эга. Бу талабага машғулоти тасвирлаш саҳифасининг тартибидир. У алоҳида жавоблар билан кўрсатилган ўтишлар билан аниқланади ва у мантиқий кетма-кетликдан фарқланиши мумкин. Агар ўтишлар учун уларнинг қиймати жимлик қондасига кўра ўзгармаса, мантиқий кетма-кетлик сақланади. Ўқитувчи навигация тартибини ўзгартириш имкониятига эга.

Саволларга жавобларни талабаларга тасвирлаш одатда аралашган бўлади. Ўқитувчи нуқтаи назаридан биринчи жавоб талабага саволни тасвирлашда ҳисоб бўйича биринчи жавоб ҳисобланади (бундан ташқари, жавобларни ҳар гал кўрсатишдан олдин улар тартибланган бўлади). Мустасно «Мослик» саволлар типини учун жавоблар тўпламини тасвирлайди, бу ерда жавоблар ўқитувчи киритган тартибда кўрсатилади.

Жавоблар сони саҳифадан саҳифага фарқланиши мумкин. Мисол сифатида, баъзи саҳифалар Ҳа/Йўқ типини саволга эга бўлиши мумкин, бу вақтда эса бошқалари битта тўғри жавоб ва 3 нотўғри жавобларга эга бўлади.

Саҳифани жавобларсиз яратиш мумкин. Бунда талабага жавоблар тўплами ўрнига Давом эттириш тугмаси кўрсатилади.

Машғулоти тўғри жавоб учун баҳолашда жорий саҳифага кўра мантиқий кетма-кетлик бўйича қуйида жойлашган саҳифага ўтиш қўлланилади. Нотўғри жавобга ё жорий саҳифага ё жорий саҳифага кўра мантиқий кетма-кетлик бўйича юқорида жойлашган саҳифага ўтиш қўлланилади. Агар ўтишлар ўзгармаган бўлса, у ҳолда тўғри жавоб учун тўпландан биринчи жавоб олинади, қолган жавоблар нотўғри ҳисобланади.

Саволлар биттадан кўп тўғри жавобга эга бўлиши мумкин. Мисол учун, агар жавоблардан иккитаси кейинги саҳифага ўтишга эга бўлса, уларнинг иккаласи ҳам тўғри ҳисобланади (бунда талабалар-

га тўғри жавоблардан ихтиёрий бирини танлашда кейинги саҳифа кўрсатилади, бу иккита жавоб учун тақриз фарқ қилиши мумкин).

Ўқитувчи томонидан машғулоти кўришда тўғри жавобнинг тағига чизиш керак.

**Бўлимлар рўйхати** ўзида машғулотнинг бошқа саҳифаларига ўтиш тугмаларига эга оддий саҳифаларни тасвирлайди. Одатда, машғулот **Мундарижа** асосий роль ўйнайдиган бўлимлар рўйхати билан бошланади.

Бўлимлар рўйхатидаги ҳар бир ҳавола иккита қисмдан иборат: ҳавола тавсифи ва ҳавола бериладиган саҳифа сарлавҳаси.

Бўлимлар рўйхати машғулоти бир нечта тармоқлар (бўлимлар) сонига бўлади. Ҳар бир бўлим саҳифалар тўпламидан иборат бўлиши мумкин (қоидага кўра, битта мавзуга оид). Бўлим одатда Бўлим охири саҳифаси билан тугайди. Бу махсус саҳифа бўлиб, у талабани, одатда, олдинги бўлимлар рўйхатига қайтаради («Бўлим охири» саҳифасидан ўтиш заруриятга кўра саҳифани тахрирлаш билан ўзгартирилиши мумкин).

Машғулотда биттадан кўп бўлимлар рўйхати бўлиши мумкин. Масалан, машғулоти асосий бўлим ичидаги қисмий бўлимларга бўлиниши мумкин.

Бўлимлар рўйхати билан ишлаш **6.12.2.1. Машғулоти бўлимлари бўлимида берилган.**

«Саволлар гуруҳи» саҳифаси: гуруҳ ўзида битта ёки ундан кўп тартибсиз танланадиган саволлар қаторини тасвирлайди. Гуруҳлар «Гуруҳ охири» саҳифаси билан тугаши керак (акс ҳолда улар Машғулоти охири каби кўриб чиқилади). Гуруҳдан саволлар «Гуруҳдан олинган тасодифий кўрилмаган савол» ўтиши билан белгиланган тасодифий кўринишидан танланади. Гуруҳдан ташқарида саволлар гуруҳдан чиқиш учун ўтишга ёки гуруҳдан олинган кўрилмаган саволга ўтишга ёки Машғулотидаги ихтиёрий бошқа саҳифага ўтишга эга бўлиши мумкин. Бу Машғулоти ишлатишда тасодифий элементлар билан сценарий яратишга имкон беради.

Саволлар гуруҳи билан ишлаш **6.12.2.2. Саволлар гуруҳи бўлимида ёритилган.**

**Машғулоти баҳолаш**

Агар «Ҳар бир саволга баллар» параметри ўчирилган бўлса, у ҳолда баҳо – бу тўғри жавоб берилган саволлар / кўрилган саҳифалар сони \* машғулоти баҳоси сонидир.

Агар «Ҳар бир саволга баллар» параметри ёқилган бўлса, у ҳолда баҳо жавобга берилган балл қиймати билан аниқланади. Якуний баҳо – машғулотнинг 100 % умумий баҳосидан барча йиғилган баллар йиғиндисининг фоизидир. Масалан, талаба 10 та саволдан 5 тасига тўғри жавоб берди (ҳар бири 1 балл қийматга эга). Шундай қилиб, у мумкин бўлган 10 баллдан 5 балл йиғди, яъни 50 %. Агар барча топшириқ 5 балл билан баҳоланса, у ҳолда унинг якуний баҳоси 2,5 ни ташкил этади.

Агар «Ҳар бир саволга баллар» параметри ўчирилган, машғулот эса битта ёки ундан кўп бўлимлар рўйхатидан иборат бўлса, у ҳолда «Саволларнинг минимал сони» параметрини ўрнатиш тавсия этилади. Бу параметр саҳифалар сонининг қуйи чегарасини қўяди. Бу параметр бўлмаса талаба машғулотнинг битта бўлимига кириши, барча саволларга тўғри жавоб бериши ва машғулотни максимал баҳо билан тарқ этиши мумкин.

Бўлимлар рўйхати бўлса, талаба битта бўлимга бир неча марта кириши мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, баҳо бир марта жавоб берилган саҳифалар сонидан қўшилади. Шундай қилиб, битта саволлар тўпламига қайта жавоб бериш баҳони оширмайди. (Бундан ташқари, кўрилган саҳифалар сони баҳони ҳисоблашда маҳражда ишлатилганлиги учун бундай жавоб баҳони пасайтиради.).

Агар «Ҳар бир саволга баллар» параметри ёқилган бўлса ҳамда навигация бунга рухсат берса, талаба саволга қайта кириши ва агар уринишлар сони 1 дан кўп бўлса, шу саволга қайта балл тўплаши мумкин. Бунинг олдини олдини олиш учун 1 имкониятни ўрнатинг.

Машғулот давомида унинг ҳар бир саҳифасида талабаларга нечта тўғри жавоб берганлиги, кўрилган саҳифаларнинг умумий сони ва уларнинг жорий баҳоси ҳақида тўлиқ маълумот бериб борилади.

Талабага машғулотни тугатиш имкониятини бериш жуда ҳам муҳим. Бу асосий бўлимлар рўйхатида «Машғулот якуни» ҳавола-сини қўшиш йўли билан бажарилиши мумкин. Бу тасаввурдаги саҳифага ўтишдан машғулот якунланади. Машғулотни тугатишнинг бошқа варианты – машғулотнинг охириги бўлимига (мантиқий тартибга мувофиқ) ўтиш. Машғулот унинг охириги саҳифасига ўтганда тугайди, бу ҳолда Бўлим охири саҳифасини қўшишга ҳожат йўқ.

Машғулот охирига ё машғулот охирига аниқ ўтиш билан (бўлимлар рўйхатидан) ё охириги саҳифадан кейин кейинги саҳифага ўтиш орқали (мантқикий тартибга мувофиқ) етиб борилади. Талаба машғулот охирига етиб боргандан кейин хабар олади ва унга машғулодан олган баҳолари кўрсатилади.

Агар машғулот охирига етиб борилмаган ва талаба уни оддий тарк этган бўлса, у ҳолда машғулотга қайта киришда талабага машғулотни бошидан бошлаш ёки охириги тўғри жавобдан давом эттириш таклиф этилади.

Қайта топширишга рухсат берилган машғулотлар учун ўқитувчи қайта топширишга уринишни баҳолаш йўлини танлаши мумкин, масалан машғулот учун охириги баҳо сифатида барча уринишларнинг ўртача ёки энг яхши баҳосини ишлатиши мумкин.

### 6.12.2.1. Машғулот бўлимлари

Бўлимлар рўйхати – машғулотдаги саҳифанинг ўзига хос типидир.

Баъзи ҳолларда у бўлим саҳифаси каби тилга олинади.

Бўлим – умумий мавзу билан бирлаштирилган саҳифалар қатори.

1. Бўлимлар рўйхати – машғулотдаги бошқа саҳифаларга бир қатор алоқаси бўлган оддий саҳифа. Одатда, машғулот мундарижа ролини ўйнайдиган Бўлимлар рўйхати билан бошланади.

2. Рўйхатдаги ҳар бир алоқа учун иккита таркибий қисм бор: «Тавсиф» ва «Ўтиш». Тавсифни талаба тугма кўринишида кўради.

3. Бўлимлар рўйхати машғулотни бир нечта бўлимларга (тармоқлар ёки секцияларга) эффе́ктив бўлади. Ҳар бир бўлим бир нечта саҳифадан иборат бўлиши мумкин (одатда, битта мавзу билан боғланган). Бўлим охири, одатда, Бўлим охири саҳифаси билан белгиланади. Бу – талабани жимлик қондасига кўра, талабани олдинги Бўлимлар рўйхатига қайтарадиган махсус саҳифадир. Ихтиёрий саҳифада бўлгани каби Бўлим охири саҳифасига «қайтишга» ўтиш саҳифани таҳрирлашда ўзгариши мумкин. Баъзи ҳолларда, Бўлим охири саҳифасига ўтишни ишлатиб, талабани Машғулотнинг биринчи саҳифасига юбориш мумкин.



4. Бўлимлар ичма-ич жойлаштирилган бўлиши мумкин. Масалан, Машгулот қисмий бўлим элементлари асосий бўлимларнинг бўйсинувчи филиаллари каби тартибланади. Мураккаб бўйсинувчи қисмий бўлимларни яратиш бўйича ишлар олдиндан режалаштирилмаган ҳолларда қийин кечиши мумкин.

5. Бўлимлар рўйхати яна Машгулот таркиби кўриниши каби ишлатилиши мумкин. Бўлимлар рўйхати баҳоланмайди.

Ҳар бир Тавсифга Бўлимлар рўйхатида у билан боғланган Ўтиш мос тушади. Тавсиф тугмасини босиб, талаба шу тугма билан боғланган, Ўтишда аниқланган саҳифага йўналтирилади. Ўтиш талабани нисбий ёки абсолют саҳифага юбориши мумкин. Таҳрирлаш режимида ўқитувчи тушувчи менюдаги барча мумкин бўлган ўтишларни кўриши мумкин. Кўп тарқалган нисбий ҳаволалар – «Жорий саҳифа» ва «Кейинги саҳифа». «Жорий саҳифа» талаба шу саҳифани яна кўришини англатади. «Кейинги саҳифа» унинг манتيкий кетма-кетлигида кейинги саҳифани кўрсатади. Саҳифанинг абсолют ҳаволаси саҳифанинг номини танлаш билан аниқланади.

Эътибор беринг, агар саҳифа ўзгарган бўлса, у ҳолда «Кейинги саҳифа» талабага бошқа саҳифани кўрсатади.

Бу вақтда абсолют ҳавола бўйича ўтиш (масалан, саҳифанинг номи), у ўзгарган тақдирда ҳам, ҳар доим шу саҳифани кўрсатади.

#### **Махсус ўтишлар**

- **Бўлимда кўрилмаган савол**

Бу жорий Бўлимлар рўйхати ва Бўлим охирининг охирги саҳифаси ёки Машгулот охири орасидаги талаба томонидан тасодифий танланган кўрилмаган савол (шу уринишда).

- **Бўлимдан танланган тасодифий савол**

Бу жорий Бўлимлар рўйхати ва Бўлим охирининг охирги саҳифаси ёки Машгулот охири орасидан тасодифий танланган савол.

Агар талаба саволга жавоб берган, уриниш эса биттадан кўп бўлса, у ҳолда у шу саволга баллни қайта ишлаш учун кўшимча имкониятга эга бўлади. Агар уринишлар сони 1 га тенг бўлса, у ҳолда савол ташлаб юборилади ва бошқа тасодифий савол кўрсатилади.

### **Тасодифий бўлим**

Бу жорий Бўлимлар рўйхати ва Бўлим охирининг охири саҳифаси ёки Машғулот охири орасидаги ихтиёрий тасодифий бўлимга ўтиш.

**Машғулотда бўлимлар структурасини яратиш**

Ўзингизга тегишли машғулотда мантиқий кетма-кетлик асосида саҳифалар яратгандан кейин, Машғулотда тармоқланган структурани яратиш яхши натижа беради.

Бўлимларни яратиш учун оддий мисол:

Машғулотни таҳрирлаш режимига кириш (тақдим этиш тартиби «Кенгайтирилган»). Машғулотнинг ҳар бир саҳифасининг юқорисида Бўлимлар рўйхатини қўшиш ҳаволасини кўрасиз. Қаерга Бўлимлар рўйхатини қўймоқчи бўлаётганингизни танлаб, мос ҳаволани босинг. Сиз Бўлимлар рўйхати саҳифасининг номини аниқлашингиз керак (масалан, Мундарижа). Кейин курс бўлимларида кўриб чиқиладиган, мавзу ёки мавзуларни таърифлайдиган бир нечта сўзларни ёзинг.

Кейин тавсифда ҳар бир тугманинг ўтишини кўрсатадиган, ҳар бир тугма ёки саҳифаларнинг исмини аниқланг. Бу ўтишлар алоҳида бўлимларнинг боши бўлиши керак. Талаба Машғулотни тугатиши учун бўлимлар рўйхатида Машғулот охири учун тугмасини қўшинг.

Кейин ҳар бир бўлимнинг охирида Бўлим охири саҳифасини қўйинг. Саҳифалардаги Бўлим охири деб номланган барча ўтишлар шу мисолда яратилган Мундарижа саҳифасига ўрнатилган бўлиши керак.

### **6.12.2.2. Саволлар гуруҳи**

«Саволлар гуруҳи» тартибланмаган ҳолда битта ёки ундан кўп саволлар танланадиган саволлар қаторини ифодалайди. Саволлар «гуруҳдан тасодифий равишда кўрилмаган савол» ўтишини белгиллаган ҳолда гуруҳдан тасодифий равишда танланади. Гуруҳдан ташқарида саволлар гуруҳдан чиқиш учун ўтишга ёки гуруҳдан кўрилмаган саволга ўтишга ёки Машғулотдаги ихтиёрий бошқа саҳифага ўтишга эга бўлиши мумкин. Бу Машғулотни ишлатишда тасодифий элементлар билан сценарий яратишга руҳсат беради.

Одатда, саволлар гуруҳи (секция) саволлар саҳифасига эга бўлади ва биз гуруҳнинг айнан шу кўринишини кўриб чиқамиз.

Саволлар саҳифасининг қаторини кўрамиз: **B1, B2, B3, B4, B5, B6, B7, B8**. Улар Машғулотда 8 та саволни ифодалайди.

Машғулотда гуруҳ ҳар бир талабага тасодифий тартибда саволлар қаторини кўрсатиш учун ишлатилади.

Гуруҳ Саволлар гуруҳи саҳифаси билан бошланади.

Гуруҳлар Гуруҳ охири саҳифаси билан тугаши керак (акс ҳолда Машғулот охири Гуруҳ охири каби кўриб чиқилади).

Ўқитувчи саволлардан баъзиларини (B2–B7) гуруҳга жойлаштириши мумкин, қардаки Гр1 – 1 Саволлар гуруҳининг биринчи саҳифаси, КГр1 эса – 1 гуруҳ охири саҳифаси:

**B1, Гр1, B2, B3, B4, B5, B6, B7, КГр1, B8**

Гуруҳ тасодифий равишда бир ёки бир нечта саҳифалар танлаши керак бўлган саҳифалар қаторини ифодалайди. Гуруҳ чегарасида саволлар Саволлар гуруҳи саҳифасида «Гуруҳдан тасодифий равишда кўрилмаган савол» ўтишдан тартибсиз танланади. Гуруҳ чегарасида саволлар гуруҳдан чиқиш ёки Машғулотнинг ихтиёрий бошқа саҳифасига ўтиш учун Гуруҳ охири саҳифасига ўтишга эга бўлиши мумкин.

Улар гуруҳда кўрилмаган саволга ўтишга ҳам эга бўлиши мумкин, аммо бу барча саволларга жавоб берилганда муаммо келтириб чиқариши мумкин, талабага эса Машғулотнинг яна бир уринишида бу гуруҳни қайта кўриб чиқишга рухсат берилади.

Масалан, **B1, B2, Гр1, B3, B4, B5, КГр1, B6, B7, B8** – қачонки талаба Гр1 дан ўтса, ўқитувчи гуруҳдан кўрилмаган саволга ўтиш учун рухсат бериши мумкин. **B3, B4** ва **B5** саҳифалардан ўтиш Гр1 бўлса, у ҳолда талаба ҳар доим гуруҳда «янги» саволни кўриши мумкин. Талаба гуруҳдаги барча саволларга жавоб берса, у КГр1 га ўтади. Талаба КГр1 саҳифасини ҳеч қачон кўрмайди, у фақат унинг ўтишини бошқа манзилга юборади.

Албатта, **B3, B4** ва **B5** дан ўтиш **B6** га ўрнатилиши мумкин – шундай қилиб талаба гуруҳни тарк этади.

Белгиланг: Саволлар гуруҳи ва Гуруҳ охири саҳифалари талабалар томонидан эътиборга олинмайди. Тахрирлаш режимида ўқитувчи учун бу саҳифаларнинг номи ҳам, саҳифа таркиби ҳам (стандарт инструментлар панели билан), ўтиш ҳам бор. Аммо Бўлим охири саҳифаси каби улар талабага кўринмайди.

Гуруҳлар Бўлимлар рўйхати (БР) ва Бўлим охири (БО)ни ишла-тиш орқали қисмий гуруҳларга эга бўлади.

Қисмий гурухни қуришдан олдин, унинг саволлар саҳифасини Бўлимлар рўйхати (БР1) ва Бўлим охири (БО1) билан белгиланг.

**В1, Гр1, В2, В3, БР1, В4, В5, В6, БО1, В7, КТр1, В8**

Бўлимлар рўйхати ва Бўлим охирининг таркиби ва ўтиши талаба ишига ўз таъсирини кўрсатмайди. Бу саҳифалар асосий гуруҳ чегарасида қисм ё гуруҳлар учун оддий маркерлар ҳисобланади. Талаба Машғулотни бажараётганда, қисмий гуруҳдан фақат битта тасодифий саволлар саҳифаси талабага кўрсатилади.

### **6.12.3. Машғулотни яратиш бўйича тавсиялар**

Ишнинг элементлари билан машғулот назарий материал ва бўлимлар орасидаги саволли саҳифалардан иборат бўлимлардан ташкил топади.

#### **Умумий тавсиялар**

**1. Аннотация:** биринчи саҳифа талабага машғулот таркиби ҳақида тасаввур бериши, уни машғулотни ўрганишга сабаб қилиб кўрсатмоғи керак. Бу машғулотнинг умумлаштирилган характеристикаси. Аннотация максимал қисқа бўлиши керак.

**2. Ўлчам:** машғулотнинг энг мақбул ҳажми 3–5 бўлимлар, 7 бўлимдан кўплари унчалик кераги йўқ, 9 дан кўпи эса умуман кераги йўқ.

#### **Машғулот бўлимлари учун тавсиялар**

**1. Лўнда ва кўргазмали:** матнни қисқа бериб, кўргазмали материал билан кўрсатиш керак (расмлар, схемалар, жадваллар, диаграммалар ва шунга ўхшаш).

**2. Ўлчам:** битта бўлимнинг ўлчами икки экранли 1280×1024 ўлчамдан ошмаслиги керак (стандарт суюқ кристалли 17" ёки 19" монитор).

**3. Иш кўринишини алмаштириш:** машғулотнинг ҳар бир бўлимида иш кўринишини алмаштириш шакли бўлиши керак. Энг яхши вариант – ҳар бир бўлимда 1 интерфаол элемент. Бу элемент фақат кўргазмали материал бўлиб қолмай, у ўқувчиларни актив ишлашга йўналтириши керак.

**4. Асосланган:** ҳар бир анимацион ёки интерфаол инструмент асосланган бўлиши керак. «Мультимедиа мультимедиа учун» бўлиши керак эмас.

5. Таъкидлаш: мисоллар ва эслатмалар учун кўшимча расмийлаштириш ўтказиш тавсия этилади. Масалан:

*Эслатма.* Сарғиш кул ранг безакларни контент учун «Эътибор беринг, ...» киритилган сўзлар ишлатилганда қўлланг.

*Мисол.* Безашда яшил рангни суниестемол қилманг. Уни контент учун «масалан...» сўзи киритилганда ишлатинг.

6. Кўшимча материал: бўлим ўлчамини ўрганиш учун зарур бўлмаган материални кўшимча сифатида киритиш билан тартибга солиш мумкин. Бундан эса кўшимча материалнинг яна бир муҳим функцияси келиб чиқади. Индивидуал таълим траекториясини куриш – талаба ўзи мавзусини танлайди. Кўшимча материални талабага қуйидагича бериш мумкин:

○ Эслатма: қисқа матнли ёрдамчи ахборотни яратиш учун ишлатилади. Оптимал ҳажми – 50–100 белгига, энг охирги ҳажми – 300 белги. Эслатма белгилари учун бўш гиперҳаволани яратиш йўли билан амалга оширилади. Масалан, \*\* сўзи. \*\* белгисига курсорни олиб келганда эслатманинг ўзи сузиб чиқади. Ҳавола манзили сифатида <http://> бўш ҳавола берилган.

○ Гиперҳаволалар: машғулотнинг яширин фрагментига калит сўз бўйича ўтишни амалга оширади. Гиперҳавола номга ва аннотацияга эга бўлиши керак. Аннотация ёрдам ойнасида курсорни калит сўзга олиб келганда пайдо бўлади. «Орқага» гиперҳаволаси олдинги маърузадаги бўлимлардан бирига рухсатли киришни беради. «Ичкарига» гиперҳаволаси берилган машғулотнинг материалини тартиблашга рухсат беради. Гиперҳаволалар ичида гиперҳавола яратишга рухсат берилмайди. «Ичкарига» гиперҳаволасининг мумкин бўлган вариантлари:

- Бу қизиқ;
- Биринчи манба;
- Муаммони ўрганиш;

- Тарихга саёҳат;
- Видеоматериаллар.

○ Глоссарий: глоссарийга машгулотни тушуниш учун зарур бўлган терминлар киритилади. Фақат глоссарийни тўлдириш ва эҳтимол, автобогланишни бошқариш бўйича унча катта бўлмаган қўшимча иш зарур. Бутун курсда глоссарийнинг барча концепциялари автоматик равишда боғланади. Глоссарийларнинг мумкин бўлган категориялари:

- Умумий терминлар;
- Аббревиатуралар;
- Махсус терминлар;
- Шахсий маълумотнома.

### Саволли саҳифаларга тавсниялар

1. **Сони:** машгулот биринчи бўлимдан кейин ками билан битта саволдан ва ҳар бир кейинги бўлимдан кейин камига иккита саволдан иборат бўлиши керак, улардан бири жорий бўлим бўйича, қолгани эса ўтган бўлимлар юзасидан бўлади:

2. **Мураккаблиги:** саволлар ўрганилган мавзулар доирасидан чиқмаслиги керак. Агар саволга жавоб бўлимда бўлса, бу энг яхши вариант ҳисобланади.

3. **Дистракторлар:** «Яширин шакл (кўп танловли)» ва «Қисқа жавоб» типли саволлар учун типик хатоларни тасвирлайдиган (жавобларни чалғитадиган) дистракторлар тўплами бўлиши керак.

4. **Изоҳлар:** ҳар бир дистрактор учун талаба ўзининг хатосини англашига ёрдам берадиган изоҳлар берилиши керак.

### 6.13. Мулоқотлар

Бу қўшимча элемент (жимлик қондасига кўра ўрнатилмайди) жуфт фойдаланувчилар орасида алоқанинг оддий усулини таъминлайди. Ўқитувчи талаба билан, талаба ўқитувчи билан ва (рухсат берилган бўлса) талаба бошқа талаба билан мулоқот қилиши мумкин. Ўқитувчи ёки талаба бошқа кўплаб давом этадиган мулоқотларда иштирок этиши мумкин.

Мулоқот, одатда, навбатдаги жавоблар кўринишидаги чегараланмаган ёзувлар сонига эга бўлиши мумкин. Бундай тартиб шарт

эмас ва ихтиёрий томон ихтиёрий вақтда мулоқотга реплика қўшиши мумкин:

Агар сиз бошқа мавзуда гаплашмоқчи бўлсангиз, яхшиси жорий мулоқотни яқунлаб, янги мунозарани бошлашингиз керак.

Мулоқотни ихтиёрий томон ихтиёрий вақтда ёпиши мумкин. Ёпилган мулоқотлар қайта очилмайди. Бироқ, агар ёпилган мулоқот ўчирилмаган бўлса, уни ихтиёрий томон кўриши мумкин.

Ёпилган мулоқотлар ва уларнинг ёзувлари аниқ вақтдан кейин ўчирилади. Бу вақт Мулоқотни яратишда ўрнатилади.

Мулоқотни яратиш учун Курс элементини қўшиш рўйхатидан Мулоқотни танланг.

Мулоқот параметрларининг зарур қийматларини ўрнатиш:

Ёпилган мулоқотларни ... (кун) дан кейин ўчириш: Бу бўлак мулоқотларни ўчириш учун вақт интервалини (кунларда) ўрнатади. Фақат ёпилган мулоқотларга ишлатилади. Агар вақт интервали нолга ўрнатиш бўлса, у ҳолда мулоқот ўчирилмайди.

**Мулоқотни ёпиш**

Сиз ихтиёрий вақтда мулоқотни ёпишингиз мумкин. Мулоқотни ёпиш мулоқотни тўхтатади ва уни мулоқотлар рўйхатидан ўчиради. Шундай қилиб, ёпилган мулоқот саҳифада кўрсатилмайди.

Сиз ёпилган мулоқотни кўришингиз мумкин, аммо уни давом эттира олмайсиз. Ёпилган мулоқот охири ўчирилади ва бундан кейин ҳатто уларни кўриш ҳам мумкин эмас.

Агар сиз мулоқотни ёпсангиз, у ҳолда шу одам билан янги «суҳбат» очишингиз мумкин. У мулоқот қиладиган одамларингиз рўйхатида яна пайдо бўлади.

**Мулоқот тип:** Мулоқотнинг уч типи мавжуд:

1. **Ўқитувчилар ва талабалар орасида.** Бу ўқитувчи ва талабалар орасидаги мулоқот. Мулоқот талабалар томонидан ҳам, ўқитувчилар томонидан ҳам бошланиши мумкин. Фойдаланувчилар рўйхатида ўқитувчи фақат талабаларни, талабалар эса фақат ўқитувчиларни кўради.

2. **Талабалар орасида.** Бу талабалар орасидаги мулоқот. Ўқитувчилар бу типдаги мулоқотга қўшилмайди.

3. **Барча қатнашчилар орасида.** Курсдаги ҳар бир одам курснинг ихтиёрий қатнашчиси билан мулоқот

олиб бориши мумкин. Ўқитувчилар бошқа ўқитувчи ва талабалар билан, талабалар эса бошқа талабалар ва ўқитувчилар билан мулоқот олиб боришлари мумкин.

**Битта одам билан бир нечта мулоқот:** бу бўлак қатнашчига ким биландир биттадан кўп мулоқот олиб боришга рухсат беради. Жимлик қондасига кўра, «Йўк» қиймати – иккита фойдаланувчи орасида битта очик мулоқот бўлишига рухсат беради.

Кўп марталик мулоқотларга рухсат бериш бу воситани кераксиз ишлатишга олиб келади. Баъзи одамлар кўпгина зарур бўлмаган мулоқотларни очиб ташлаб, бошқаларга ҳалақит бериши мумкин.

**Почта орқали хабар қилиш:** бўлак почта орқали хабар юборилганлигини аниқлайди. Агар «Ҳа» параметри танланган бўлса, у ҳолда ҳар бир янги ёзувдан кейин олувчига электрон почта орқали хабар юборилади. Электрон почтадаги хатда ёзув матнга эга эмас, бу фақат янги ёзув қўшилганлиги ҳақида хабар ва мулоқотга гиперҳавола кўринишида бўлади.

Ёдда тутинг, бу бўлак барча актив элементлар учун қўлланилади. Бўлак ихтиёрий вақтда ўзгариши мумкин.

**Гуруҳли режим:** янги мулоқотни очиб, ўқитувчи мулоқотнинг гуруҳли режимини ва гуруҳни кўрсатади.

Агар курс гуруҳларга эга бўлса, қуйидаги қоидалар қўлланилади:

■ ўқитувчи тушувчи рўйхатдан гуруҳнинг номини танлаб, гуруҳнинг барча талабалари билан мулоқотни бошлаши мумкин. Бундан кейин мулоқот оддий ҳолдаги каби ишлайди, яъни ўқитувчи ва аниқ талабалар орасидаги бевосита мулоқот ҳисобланди.

■ Агар мулоқот «Алоҳида гуруҳлар» режимида бўлса, у ҳолда талабалар ўзларининг гуруҳидаги бошқа талабаларни кўрадилар (талабалар орасида мулоқот бўлишига рухсат берилган, деб фараз қилинади). Бундан эса, биронта гуруҳга кирмайдиган талабалар бошқа талабаларни кўришмайди.

Мулоқот хабари фақат унинг қатнашчиларига кўринади.



## 6.14. Китоб

Китоб – бу кўп саҳифали ўқув материали. Курснинг бундай элементи бир нечта ҳужжатларни бирлаштиришда фойдали бўлиши мумкин, масалан, битта мавзу бўйича мақолалар.

Ташқи кўриниши бирмунча ўзгача: чапда – китоб бўлимлари кўринишидаги мундарижа кўрсатилади. Ўнгда – асосий майдонда – ҳужжатларнинг ўзи кўрсатилади.

Китоб бўйича навигация: мундарижадаги боблар китобнинг алоҳида ҳужжатлари учун ҳавола ҳисобланади.

Китобни курсга қўшиш учун Курс элементини қўшиш рўйхатида Китобни танланг.

Бу элементни сошлаш параметрлари (улар унча кўп эмас):

Қисқача ёритиш: берилган китобни қисқача ёритиш. У берилган курснинг барча китобларида кўрсатилади.

**Бобларни номерлаш:** номерлашнинг бир нечта усуллари бор:

- **Мавжуд эмас** – боблар ва кичик бобларга номерлаш ва форматлаш ишлатилмайди. Агар бобларнинг номида номерлаш бўлса, бу усулни қўлланг. Масалан: «1. Биринчи боб», «1.а. Биринчи мавзу»,...

- **Номерлар** – боблар ва кичик боблар сонлар билан номерланади (1, 1.1, 1.2,2).

- **Маркерлар** – кичик боблар четланиш билан кўрсатилади ва маркерлар билан белгиланади.

- **Четланиш** – кичик боблар четланиш билан кўрсатилади.

«Босма учун» кўринишни ман этиш: бутун китобни ёки мос ҳолда очилган бобни босмадан чиқаришга рухсат беради.

Сарлавҳаси йўқ: саҳифа матнида сарлавҳа кўрсатилмайди. Сарлавҳа фақат мундарижада кўрсатилади.

Китобни яратиб бўлгандан кейин сиз уни материаллар билан тўлдиришингиз мумкин.

**Бобларни таҳрирлаш**

Боблар номини қисқача қилишга ҳаракат қилинг!

Сизга фақат сарлавҳанинг иккита даражаси очик, агар бу иккинчи даража бўлса – «кичик боб» галочкасини қўйинг.

Агар html-муҳаррирни ишлатишда муаммоларга дуч келсангиз, у ҳолда бошқа браузердан (масалан, Firefox) фойдаланиб кўринг ёки ўрнатилган муҳаррирни ўчириб ташланг.

Кўриладиган боб Html-файлдан импорт қилинган бўлиши мумкин (кейингиларга қаранг).

### **Китобни таҳрирлаш**

Таҳрирлаш режимида сиз китоб мундарижасини ва унинг бобларини ўзгартиришингиз мумкин.

Бу режимда иконкалар қуйидагиларни бажаришга рухсат беради:

- Бобни мундарижгага жойлаштириш
- Бобни таҳрирлаш (ном, даража ва матн)
- Бобни ўчириш
- Бобни талабалардан яшириш
- Кейинги бобни кўшиш

### **Импорт қилиш**

«Импорт қилиш» ҳаволаси ёрдамида битта Html-файлни (алоҳида файл бўлади) ёки Html-файлли бутун папкани (бир нечта боблар қўшилади) импорт қилишингиз мумкин. –

Файллар орасидаги мос келувчи алоқалар боблар орасидаги абсолют алоқаларга ўзгартирилиши мумкин. Тасвирларга, Flash, Javaга нисбатан ҳавола ҳам янгиланиши мумкин.

Боблар файл исмлари билан мос ҳолда сараланиши мумкин. Боб номи TITLE тегларидан олинади.

### **Китоб модули бўйича кўпинча бериладиган саволлар**

- Нима учун мундарижада бобларнинг икки даражаси бор?

Икки даража одатда барча китоблар учун етарли. Уч даража ҳужжат структурасини бузади. Китоб модули катта бўлмаган кўп саҳифали ўқув материалларини яратиш учун ишлаб чиқилган.

Катта ҳажмли ҳужжатлар учун PDF форматини ишлатиш қулай. Бу ҳақда тўлиқ 5.6.1. бўлим **Ҳужжатни PDF форматда сақлаш** бўлимига қаранг.

- Талаба китобни таҳрирлаши мумкинми?

Фақат ўқитувчилар китобни яратиши ва таҳрирлаши мумкин. Ҳозирча талабаларга бундай имконият берилмаган. Асосий сабаб – Китоб модулини оддий кўринишда сақлаш.

- Мен китоб ичида излашни амалга оширишим мумкинми?

Ҳозирги вақтда фақат битта усул бор – «босма учун» саҳифасини қўллаб, браузер воситалари билан излаш. Глобал излаш фақат тизим форумларида ишлатилади.

- Боб номлари мундарижанинг битга сатрида жойлашмайди.

Боб номини қисқа қилинг ёки Moodle администраторидан Мундарижа эини катталаштиришни сўранг. У сайтдаги барча китоблар учун глобал аниқланади.

### 6.15. Анкеталар

Moodle ўз ичига курс бўйича ахборотларни йиғиш учун олдиндан ишлаб чиқилган анкеталарни олади.

Анкеталарнинг уч типи мавжуд:

- COLLES – Constructivist Online Learning Environment Survey («конструктивизм элементлари билан ўқитиш соҳаси» анкетаси).

Бу анкета курс ҳақида 24 саволдан иборат, хусусан талабалар ўқитишнинг масофавий усулида курс ҳақида ўзининг тасвурини ва ҳаққоний ҳолатини билдириши мумкин.

- ATTLS – Attitudes to Thinking and Learning Survey («ўйлаш ва ўқитиш стилига муносабат» анкетаси).

Бу анкета курсни ўқитишда талабаларга муносабат даражасини аниқлаш учун мўлжалланган. У 20 типли саволларни ўз ичига олади.

- Critical Incidents («Критик инцидентлар» анкетаси).

Бу анкетада талабаларга шу ҳодисаларга баъзи ҳодисалар ва муносабатларни баҳолаш таклиф этилади.

Анкетани қўшиш учун Курс элементини қўшиш рўйхатида Анкета пунктини танланг.

Курс элементларининг бу типининг асосий камчилиги унинг абсолют турғунлиги ҳисобланади.

Анкетани таҳрирлаш мумкин эмас. Бошқа саволларни киритиш ёки мавжудларини ўзгартириш мумкин эмас. Уларни дастурчи қандай яратган бўлса, шу ҳолда ўзгаришсиз қолдириш керак.

Муаллифдан – улар социология ёки жамоанинг психологик хусусиятини ўрганиш учун фойдали бўлиши мумкиндир, аммо кўпгина ўқув курсларида уларни ишлатиш самарали ҳисобланмайди.

## 6.16. Анкетали сўров

Қўшимча Анкетали сўров модули фойдаланувчидан маълумотларни йиғиш ва анализ қилиш учун саволлар тўпламини ишлатишда анкета (сўров) ларни яратишга рухсат беради.

Статик ҳисобланувчи анкета стандарт элементидан фарқли равишда (таҳрирланмайдиган ва берилган олдиндан аниқланган саволлардан -иборат).–Анкетали сўров элементи ўқитувчига анкетага турли типли саволларга рухсат беради:

- Ҳа/Йўқ
- Матнли майдон
- Эссе майдони
- Переключатель (Radio Buttons)
- Байроқчалар (Check Boxes)
- Тушувчи рўйхат (Dropdown Box)
- Баҳо (Шкала)..
- Сана
- Рақамли

Саволлар типининг бир қисми ўқитувчи томонидан берилган респондент кераклисини танлаши мумкин бўлган, жавоблардан иборат бўлади. Саволларнинг бошқа типлари респондент томонидан қўлда киргизилади.

Курс мавзусига Анкетали сўровни киритиш учун таҳрирлаш режимида Курс элементини қўшиш рўйхатидан Анкетали сўров пунктини танланг.

Очилган ойнага Анкетали сўров параметрларини киритинг:

- Номи
- Қисқача тавсиф
- Бошланиш ва тугаш санаси: анкетали сўровнинг бошланиш ва тугаш охирининг санаси ва вақтини аниқлайди. Бу диапазон бўлмаса, сўров талаба учун тушунарсиз бўлади.

• Тип: фойдаланувчилар неча марта анкетали сўровга жавоб беришини аниқлайди. Мумкин бўлган вариантлар:

- Бир марта жавоб бериш
- Кўп марта жавоб бериш
- Ҳар кун жавоб бериш
- Ҳар ҳафта жавоб бериш
- Ҳар ой жавоб бериш

- **Респондент кўриниши:**
  - Тўлиқ исм – жавобларда респондент исmlарини кўрсатиш
  - Аноним – респондент исmlарини кўрсатмаслик. Бу ҳолда, курсга меҳмоннинг киришига рухсат бўлса, у ҳолда меҳмонларга анкетали сўровга жавоб беришга рухсат берилади.
- **Маъқул респондентлар:**
  - Ҳамма
  - Фақат талабалар
  - Фақат ўқитувчилар
- **Талабалар барча жавобларни кўриши мумкин:**
  1. Ҳеч қачон – жимлик қондасига кўра фақат курс ўқитувчилари анкетали сўровга берилган барча жавобларни кўриши мумкин.
  2. Анкетали сўровга берилган жавобдан кейин. Бу талабаларга анкетали сўровда бир марта жавоб бериш параметри берилган бўлса, унга берилган жавобдан кейин барча жавобларни кўриш имконияти берилади. Агар анкетали сўровга бир марта бўлмаган жавоб беришга рухсат берилган бўлса, у ҳолда талабалар қуйидаги иккита вариантлардан бирини ишлатмаса, барча жавобларни кўриши мумкин эмас.
  3. Анкетали сўров ёпилгандан кейин
  4. Ҳар доим
- **Анкетали сўров типн:**
  1. **Шахсий** – фақат ўзи яратган курсга тегишли. Бу – модулни стандарт ишлатиш ҳисобланди. Ўзингизнинг курсингиз учун анкетали сўров ва унинг таркибини яратасиз. Бу курсни таҳрирлайдиган ўқитувчилар анкетали сўровни ўзгартириши ва барча ўқитувчилар натижаларни кўриши мумкин.
  2. **Умумий** – бошқа курсларда ишлатилиш мумкин. Бу – модулни кўшимча ишлатиш ҳисобланади. Сўровнинг умумий типн олдиндан яратилган анкетали сўров билан белгиланиши мумкин. Агар бошқа курснинг умумий анкетали сўрови ишлатилаётган бўлса, у ҳолда анкетали сўров ишлатилаётган курс ўқитувчилари унинг таркибни таҳрирламайдилар ҳам, натижаларни кўрмайдилар ҳам. Фақат курснинг ўқитувчилари буни амалга ошириши мумкин.

### **3. Шаблон – нусха олинити ва тахрирланиши мумкин.**

Анкетали сўровнинг бу типи бевосита ишлатилиш мумкин эмас, аммо унинг таркиби янги анкетали сўровга кўчирилиши ва тахрирланиши мумкин.

• Жавобларни сақлаш/давом эттириш: фойдаланувчиларга уларнинг жавобларининг бир қисмини уни кўрсатишдан олдин сақлашга рухсат беришингиз мумкин. Фойдаланувчилар анкетали сўровни тугатмасдан қолдириши ва унга кейин сақланган жавоблар билан қайтиши мумкин.

• Таркибни аниқлаш: қуйидаги учта турли вариантларни ишлатиб, анкетали сўровни яратишингиз мумкин:

#### **1. Янги яратиш**

Бу вариант анкетали сўров таркибини тоза варақдан кириштишга рухсат беради.

#### **2. Мавжуддан нусха олиш**

Бу вариант мавжуд анкетали сўров таркибидан янги анкетали сўровга нусха олади. Сиз курсга тегишли ёки махсус «шаблон» каби белгиланган анкетали сўровлардан нусха олишингиз мумкин. Сўровлар уларнинг номини босишдан олдиндан кўрилиши мумкин.

#### **3. Умумийни ишлатиш**

Бу вариант шу элементга мавжуд бўлган «умумий» анкетали сўровни белгилайди. Кейинчалик шу анкетали сўровнинг таркибини тахрирлаш мумкин эмас.

**Давом эттириш** тугмасини босгандан кейин сўровда бутун сўровга тегишли ахборотларни киритувчи **Тахрирлашнинг умумий саҳифасига** ўтасиз:

**Сарлавҳа.** Сарлавҳа ҳар бир сўров саҳифасининг юқори қисмида жойлашган бўлади. Янги анкетали сўров яратилгандан кейин Сарлавҳа автоматик равишда унинг Номидан кўчирилади, аммо хоҳишга кўра уни қайта тахрирлаш мумкин.

**Иккинчи сарлавҳа.** Фақат биринчи саҳифада сарлавҳа пастида кўрсатилади.

**Кўшимча ахборот.** Шу анкетали сўровнинг биринчи саҳифасининг юқори қисмида кўрсатиладиган матн (яъни кўрсатмалар, кўшимча ахборот ва шунга ўхшаш).

**Тасдиқ саҳифаси.** Анкетали сўров тугагандан кейин фойдаланувчига тасдиқ Веб-саҳифанинг URL-манзили ёки саҳифа учун

матнли хабар шаклида берилади. Одатда, анкетали сўровни тўлдирганлиги учун ташаккурномадан иборат бўлади (мавжуд URL-манзил матнли тасдиққа ўзининг маъносини беради).

Электрон почта манзили, тўлдирилган анкетали сўров юбориладиган почта манзили.

Ишлатиладиган Мавзу анкетали сўровда ишлатиладиган мавзу (кўриниши).

### **6.16.1. Анкетали сўровни таҳрирлаш**

Умумий саҳифада янги анкетали сўровни яратишда сизга ягона Саволларни таҳрирлаш тутмаси тегишли бўлади, қаердаки уни босиш орқали турли типдаги анкета саволларини яратишга рухсат берилади.

Саволларни таҳрирлаш – бу саҳифада мавжуд саволларни таҳрирлашингиз ёки янги саволлар яратишингиз мумкин.

Ўзингизга керакли параметрларни тўлдирилинг:

- **Ихтиёрий Саволлар** номини киритинг. (Саволлар номи фақат CSV/Excel форматидаги жавобларни экспорт қилишда ишлатилади. Агар майдон бўш қолдирилса, у ҳолда саволлар номи Q01, Q02 ва шунга ўхшаш кўринишга эга бўлади).

- Шу савол учун савол типини аниқланг.

- Саволга жавоб бериш мажбурийми шуни танланг. (Агар «Ҳа»ни танласангиз, у ҳолда шу саволга жавоб бериш керак, яъни респондент шу саволга жавоб берилмагунча анкетали сўров натижаларини беролмайди. Агар талаба натижаларни бермоқчи бўлса (ёки биттадан ортиқ анкетали сўров бўлганда кейинги саҳифага ўтмоқчи бўлса), у ҳолда анкетали сўровда (ёки аниқ саҳифада) қолдириб кетилган жавоб берилиши керак бўлган саволлар сонининг рўйхатини берадиган огоҳлантириш хабари чиқарилади.

- Савол матнини киритинг.

- Агар жавоб вариантлари бўлган савол типини танласангиз, уларни **Кутилаётган жавоблар** майдонига тўлдирилинг. Жавобнинг ҳар бир варианты янги сатрдан киритилади!

■ Янги саволни яратиб бўлгандан кейин Янги саволни сақлаш тугмасини босинг.

■ (Мавжуд саволларни таҳрирлашни тугатганингиздан кейин, қилинган ўзгаришларни сақлаш учун №п саволни сақлаш тугмасини босишингиз мумкин. Агар мавжуд савол нухасини яратмоқчи бўлсангиз (бир нечта ўзгаришлар билан), у ҳолда Янги саволни қандай сақлаш керак тугмасини босинг).

### **Саволларни қайтадан саралаш**

Саволларни қайтадан саралаш саҳифасида саволларни тартибини ўзгартиришингиз, саволларни ўчиришингиз ва секция-ажратувчиларни қўйишингиз мумкин. Секция-ажратувчилар анкетали сўровни бир неча саҳифаларга бўлади (узун анкетали сўровларга қулай бўлиши учун).

Ҳар қатор савол ҳақидаги ахборотга эга бўлади ва қуйидаги ишларга рухсат беради:

1. Анкетали сўровда савол тартибини ўзгартиришингиз мумкин бўлган тушувчи рўйхат.

2. Саволларни таҳрирлаш саҳифасида шу саволни таҳрирлаш учун Таҳрирлаш тугмаси.

3. Ўчириш тугмаси бор бўлган саволни ўчиради. (Дикқат: огоҳлантириш чиқарилмайди!).

4. Савол типни.

5. Савол матни (120 белги билан чегараланган).

Саволларни қайтадан саралаш саҳифасида сиз яна бутун анкетали сўровни олдиндан кўришни чақиришингиз мумкин.

### **Олдиндан кўриш**

Олдиндан кўриш... тугмаси анкетали сўровни олдиндан кўришни тасвирлайдиган сузувчи ойнани очади. Анкетали сўров шу вақтдаги танланган анкетали сўров Мавзуси билан кўрсатилади.

Агар анкетали сўров бир ва ундан кўп секция-ажратувчилардан иборат бўлса, у ҳолда Олдиндан кўриш тугмаси битта ойнада барча секцияларни (саҳифаларни) кўрсатади: алоҳида секциялар юқорида ва пастда белгиланади, масалан, 1 дан 3 Саҳифа, 2 дан 3 Саҳифа ва шунга ўхшаш.

### **Охирги тугмаси**

Агар сиз меъёр бўйича битта савол яратган (сақлаган) бўлсангиз (ёки мавжуд саволни ўзгартирган бўлсангиз), саҳифанинг қуйи ёки юқори қисмидаги Охирги тугмасини босишингиз мумкин.



Бу сизни барча ўзгаришларни сақлаш учун Сақлаш тугмаси босиладиган Анкетали сўровни янгилаш саҳифасига олиб келади.

Белгилаб қўйинг, агар сиз савол яратмаган бўлсангиз, Охирги тугмаси ишламайди. Бунга сабаб, янги Анкетали сўровни саволларсиз сақлаш мумкин эмас.

Сўров яратилган ва янгилангандан кейин хоҳлаган вақтда Охирги тугмасини босиш ва Анкетали сўровни янгилаш саҳифасига ўтгандан кейин Сақлаш тугмасини босиш керак!

### **6.16.2. Анкетали сўров натижалари**

Курс ўқитувчилари (агар рухсат берилган бўлса талабалар ҳам) анкетали сўров натижаларини кўришлари мумкин. Бунинг учун **Барча жавоблар** тугмасини босиш керак.

Очилган ойнада анкетали сўровнинг барча саволлари ва унга мос жавоблар берилади.

Савол типига боғлиқ ҳолда натижалар матн, сана, сон (бу ҳолда йиғиндили ва ўртача қиймат келтирилади) ёки жавобларнинг турли вариантларига мос фоизлар кўринишида бўлади.

Сиз натижаларни матнли форматда сақлашингиз ва кейинчалик уларни статистик материалларни қайта ишлаш учун Excel ёки бошқа дастурларга ўтказишингиз мумкин.

Бунинг учун **Матнли форматда сақлаш** тугмасини босинг.

Мухим: файл Utf-8 кодировкасида сақланган бўлиши керак!

Excel га ўтказиш учун файл кенгайтмаси \*.txt ёки \*.csv бўлиши, OpenOffice Calc га ўтказиш учун файл кенгайтмаси \*.csv бўлиши керак.

Excel-2007 га маълумотларни ўтказиш учун:

Excel дастурини очинг, **Маълумотлар > ташқи маълумотларни олиш > Матндан** ни босинг.

Excel-2003 ва ундан олдинги версияларга маълумотларни ўтказиш учун учун:

Excel дастурини очинг, **Маълумотлар > Ташқи маълумотларни импорт қилиш > Маълумотларни импорт қилиш...** ни босинг.

Кейин керакли файлни танланг ва экспорт параметрларини кўрсатинг: **Маълумотлар формати – ажратувчилар билан; Файл формати – Юникод(Utf-8).**

Кейингини босинг.

Белги-ажратувчини танланг: табуляция белгиси.

**Кейингини босинг.**

Берилган устун форматини танланг: **умумий.**

**Тайёрни босинг.**


Маълумотлар жойлашган варақни белгиланг ва **ОК** тугмасини босинг.

Натижада анкетангизда Excel жадвали тузилади. Анкета ўқатишнинг статистик таҳлилини Excel воситалари ёрдамида бажариш мумкин.

## 6.17. Тестлар

Moodle МТВ да тестлар талабалар билимини баҳолашнинг асосий воситаси ҳисобланади, улар ўқитувчига қисқа вақт давомида қўлгина талабаларни баҳолашга рухсат беради.

Курс бўлимида тест яратиш учун **Курс элементини қўшиш..** рўйхат-менюдан Тестни танлаш керак.

Натижада тўлдирилиши керак бўлган, тест параметрларини ёритиш шакли очилади. Яратилган тестларда бу саҳифани тест исми ёнида  иконкасини ёки Тестни янгилаш тугмасини (агар тестга унинг номини босиб кирган бўлсангиз) босиб, таҳрирлаш учун очиш мумкин.

Тестнинг барча параметрларининг тўлиқ рўйхати ва кўрсатмаларини **7.2. Тестни яратиш бўлимида** кўриш мумкин.

Тест яратиб бўлгандан кейин унга саволлар қўшишингиз керак. Бу ҳақда **7.4. Тестни таҳрирлаш бўлимида** берилган.

Тест билан ишлаш учун алоҳида боб келтирилган (**7 Moodle да тестлаш**).

## 6.18. SCORM / AICC пакетлари

Moodle МТВ да ташқи тизимларда яратилган, SCORM ёки AICC пакетлари импорт қилинади.

SCORM модули ихтиёрий SCORM ёки AICC стандарт пакетларини юклашга ва уларни ўқув курсининг бир қисми сифатида кўришга рухсат беради.

**Sharable Content Object Reference Model (SCORM)** – умумий таркибли объектларни юбориш модели – масофавий таълим тизимлари учун ишлаб чиқилган стандарт. Стандарт ўқув материални ва бутун масофавий таълим тизимини ташкиллаштиришга қаратилган талабларни ўз ичига олади. SCORM компоненталарнинг бир-бирига тўғри келишини ва уларнинг қўп марталаб ишлатилиши таъмин-

лайди. Ўқув материали турли хил ўқув курсларига қўшилиши ва ким, қаерда ва қандай воситалар ёрдамида яратилганидан қатъий назар масофавий таълим тизимида ишлатилиши мумкин бўлган алоҳида кичик блоklar сифатида тасвирланган. SCORM XML стандартига асосланади.

AICC – ўқув материаллари билан алмашинадиган халқаро стандартлардан бири. Aviation Industry CBT (Computer-Based Training) Committee – авиация саноати (компьютер таълими) комитети томонидан ишлаб чиқилган.

Пакет – бу AICC ёки SCORM ни қўллайдиган курс файлларидан иборат **zip** (ёки **zip**) кенгайтмали алоҳида файл.

SCORM пакети курс, машғулот, модуль ва шунга ўхшашлардан иборат бўлиши мумкин.

SCORM пакети zip-архивда SCORM пакети структураси, ресурсларга ҳаволалар ва ўқув блокидан иборат файлларни аниқлайдиган **imsmanifest.xml** файлига эга бўлиши керак.

AICC пакети аниқ кенгайтмали (4 дан 7 гача) бир нечта файлларни ўз ичига олади. Қуйида кенгайтма қийматлари ёритилган:

- **CRS – Course Description file.** Курсни ёритиш файли (керак).

- **AU – Assignable Unit file.** Ўзлаштириш файли (керак).

- **DES – Descriptor file.** Файл-дескриптор (керак).

- **CST – Course Structure file.** Курс структурасининг файли (керак).

- **ORE – Objective Relationship file.** Объектларни ўзаро боғлаш файли (унчалик шарт эмас).

- **PRE – Prerequisites file.** Юборшдан олдинги файл (унчалик шарт эмас).

- **CMR – Completion Requirements file.** Талаблар файли (унчалик шарт эмас).

Бу пакетлар веб-саҳифалар, графика, JavaScript тилидаги дастурлар, Флеш ва веб-браузерларда қайта ишланадиган бошқа ресурсларни ўз ичига олиши мумкин.

Курсга SCORM пакетини қўшиш учун Курс элементини қўшиш рўйхатидан SCORM ни танланг.

Бу элемент параметрларини созланг:

Қисқача тавсиф: майдонда пакетнинг жуда қисқа тавсифи жойлашади.

Тавсиф курс ва кўрсатилаётган саҳифалар структурасининг юқори қисмида жойлашади.

Бу ерда кўп ёзманг!

**Пакет файли:** курсга юламоқчи бўлган SCORM пакети файлини танланг.

**Баҳолаш усуллари:**

Баҳолар саҳифасида кўрсатиладиган SCORM/AICC пакети учун ўқитиш натижалари бир неча усуллар ёрдамида баҳоланиши мумкин:

■ **Ўқитиш объектлари:** бу усул тугатишган (берилган) ўқитиш объектларининг сонини кўрсатади. Максимал қиймати – пакетни ўқитиш объектларининг сони.

■ **Юқори баҳо:** баҳолар саҳифасида барча берилган ўқитиш объектларидан талаба олган энг юқори натижа кўрсатилади.

■ **Ўртача баҳо:** агар бу усулни танласангиз, Moodle барча натижаларнинг ўрта қийматини ҳисоблайди.

■ **Умумий баҳо:** бу усулда барча натижалар умумийлаштирилади.

**Максимал баҳо:** агар сиз учта баҳолаш усулларидан бирини (юқори баҳо, ўртача баҳо ёки умумий баҳо) танлаган бўлсангиз, у ҳолда кўрсатма баҳолар саҳифасида кўрсатиладиган максимал баҳони аниқлайди. Сиз 1 дан 100 гача қийматни танлашингиз мумкин.

**Уринишлар сони:** уринишларнинг чекланмаган сонини танлаш ёки уларнинг сонини 1 дан 6 уринишгача бериш керак.

**Уринишларни баҳолаш:** агар уринишлар сони 1 га тенг бўлмаса, баҳолаш усулини танланг. Вариантлар – яхши уриниш, биринчи уриниш, охирги уриниш ёки уларнинг ўрта қиймати.

**Ойна ўлчами:** ўқитиш объектини созлашнинг иккита параметри фрейм ёки ойнанинг баландлиги ва энини аниқлайди.

Созлашнинг қўшимча параметрлари "Кенгайтирилган созлашларни яшириш"/"Кенгайтирилган созлашларни кўрсатиш" тугмасини босиш билан яширилган/кўрсатилган бўлиши мумкин. Уларга қуйидагилар тегишли бўлади:

**Ойна параметрлари:**

Одатда пакетлар худди шу ойнада Moodle навигацияси воситалари билан юқорида ва ТОС пакети билан чап томонда кўрса-

тилади. Сиз пакет таркибининг кўринишини янги ойнада танлашингиз мумкин.

Агар пакет янги ойнада кўринишини хоҳласангиз, қуйидаги ишларни бажаринг:

1. **Пакетни кўрсатиш** параметрида «Янги ойна»ни танланг.

2. Очиладиган ойна ўлчамини аниқланг.

Кўп фойдаланувчилар ҳали ҳам 800×600 экранни ишлатадилар. Кўп ҳолларда, биринчи маратоба ишлатилганда 600-энлик ва 480-баландликка кўра кичик ўлчамли янги ойнани бериш яхши натижа беради.

Агар иккала майдон учун ҳам 100 %ни ўрнатсангиз, у ҳолда сузувчи экран бутун экранни тўлдиради. Ойна ўлчамининг фоизлардаги бошқа қиймати пропорционал равишда экранни тўдиради.

Агар майдонлар бўш қолдирилса, у ҳолда янги сузувчи ойна браузер учун жимлик қондасига кўра ўлчамга эга.

**Талаба томонидан структура таркибидаги саҳифага ўтказиш**

Агар пакетни битта ўқитиш объекти билан тўлдирсангиз, у ҳолда фойдаланувчилар курс саҳифасидаги SCORM ни танлашганда, структура саҳифасига автоматик ўтказишга ружсатни танлашингиз мумкин.

Сиз қуйидагиларни танлашингиз мумкин:


**Ҳеч қачон** – таркиб структурасининг саҳифасини ўтказиб юбормаслик.

**Биринчи марта** – структура саҳифасини фақат бир марта ўтказиб юбориш.

**Ҳар доим** структура саҳифасини ўтказиб юбориш.

Олдиндан кўриб чиқиш режимини ўчириш: агар бу бўлак «Ҳа» ни ўрнатса, у ҳолда SCORM/AICC пакети саҳифасидаги «Олдиндан кўриш» тугмаси яширилади.

Жимлик қондасига кўра, талаба натижани олдиндан кўриш усулини танлаши мумкин. Агар тугма яширилган бўлса, у ҳолда талаба уринишни оддий усул билан бажаради.

Ўқитиш объекти олдиндан кўришни ишлатиш билан якунланган бўлса, у  иконкаси билан берилади.

**Авто давом эттириш:** агар «Ҳа» ўрнатилган бўлса, у ҳолда Ўқитиш объекти «яқиндан ўзаро ишлаш» усулини чақиради ва кейинги унга тегишли Ўқитиш объекти автоматик равишда бошланади.

Агар «Йўқ» танланса, у ҳолда кейинги Объектга ўтиш учун фойдаланувчилар «Давом эттириш» тугмасини босиши керак.

### 6.19. Hot Potatoes тестлари

«HotPot» модули ўқитувчиларга Moodle орқали Hot Potatoes тестларини бошқаришга рухсат беради.

Тестлар ўқитувчи компьютерида Hot Potatoes дастурида яратилади ва кейин Moodle курсига ўрнатилади.

Талабалар тестдан ўтгандан кейин ўқитувчиларга талабалар ҳар бир саволга қандай жавоб берганлиги ҳақидаги статистик маълумотлар ва хулосаларга эга бўлишади.

HotPot тестини яратиш учун Курс элементини қўшиш... рўйхат-менюдан **Hot Potatoes тест** ни танланг.

Натижада тўлдирилиши керак бўлган тест параметрларидан иборат форма очилади.

Уларнинг бир қисми курснинг барча элементлари учун стандарт ҳисобланади ва бу ерда кўриб чиқилмайди.

**Hot Potatoes тестининг специфик параметрларини соzлаш  
Номи ва қисқача тавсифи:**

Сиз бу қийматларни тестдан ишлатишингиз мумкин, файл исми/файлга йўлни ишлатишингиз ёки «айнан матн» майдонига киритишингиз мумкин.

**Файлнинг жойлашуви:**

Олдиндан юкланган файл исмини танланг.

**Тестлар занжирини қўшиш:**

«Йўқ» – фақат битта тест курсга қўшилиши мумкин.

«Ҳа» – агар «Файл исми» файл бўлса, у ҳолда у Hot Potatoes тестининг бошланғич занжири каби кўриб чиқилади ва занжирдаги барча тестлар соzлашнинг идентифик параметрлари билан курсга қўшилади.

Агар «Файл исми» папка бўлса, у ҳолда папкадаги барча Hot Potatoes тестлари курсга соzлашнинг идентифик параметрлари билан тестлар занжири каби қўшилади.

**Хулоса формати:**

Сиз тестни тасвирлаш учун форматни аниқлашингиз мумкин (ўрнатилган браузерларга боғлиқ ҳолда фақат мумкин бўлган вариантлар кўрсатилиши мумкин).

**Яхши** – тест браузер учун мос форматда тасвирланади.

**v6** – тест v6 браузерларда форматда тасвирланади.

v5 – тест v5 браузерларда форматда тасвирланади.

v4 – тест v4 браузерларда форматда тасвирланади.

v3 – тест v3 браузерларда форматда тасвирланади.

Flash – тест Flash ни кўллаш билан тасвирланади.

**Мобиль курилмалар** – тест унча катта бўлмаган мобиль курилмаларда, масалан – мобиль телефонларда кўриш тасвирланди.

**Навигация:**

Сиз Hot Potatoes тестлари учун турли навигация воситаларини ишлатишингиз мумкин.

**Moodle навигацияси панели** – Moodle навигациясининг стандарт панели тест тасвирланадиган ойнадаги саҳифанинг юқори қисмида кўрсатилади.

**Moodle навигацияси фрейми** – Moodle навигациясининг стандарт чизиғи тестнинг юқори қисмида алоҳида фреймда кўрсатилади.

**Киргизилган фрейм** – Moodle навигациясининг стандарт чизиғи тест тасвирланадиган ойнада тасвирланади, тестнинг ўзи эса фреймга киргизилади.

**Hot Potatoes тестининг тугмалари** – агар тестда аниқланган навигацион тугмалар мавжуд бўлса, тест улар билан тасвирланади.

**«Юқорига» ягона тугмаси** – тест саҳифанинг юқори қисмида ягона «Юқорига» тугмаси билан тасвирланади.

**Йўқ** – тест навигацион воситаларсиз тасвирланади: Moodle навигация чизиғи ҳам, Hot Potatoes навигациясининг ихтиёрий тугмалари ҳам тасвирланмайди.

**Жорий тестнинг барча саволларига жавоб олинса**, Moodle тизими ё курс саҳифасига қайтади ёки кейинги тестни кўрсатади (жорий тест учун «Кейинги тестни кўрсатиш»ни ўрнатишга боғлиқ ҳолда).

**Талабага тақриз:**

**«Йўқ»** – тақриз ишлатилмайди.

**«Web саҳифа»** – тақриз ойнасида веб-саҳифа кўрсатилади.

Сиз веб-саҳифанинг URL манзилини киритишингиз керак, масалан: <http://myserver.com/feedbackform.html>

**«Тақриз формаси»** – тақриз ойнасида электрон почта стандарт хабарларини юбориш учун ишлатиладиган форма кўрсатилади.

Сиз форма скриптининг URL манзилини киритишингиз керак, масалан: <http://myserver.com/cgi-bin/formmail.pl>

**«Moodle форуми»** – шу ўқув курсининг форуми тасвирланади.

**«Moodle хабарларини алмашиш»** – Moodle хабарларининг ойнаси тасвирланади. Агар курсда бир нечта ўқитувчилар бўлса, талаба қайси ўқитувчи билан хабарлар алмашиш мумкинлигини танлайди.

**Умумий медиа-плагинлар:**

**«Йўқ»** – Moodle тестда ихтиёрий универсал проигравателлар созлаш параметрларини ўзгартмайди.

**«Ҳа»** – тестда Moodle билан умумий ишлайдиган универсал проигравателлар қуйидаги файлларни ишга тушириш учун ишлатилади:

- avi;
- mpeg;
- mpg;
- mp3;
- mov;
- wmv.

**Кейинги тестни кўрсатиш:**

**«Йўқ»** – Hot Potatoes тести тугагандан кейин Moodle тизими натижани ёзади ва курснинг бош саҳифасига ўтади:

**«Ҳа»** – Hot Potatoes тести тугагандан кейин Moodle тизими натижани ёзади ва жорий бўлимда кейинги Hot Potatoes тестини ёзади. Агар тест бўлмаса, у ҳолда Moodle курснинг бош саҳифасига қайтади.

**Уринишларни кўришга рухсат бериш:**

**«Ҳа»** – маълумотлар базасида ҳар доим «Ёрдам», «Калит» ёки «Текшириш» тугмаларини босиш орқали алоҳида ёзув сақланади. Бу ўқитувчига тест ҳолатини бир марта босиш орқали кўрсатадиган жуда тўлиқ ҳисоботни кўришга рухсат беради. Бироқ бу маълумотлар базасининг ўлчамини тез ўсишига олиб келади, чунки «босишдан ҳосил бўлган» ёзувлар тест ўтказишнинг ҳар бир уринишида сақланади.

**«Йўқ»** – (жимлик қондасига кўра) Moodle маълумотлар базасида тестни ўтказишнинг ҳар бир уринишидан кейин фақат битта ёзув сақланади.

**Кейинги тестни янгилаш:**

**«Йўқ»** – фақат жорий тест янгиланади.

**«Ҳа»** – агар бу тест Hot Potatoes тестлар занжирининг бир қис-



ми бўлса, у ҳолда занжирдаги барча тестларга жорий тест параметрлари белгиланади.

### 6.19.1. Hot Potatoes тестлар ҳисоботн

Сиз Hot Potatoes ҳисоботлари учун таркибни аниқлашингиз мумкин.

**Ҳисобот типини танлаш:**

**Умумий кўриб чиқиш** – бу ҳисобот тестдаги барча уринишлар рўйхатини кўрсатади. У ҳар бир фойдаланувчининг сурати ва исми-ни, тестдан олган баҳосини, ҳар бир уриниш вақтини кўрсатади. Заруриятга кўра уринишлар танланиши ва ўчирилиши мумкин.

**Оддий статистика** – бу ҳисобот тестдаги барча тугатилган уринишларнинг тўлиқ статистикасини кўрсатади. Ҳисобот куйидаги жадвалга эга:

◆ **Жавоблар жадвалида** ҳар бир фойдаланувчи тестнинг ҳар бир уринишида ҳар бир саволга қандай жавоб берганлиги тасвирланади.

**Жавобларнинг рангли схемаси:**

- **Тўғри жавоблар** – қизил ранг.
- **Тушириб қолдирилган жавоблар** (агар аниқланган бўлса) – жигар ранг.
- **Нотўғри жавоблар** – (агар аниқланган бўлса) – кул ранг.
- **% қарздорлик** (ёрдамлар, калитлар, текширув) яшил ранг.
  - **натижа** – шу савол учун қарздорлик фоизи.
  - **ёрдам** – сўралган ёрдамлар сони.
  - **калитлар** – калит кўрсатилганми (=1) ёки йўқ (=0).
  - **текширувлар** – шу савол учун ўтказилган текширувлар сони. (-1) қиймат талаба «Жавобни кўрсатиш» тугмасини босганлигини билдиради.

◆ **Саволни таҳлил қилиш жадвалида** ҳар бир саволга жавоблар рўйхати ва ҳар бир жавобнинг частотаси тасвирланади:

- **Тўғри жавоблар** частотаси қизил ранг билан берилган.
- **Нотўғри жавоблар** частотаси кул ранг билан берилган.

- Тушириб қолдирилган жавоблар частотаси жигар ранг билан берилган.

- Сонли маълумотлар частотаси яшил ранг билан берилган.

**Босиш бўйича ҳисобот** – бу ҳисобот тестнинг ҳар бир уринишида талабанинг ҳар бир босиши ҳақидаги ахборотни кўрсатади. Ҳисобот жуда катта, уни Microsoft Excel да кўрган мақсадга мувофиқ. Босиш бўйича ҳисоботга фақат HotPot тестига рухсат бўлган ҳолларда кириш мумкин.

#### **Фойдаланувчилар танлови**

**Барча фойдаланувчилар:** ҳисобот барча фойдаланувчиларнинг тестдан ўтишга уринишини тасвирлайди. У ўз ичига курсда рўйхатдан ўтган барча фойдаланувчиларни, шу жумладан, меҳмонлар, курс яратувчилари ва Moodle администраторларини олади.

**Барча қатнашчилар:** ҳисобот талабалар ва курс ўқитувчиларининг барча жавоблари ва уринишларини кўрсатади.

**Гуруҳ:** гуруҳ номи – бу ҳисобот белгиланган гуруҳнинг барча мурожаатини кўрсатади. Агар курсда гуруҳ бўлмаса, гуруҳлар менюга тегишли бўлмайди.

**Рўйхатдан ўтган талабалар:** – ҳисобот рўйхатдан ўтган талабаларнинг барча жавобларини кўрсатади. Ўқитувчиларнинг жавоби кўшилмайди.

**Алоҳида талаба:** – ҳисобот тушувчи рўйхатдан танланган алоҳида талабанинг жавобини кўрсатади.

#### **Баҳоларни танлаш**

**Барча уринишлар:** – барча талабаларнинг барча уринишлар вақтида берган жавоблари кўрсатилади.

**Яхши уриниш:** – ҳар бир фойдаланувчининг фақат яхши уринишининг жавоби кўрсатилади.

**Биринчи уриниш:** – ҳар бир фойдаланувчининг фақат биринчи уринишининг жавоби кўрсатилади.

**Охирги уриниш:** – ҳар бир фойдаланувчининг фақат охирги уринишининг жавоби кўрсатилади.

#### **Ҳисоботлар формати**

**HTML:** – ҳисобот браузерда кўриш учун қулай бўлган HTML форматда тайёрланади.

**Excel:** – ҳисобот Microsoft Excelда очиладиган \*.xls файлда тайёрланади.

**Матн:** – ҳисобот матнли форматда тайёрланади.

**Кодировка қилинган** – агар электрон жадвал дастури аниқ кодлашни талаб этаётган бўлса, у ҳолда тушувчи рўйхатдан танлаш мумкин. Масалан, Microsoft Excel япон тили учун «SJIS» кодировкасини талаб қилади.

Кодировкалар рўйхати HotPot модулида сайт администратори томонидан қурилади.

#### **Қийматларни кесиб ташлаш**

«Ҳа» – маълумотларнинг узун қийматлари жадвал ячейкаларнинг ўлчами бўйича кесиб ташланади.

«Йўқ» – маълумотларнинг қийматлари кесилмайди.

#### **Легендани кўрсатиш**

«Ҳа» – бош ҳисоботда саволлар ва жавоблар ҳарфлар билан белгиланган. Легенда саволлар ва жавоблардаги ҳарфларнинг мослигини тасвирлайди.

«Йўқ» – саволлар ва жавоблар тўлиқ кўрсатилади ва легенда бўлмайди.

## 7-боб. Moodle да тест ўтказиш

### 7.1. Компьютерда тест ўтказиш

Компьютерда тест ўтказиш – бу ўқитувчининг минимал вақтини сарфлаб, катта сонли талабаларнинг билимини объектив баҳолаш воситасидир.

Яхши режалаштирилган тест ўтказиш графиги яхши восита ҳисобланиб, талабаларни семестр давомида тизимли ишлашга йўналтиради.

Компьютерли тестлар талабалар томонидан яхши қабул қилинади. Компьютерли тестдан ўтказишнинг муҳим устунлиги натижаларни автоматик текшириш ва инсоннинг таъсирини чеклаш ҳисобланади.

Уларнинг яна бир устунлиги билимларни текшириш жараёнида талабалар ўқитувчини муҳолиф эмас, иттифоқдош сифатида қўради.

Тест ўтказиш ё жадвал бўйича машғулот вақтида ёки талабаларнинг мустақил ишининг турли кўринишлари каби дарсдан ташқари вақтда амалга оширилади. Биринчи вариант жадвал бўйича компьютер синфларда ўтказиладиган фанлар учун афзал ҳисобланади.

Компьютерда тест ўтказишнинг асосий қисми дарсдан ташқари вақтларда қуйидаги процедура бўйича амалга оширилади:

1. Ўқитувчи ўзининг курсининг саҳифаларида тест ўтказиш учун қулай сана параметрларини, битта уриниш учун кетадиган вақтни, ҳар бир талабага бериладиган уринишлар сонини ва баҳолаш усулини ишлаб чиқади ва жойлаштиради.

2. Ўқитувчи талабаларга тестнинг таркиби, тест ўтказиш жойи, санаси ва вақти ҳақида хабар беради.

3. Тест ўтказилгандан кейин ўқитувчи унинг натижаларини таҳлил қилади.

Процедура талабалардан тест ўтказиш жараёнида ўқитувчининг компьютер синфида, албатта, қатнашишини назарга олмаган.

Тест ўтказиш учун компьютер синфлари ажратилади.

Талабалардан умумий ҳолда тест ўтказишни ташкиллаштирадиган кафедра олдиндан компьютер синфларига айтиши, талаба-

ларнинг қатнашишини таъминлаши ва тест ўтказишда тартиб ва интизомни таъминлаш учун навбатчи ходимларни ажратиши керак (талабанинг ўрнига бошқа талабанинг кириб тест топширишига, рухсат берилмаган маълумотлардан фойдаланишга рухсат бермайди).

## **7.2. Тестни яратиш ва унинг параметрларини созлаш**

Тестни курс бўлимида яратиш учун Курс элементини кўшиш... рўйхат-менюдан Тестни танлаш керак.

Натижада тест параметрларини тўлдириш учун шакл (форма) очилади.

Аввалдан яратилган тестларда бу саҳифани тест номининг ёнида  иконкасини ёки Тестни янгилаш тугмасини (агар сиз тестга унинг номини босиб кирган бўлсангиз) босиб, таҳрирлаш учун очиш мумкин.

**Тест параметрлари:**

**Номи:**  белгисидан кейин тестга ҳаволада тасвирланади.

**Муқаддима:** саволлар рўйхати устидан тасвирланади ва одатдагидек, талабалар учун кичик қўлланмадан иборат бўлади, масалан: «Саволга жавоб беринг ва Натижани юборинг ва тестни тугатинг тугмасини босинг».

**Тест ўтказишни бошлаш:** берилган тест очиладиган сана ва вақтни кўрсатади, яъни топшириш мумкин бўлади.

**Тест ўтказишни тамомлаш:** берилган тест ёпиладиган сана ва вақтни кўрсатади, яъни топшириш мумкин бўлмайди.

**Чекланган вақт:** битта уринишни бажариш вақтининг чегарасини беради.

**Битта саҳифадаги саволлар:** битта саҳифага жойлашиши мумкин бўлган саволларнинг максимал сонини беради.

**Саволларнинг тасодифий тартиби:** тестда саволлар навбатини тасодифий тартибда ўзгартириш керакми?

**Саволлар чегарасида жойини алмаштириш:** агар савол мумкин бўлган жавоблар тўпламидан иборат бўлса, у ҳолда тасодифий тартибда уларнинг жойини ўзгартириш керакми?

**Уринишлар сони:** берилган тестни ҳар бир талаба томонидан бажариши учун уринишлар сонига рухсат берилган.

**Ҳар бир уриниш олдингисига асосланади:** ҳар бир кейинги уриниш «тоза варақдан» бошланади ёки олдинги уринишда киритилган тузатиш мумкин бўлган жавоблар қолдириладими?

**Баҳолаш усули:** уринишлар баҳосига боғлиқ ҳолда якуний баҳони ҳисоблаш усулини беради: аъло баҳо, ўртача баҳо, биринчи уриниш баҳоси, охириги уриниш баҳоси.

**Ўргатувчи режим:** талаба нотўғри жавоб берганда шу вақтда бошқасини киритадиган режимни ёқиш керакми?

**Жарималарни ҳисоблаш:** талабани нотўғри жавоб берганлиги учун жаримага тортиш керакми (саволнинг якуний балидан ҳар бир нотўғри жавобга жарима берилади – фақат тестнинг бир нечта уринишлари учун).

**Баҳолардаги ўнлик рақамлар:** талаба тўплаган баллар сонини ҳисоблашда вергулдан кейин нечта белги ишлатилади.

**Талабалар кўриши мумкин:** талабалар кўриши мумкин бўлган маълумотлар галочкалар билан белгиланади:

- ўзининг жавоблари;
- тўплаган баллари;
- киритилган жавобларга ўқитувчининг изоҳи;
- тўғри жавоблар;
- умумий тақриз.

**Диққат!** Назорат тестларида Тўғри жавоблар майдонига галочкалар Кўйманг!

Ва айнан талабага шу маълумотлар тегишли бўлган ҳоллар учун:

- дарров уринишдан кейин;
- кейинроқ, қачонки тест ҳали очик бўлганда;
- тест ёпилгандан кейин. (Тест ўтказишни тугатиш параметри берилган сана ва вақт етиб келгандан кейин тест ёпилган дейилади).

**Тестни «ҳимояланган» ойнада тасвирлаш:** Агар «Ҳа» танланса, тўғри жавобларни қинғир йўллар киритиш учун талабалар томонидан ишлатиладиган аниқланган воситалар бекитилади. Тест ойнани ёйиш имкониятсиз тўлиқ экранли режимда тасвирланади.

**Пароль зарур:** агар сиз уни кўрсатсангиз, у ҳолда тест фақат уни биладиган талабаларга тегишли бўлади.

**Тармоқли манзил зарур:** берилган тест бажариладиган компьютерларнинг IP-манзили кўрсатилади. Бошқа компьютерларда тест ўтказиш мумкин эмас.

Қуйида сиз ишлатишингиз мумкин бўлган тўртта IP-манзиллар келтирилган (белгилаб қўйинг, домен исмларини ишлатиш мумкин эмас, масалан: example.com):

1. Тўлиқ IP-манзиллар, **192.168.10.1** каби бўлиб, битта компьютерга ёки прокси-серверга мос келади.

2. Манзиллар қисми, **192.168** каби, шундай бошланадиган барча номерларга мос келади.

3. CIDR ёзувлар, **231.54.211.0/20** каби, тармоқ остига мос келади.

4. IP-манзиллар диапазони **231.3.56.10-20**. Бундай ёзув **231.3.56.10** дан **231.3.56.20** гача бўлган манзиллар диапазониغا мос келади.

Пробеллар (бўшлиқлар) ташлаб юборилади.

**Гуруҳли усул:** талабаларни гуруҳга бўлиш тест ўтказиш натижаларига қандай таъсир этишини кўрсатади:

■ Гуруҳ йўқ – талабалар гуруҳга бўлинмайди, уларнинг ўзи битта умумий жамоа ҳисобланади.

■ Алоҳида гуруҳлар – ҳар бир гуруҳнинг талабасига ўзининг гуруҳи ягона ҳисобланади, бошқа гуруҳ талабаларининг улар учун кўринмайди.

■ Тегишли гуруҳлар – ҳар бир гуруҳ талабалари фақат ўзининг гуруҳи чегарасида ишлайди, аммо бошқа гуруҳдаги ишларни кўриб боришлари мумкин.

**Талабаларга мумкин:** талабалар берилган тестга ҳаволани кўришади ёки у талабалардан яшириш бўлади.

Бу параметрлар билан тўлиқ мос параметр номининг ёнидан **Ⓢ** иконкасини босиб чақириладиган маълумотномадан ўқиш мумкин.

Барча параметрларни киритиб, **Сақлаш** тугмасини босинг.

Тестни яратиб бўлгандан кейин унга зарур саволларни киритишингиз керак. Бу ҳақда **7.4. Тестни таҳрирлаш бўлимида** қаранг.

### **7.3. Тест саволларининг типлари**

Moodle да қуйида келтирилган тест саволларининг типлари ишлатилади. Типлар ҳақидаги ахборотлар фақат пиктограммалар билан тасвирланади. Бу ерда пиктограммалар ҳар типнинг номидан чапда келтирилган.

Агар сиз рўйхатдаги саволлар типини бир-биридан фарқламоқчи бўлсангиз, қуйидаги пиктограммаларни эслаб қолинг:

**Кўп учрайдиган танлаш (ёпиқ шаклдаги савол):**

Талабага савол берилади ва тўғри деб ҳисоблайдиганларини белгилайдиган бир нечта жавоблар вариантлари таклиф этилади. Бу типдаги саволларнинг иккита кўриниши бор:

– фақат битта тўғри жавоб билан (талаба айланалардан бирига белги қўяди);

– битта ёки бир нечта тўғри жавоблар билан (талаба битта ёки бир нечта квадратчаларга белги қўяди).

•• **Альтернатив савол (Тўғри/нотўғри):**

Талаба бу саволдан жавобни иккита вариантдан танлайди: **Тўғри ёки Нотўғри.**

**Сон билан ифодаланган савол:**

Бу саволга жавоб талаба аниқлик билан киритиши лозим бўлган сон ҳисобланади. Бундан яна бир ёки ундан кўп ўлчов birlikлари кўрсатилиши мумкин (кг, г, мг, см, м, км ва шунга ўхшаш).

**Ҳисобланадиган савол:**

Сон билан ифодаланган саволга ўхшаш бўлиб, аммо бу ерда ўқитувчи жавобни сон кўринишида эмас, балки сонли маълумотлар қўлда ёки автоматик равишда – тасодифий сонлар генератори дастурига қурилган маълумотларнинг махсус тўпламидан (вариантлар жадвали) тасодифий равишда олинadиган формула кўринишида берилади.

**Ичма-ич жойлашган саволлар:**

Бу ўзгарувчан восита бўлиб, ўқитувчига савол матнининг ихтиёрий жойига Кўп миқдорда танлаш, Қисқа жавоб ва Сон билан ифодаланадиган типли саволларни киритиш учун майдонларни қўйиб, тест саволларини ихтиёрий кўринишда қуришга рухсат беради.

**Мос келувчи саволлар:**

Ўқитувчи саволлар рўйхатини ва уларга жавобларни беради (масалан, давлатлар ва уларнинг пойтахтларининг рўйхати). Талаба савол ва унга мос жавобнинг тўғри мослигини топиши керак (давлат ва унинг пойтахти орасида).

**Қисқа жавоб (очиқ шаклдаги савол):**

Саволга жавоб талаба ўзи клавиатурадан терадиган сўз ёки қисқа фраза ҳисобланади. Бир нечта тўғри ёки қисман тўғри жавобларга рухсат берилади. Жавоб матни регистрга таъсирчан ёки таъсирчан эмас бўлиши мумкин (яъни жавобдаги бош ва кичик ҳарфлар фарқланади ёки акси).



## Мос келувчи тасодифий савол:

Талаба учун одатдаги Мос келувчи саволга ўхшаш, бироқ унга маълумотлар ўқитувчи томонидан берилмайди, балки Қисқа жавоб типли саволларнинг берилган категориясидан тасодифий равишда олинади. Яъни бу савол ўзининг ўқув материалига эга бўлмайди, у фақат бошқа, талабаларга қулай кўринишда берилган категориянинг қатнашувчи бошқа саволларида мавжуд материални беришга рухсат беради.

## Тасодифий савол:

Бу берилган категориядаги мавжуд саволларни тестга қўшиш учун тасодифий равишда танлашга рухсат берадиган воситадир. Тасодифий савол ўзининг ўқув ахборотига эга эмас, у фақат бу категориянинг бошқа саволларига ҳаволага эга бўлади.

## Тавсиф:

Бу савол типли савол ҳисобланмайди. У бажарадиган иш – жавоблар талаб этмайдиган қандайдир матнни тасвирлаш. Уни кейинги саволлар гуруҳини ёритиш учун тасвирлаш мумкин. Тавсиф баҳоланмайди.

## Эссе

Бу саволга жавобни талаба ёзма киритиши керак. Бу ўқитувчи томонидан қўлда баҳоланадиган ягона савол типли ҳисобланади.

## 7.4. Тестни таҳрирлаш

### Таҳрирлаш вкладкида Тест ҳаволасини босинг:

Порядок#	Название вопроса	Тип	Оценка	Действие
	Дастурлашнинг мақсади нима?	E	1	Q W
	Фактлар ва фикрларни бирор жараёнда узатиш ва қайта ишлаш учун қулай формалашган кўринишда тасвирлаш нима?	E	1	Q W
	Маълумотлар билан аналларнинг систематик кетма-кетлигини бажаришни нима деб аталади?	E	1	Q W
	Маълумотларни тасвирлашда уларга берилдиган маъно деб нимага айталади?	E	1	Q W
	ДВ фойдаланувчи томонидан қўйилган талабларни тўлиқ бажармаса, у нима дейлади?	E	1	Q W
	ДВ нинг ишончлилиги (reliability) –	E	1	Q W
	Дастурлаш технологияси (programming technology) –	E	1	Q W

Итог: 7  
Максимальная оценка: 7

Чапда тестга қўшилган саволлар рўйхати, ўнгда эса – танланган категориянинг саволлари рўйхати тасвирланади, қаердаки саволлар ёнида яна битта босиш орқали берилган саволларни тестга қўшадиган « – иконкаси пайдо бўлди.

Тестга бир нечта саволларни қўшиш учун уларнинг ёнида ☑ белгисини қўйиш ва Тестга қўшиш тугмасини босиш мумкин.

Тестга яна берилган категориянинг саволларидан тасодифий равишда танланадиган саволларни қўшиш мумкин. Бунинг учун уларнинг сонини кўрсатиш ва Қўшиш тугмасини босиш етарли. Тест саволларининг рўйхатида бу саволлар Тасодифий савол номига эга бўлиб, ундан кейин қавсларда улар олинган категория номи кўрсатилади.

Тестга саволларни киритиш усулларидан боғлиқ бўлмаган ҳолда улар тўғри бажарилади: биронта савол тестга бир мартадан кўп қўшилмайди.

Тестдаги саволлар навбатини ↑ ↓ иконкасини босиб, ўзгартириш мумкин. Улар берилган саволларни бошқасига боғлиқ ҳолда юқорига ёки қуйига алмаштиради. Саволлар айнан шу кетма-кетликда берилади (агар тестда Саволларнинг тасодифий кетма-кетлиги қўшилмаган бўлса).

Тестга қўшилган ҳар бир савол учун қуйидагилар тасвирланади: Савол номи, унинг Типи (пиктограмма кўринишида), Баҳо – шу тестнинг бошқа саволларига нисбатан берилган савол оғирлиги ҳамда ~~М~~ саволни таҳрирлашни бошлаш (параметрлар саҳифасини очиш), » тестдан берилган саволни олиб ташлашга рухсат берадиган иконкалар.

Саволлар рўйхатининг пастига тестда қатнашувчи барча саволлар учун Жами – Йиғинди баллар ва Максимал баҳо – агар талаба тестнинг барча саволларига тўғри жавоб берганда талаба йиғадиган баллар сони. Бошқа ҳолларда баллар сони қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\frac{\sum_{i=1}^n p_i v_i}{\sum_{i=1}^n v_i} \cdot M$$

қаердаки  $p_i$  –  $i$ -нчи саволга жавоблар тўғрилиги ўлчами ( $p_i = 1$ , агар жавоб тўғри бўлса;  $p_i = 0$ , агар хато бўлса,  $0 < p_i < 1$ , агар жавоб қисман тўғри бўлса),  $v_i$  –  $i$ -чи савол оғирлиги,  $M$  – максимал баҳо,  $n$  – тестдаги саволларнинг максимал сони.

Агар сиз саволлар балини ёки максимал баҳони ўзгартирмоқчи бўлсангиз, Сақлаш тугмасини албатта босиш керак, акс ҳолда бу ўзгаришлар ҳисобга олинмайди!

Ўқитувчи тестнинг ҳар саҳифасида саволлар сонини бериши мумкин.

Бунинг учун **Саҳифа ажратувчиларини тасвирлаш** майдонини активлаштириш, **Бошлаш** тугмасини босиш ва саҳифадаги керакли саволлар сонини танлаш керак.

**Саволларни қайтадан гуруҳлаш асбоби (инструменти)** саволлар рўйхатидан олдин қатор номерини тасвирлайди. Бу номерлар 10 қадам билан кейинчалик саволлар қўйиш имкониятини бериш учун катталаштирилади. Сиз саволларни қатор номерини ўзгартириб ва «Ўзгаришларни сақлаш» тугмасини босиб, қайтадан гуруҳлашингиз мумкин. Саволлар аниқлаган номерларингиз бўйича сараланади.

Номерлар бутун сон бўлиши шарт эмас, улар ўнлик сонлар бўлиши ҳам мумкин.

Бўлинган саҳифаларга ҳам уларни бошқа жойга кўчириш мумкин бўлиши учун номерлар қўйилади. Агар «Саҳифаларни ажратишни тасвирлаш» майдони белгиланмаган бўлса, у ҳолда бўлинган саҳифаларни кўрмайсиз ва сатр номерлари тасвирланмайди.

Тест таркиби билан ишлаётганда ўқитувчи ихтиёрий вақтда тестда ўзи киритган саволлар қандай кўринишда эканлигини кўриши учун **Кўриш** вкладкасига ўтиши мумкин. У ерда саволга жавоб киритиш ва **Натижаларни жўнатиш** ва **тестни тугатиш** тугмасини босиб, улар қандай баҳоланишини кўриши мумкин. Жавобларни киритишни **Бошқатдан бошлаш** тугмасини босиб, такрорлаш мумкин.

**Муқаддима** вкладкаси тест саволлари рўйхати устида талабалар томонидан тасвирланадиган ва одатга кўра, улар учун қисқа кўрсатмалардан иборат тестни кўришга рухсат беради.

Ҳар доим талабалар диққатини тестнинг хусусиятларига қаратинг!

## 7.5. Категорияларни таҳрирлаш

Ўқитувчига битта бутун тест саволлари рўйхати билан ишлаш ноқулайлик туғдиради. Одатда, уларни категория деб аталадиган гуруҳларга бўлишади.

Тест саволлари файллар папкага жойлашгани каби категорияларга жойлашади. Категория иерархияга эга бўлиши мумкин — битта категория бошқасининг ичига жойлаштирилиши мумкин.

Қоидага кўра, саволлар категорияга мавзу бўйича бўлинади. Масалан, категорияга билимлари аниқ фан бўлимларидан назорат қилинадиган тест саволларини кўшадилар.

Саволлар гуруҳини алоҳида категорияларга бўлиш учун яна бир сабаб **тасодифий саволларни** ишлатиш ҳисобланади.

**Тасодифий саволлар** – бу ҳар бир талаба учун берилган категориядан саволларни тасодифий равишда танлашга рухсат берадиган воситадир. Натижада ҳар бир талаба тестнинг ҳар бир уринишида бошқа саволлар тўпламини олади. Бу «қўшиб ёзишлар» имкониятини камайтиради ва талабаларни янада объектив баҳолашга рухсат беради.

Тест саволлари категорияларини яратиш ва таҳрирлаш учун саҳифани очиш бир нечта усуллар ёрдамида амалга оширилади:

- **Бошқариш** блокада **Саволлар** ҳаволасини босиш (**Курсни бошқариш** бобидаги 8.9. **Саволлар бўлимига қаранг**) ва **Категория** вкладкасини танлаш.

- **Курс элементлари** блокада **Тестлар** ҳаволасини босиш, очилган саҳифада **Саволларни таҳрирлаш** тугмасини босиш ва **Категория** вкладкасини танлаш.

Саҳифанинг юқори қисмида янги категорияларни яратишга рухсат берадиган воситалар, қуйи қисмида эса мавжуд категорияларни таҳрирлайдиган воситалар мавжуд.

Янги категорияни яратиш учун **Кириш** мумкин бўлган категориялар майдонида унинг учун ўзак категорияни танлаш керак (яъни унинг таркибида янги категория бўладиган категорияни); бу категориянинг номи ва қисқа тавсифини **Категория** номи ва **Категория ҳақида ахборот** майдонларига киритиш; бу категорияни эълон қилишни кўрсатиш ва **Кўшиш** тугмасини босиш керак.

Агар мавжуд категория номи ёки тавсифини боссангиз, у ҳолда юқорида ёритилган майдонлардан иборат берилган категорияни таҳрирлаш ойнаси очилади. Бундан ташқари, берилган саҳифада бевосита (🗑️) эълон қилинмаган категорияни (✖️) эълон қилинган категорияга ўзгартириш ва унинг аксини бажариш мумкин.

Эълон қилинган категориядаги саволларни **барча ўқитувчилар** томонидан бутун сайтдаги ўзининг курсларида ишлатишлари мумкин бўлади.

Категория учун саҳифада бошқа ўзак категорияни танлаш (**Кириш** мумкин бўлган категориялар рўйхатидан) ёки берилган категорияни ✖️ тугмасини босиб, умуман ўчириб ташлаш мумкин.

Ўқитувчи тестнинг ҳар саҳифасида саволлар сонини бериши мумкин.

Бунинг учун **Саҳифа ажратувчиларини тасвирлаш** майдонини активлаштириш, **Бошлаш** тугмасини босиш ва саҳифадаги керакли саволлар сонини танлаш керак.

**Саволларни қайтадан гуруҳлаш асбоби (инструменти)** саволлар рўйхатидан олдин қатор номерини тасвирлайди. Бу номерлар 10 қадам билан кейинчалик саволлар қўйиш имкониятини бериш учун катталаштирилади. Сиз саволларни қатор номерини ўзгартириб ва «Ўзгаришларни сақлаш» тугмасини босиб, қайтадан гуруҳлашингиз мумкин. Саволлар аниқлаган номерларингиз бўйича сараланади.

Номерлар бутун сон бўлиши шарт эмас, улар ўнлик сонлар бўлиши ҳам мумкин.

Бўлинган саҳифаларга ҳам уларни бошқа жойга кўчириш мумкин бўлиши учун номерлар қўйилади. Агар «Саҳифаларни ажратишни тасвирлаш» майдони белгиланмаган бўлса, у ҳолда бўлинган саҳифаларни кўрмайсиз ва сатр номерлари тасвирланмайди.

Тест таркиби билан ишлаётганда ўқитувчи ихтиёрий вақтда тестда ўзи киритган саволлар қандай кўринишда эканлигини кўриши учун **Кўриш** вкладкасига ўтиши мумкин. У ерда саволга жавоб киритиш ва **Натижаларни жўнатиш** ва **тестни тугатиш** тугмасини босиб, улар қандай баҳоланишини кўриши мумкин. Жавобларни киритишни **Бошқатдан бошлаш** тугмасини босиб, такрорлаш мумкин.

**Муқаддима** вкладкаси тест саволлари рўйхати устида талабалар томонидан тасвирланадиган ва одатга кўра, улар учун қисқа кўрсатмалардан иборат тестни кўришга рухсат беради.

Ҳар доим талабалар диққатини тестнинг хусусиятларига қаратинг!

## 7.5. Категорияларни тахрирлаш

Ўқитувчига битта бутун тест саволлари рўйхати билан ишлаш ноқулайлик туғдиради. Одатда, уларни категория деб аталадиган гуруҳларга бўлишади.

Тест саволлари файллар папкага жойлашгани каби категорияларга жойлашади. Категория иерархияга эга бўлиши мумкин – битта категория бошқасининг ичига жойлаштирилиши мумкин.

Қоидага кўра, саволлар категорияга мавзу бўйича бўлинади. Масалан, категорияга билимлари аниқ фан бўлимларидан назорат қилинадиган тест саволларини қўшадилар.

Саволлар гуруҳини алоҳида категорияларга бўлиш учун яна бир сабаб **тасодифий саволларни** ишлатиш ҳисобланади.

**Тасодифий саволлар** – бу ҳар бир талаба учун берилган категориядан саволларни тасодифий равишда танлашга рухсат берадиган воситадир. Натижада ҳар бир талаба тестнинг ҳар бир уринишида бошқа саволлар тўпламини олади. Бу «кўшиб ёзишлар» имкониятини камайтиради ва талабаларни янада объектив баҳолашга рухсат беради.

Тест саволлари категорияларини яратиш ва таҳрирлаш учун саҳифани очиш бир нечта усуллар ёрдамида амалга оширилади:

- **Бошқариш** блокида **Саволлар** ҳаволасини босиш (**Курсни бошқариш** бобидаги **8.9. Саволлар бўлимига қаранг**) ва **Категория** вкладкасини танлаш.

- **Курс элементлари** блокида **Тестлар** ҳаволасини босиш, очилган саҳифада **Саволларни таҳрирлаш** тугмасини босиш ва **Категория** вкладкасини танлаш.

Саҳифанинг юқори қисмида янги категорияларни яратишга рухсат берадиган воситалар, қуйи қисмида эса мавжуд категорияларни таҳрирлайдиган воситалар мавжуд.

Янги категорияни яратиш учун **Кириш** мумкин бўлган **категориялар** майдонида унинг учун ўзак категорияни танлаш керак (яъни унинг таркибида янги категория бўладиган категорияни); бу категориянинг номи ва қисқа тавсифини **Категория** номи ва **Категория** ҳақида ахборот майдонларига киритиш; бу категорияни эълон қилишни кўрсатиш ва **Кўшиш** тугмасини босиш керак.

Агар мавжуд категория номи ёки тавсифини боссангиз, у ҳолда юқорида ёритилган майдонлардан иборат берилган категорияни таҳрирлаш ойнаси очилади. Бундан ташқари, берилган саҳифада бевосита (🗑️) эълон қилинмаган категорияни (🗑️) эълон қилинган категорияга ўзгартириш ва унинг аксини бажариш мумкин.

Эълон қилинган категориядаги саволларни барча ўқитувчилар томонидан бутун сайтдаги ўзининг курсларида ишлатишлари мумкин бўлади.

Категория учун саҳифада бошқа ўзак категорияни танлаш (**Кириш** мумкин бўлган категориялар рўйхатидан) ёки берилган категорияни ✕ тугмасини босиб, умуман ўчириб ташлаш мумкин.

Категорияни ўчиришда унинг саволлари йўқолмайди, балки сиз кўрсатишингиз керак бўлган бошқа категорияга кўчирилади.


Жимлик қондасига кўра категориясини ўчириш мумкин эмас.

## 7.6. Саволларни яратиш ва таҳрирлаш


Тест саволларини яратиш ва таҳрирлаш ойнасини бир неча усуллар ёрдамида очиш мумкин:

■ Бошқариш блокада Саволлар ҳаволасини босиш (Курсни бошқариш бобидаги 8.9. Саволлар бўлимига қаранг).

■ Курс элементлари блокадаги Тестлар ҳаволасини босиш ва очилган ойнада Саволларни таҳрирлаш тугмасини босиш:



Натижада саволлар банки саҳифаси очилади:



**Категория номи рўйхат-менюдан яратиладиган савол олиб бориладиган саволлар категориясини танлайсиз.**

**Сиз Категорияларни таҳрирлаш тутмасини босиб, янги категорияларни яратишингиз ва мавжудларини таҳрирлашингиз мумкин (7.5. Категорияларни таҳрирлаш бўлимига қаранг).**

**Бу категорияда янги савол яратиш учун уни Янги савол яратиш рўйхат-менюдан танлаб, савол параметрлари шаклини тўлдиришингиз керак.**

**Саволларнинг кўпгини типлари бир хил параметрларга ва соझашларга эга:**

**Категория номи – савол тегишли бўладиган категорияни танлаш зарур.**

**Савол номи – шундай тавсифдли ном киритингки, унинг ёрдамида саволларнинг умумий рўйхатидан керакли саволни топишингиз мумкин бўлсин (талабага савол номи кўрсатилмайди).**

**Савол таркиби – тестни ўтказишда талабаларга кўрсатиладиган савол матнини киритинг. Матнни форматлаш учун HTML-муҳаррирни ишлатинг.**

**Маслаҳат: битта тестда барча саволларни киритишда бир хил форматлашни ишлатишга ҳаракат қилинг.**

**Word даги саволлардан нусха олишда Word да берилган матнни форматлаш ишлатилишини ҳисобга олинг. Шунинг учун \*.txt (Блокнот) форматдаги форматланмаган савол матнларидан нусха олиш ёки саволларни Word дан «Бошланғич HTML-код» HTML-муҳаррир режимига қўйиш. Word тегларини ўчириш учун HTML-муҳаррирнинг мос тутмасини ишлатинг.**

**Кўрсатиш учун расм – саволнинг охирида талабага кўрсатиладиган тасвирни танланг (тасвирлар олдиндан курснинг файлли директориясига юкланган бўлиши керак).**

**Савол учун жимлик қоидасига кўра баҳо – тестдаги савол оғирлигини ўрнатиш учун ишлатилади (кейинчалик тестни таҳрирлашда ўзгартирилиши мумкин).**

**Жарима – йиғилган балларнинг қайси қисми ҳар бир нотўғри жавоб учун олиб ташланишини аниқлайди. Бу фақат талаба битта уриниш (тест режимини ўргатувчи) давомида битта саволга бир неча марта жавоб берганида руҳсат берилган. Жарима 0 дан 1 гача диапазондаги сон бўлиши керак. «1» га тенг жарима талаба берилган саволга балл олмоқчи бўлса, тўғри жавоб бериши кераклигини**



билдиради (нотўғри жавоб кейинги уриниш тўғри бўлса ҳам балл йиғишга рухсат бермайди). «0» га тенг жарима талаба берилган саволга бир неча марта жавоб бериши ва бунда ҳеч қандай жарима ҳисобларисиз балл олиши мумкинлигини билдиради.

**Умумий тақриз (изоҳ)** – талаба саволга жавоб бергандан кейин кўрсатиладиган қандайдир матн. Умумий тақризларни талабалар томонидан тестни ўтказиш вақтида ахборот манбаларига ҳаволаларни жойлаштирган қўшимча билимларни олиш учун ишлатиш мумкин.

Савол типига боғлиқ жавоб вариантнинг тақризидан ва талаба саволга қандай жавоб берганлигидан фарқли равишда умумий тақриз барса талабаларга кўрсатилади. Сиз талабаларга кўрсатиладиган умумий тақризни тестни таҳрирлаш саҳифасидаги «Талабалар кўриши мумкин» белгиси ёрдамида назорат қилишингиз мумкин.

Турли типли саволларнинг қолган параметрлари **7.6.1. Турли типли саволларни ишлатиш хусусиятлари бўлимида тўлиқ кўриб чиқилади.**

Саволнинг зарур параметрларини киритгандан кейин **Сақлаш** тугмасини босинг.

Категориядаги саволлар рўйхатини қуйидагича саралаш мумкин:

- алифбо бўйича;
- типи бўйича ва кейин номи бўйича;
- тартиби бўйича (яратиш вақти бўйича).

Ҳар бир тест саволи мос пиктограмма кўринишида тасвирланадиган номи ва типи билан ажралиб туради.

Ҳар бир саволдан кейин иконка бор:

🔍 – берилган саволни алоҳида ойнада кўришга ва унга жавоб бериш учун уринишга рухсат беради.

🔍 – саволни таҳрирлашни (параметрлар саҳифасини очади) кўшади.

✖ – берилган саволни ўчиради (агар берилган савол биронта тестга қўшилмаган бўлса, бу амални бажариш мумкин).

Ҳар бир саволни ☑ белгиси билан белгилаш мумкин. Кейин барча белгиланган саволларни мос тугмалар ва рўйхат-менюдан фойдаланиб, ўчириш ёки бошқа категорияга кўчириш мумкин.

Савол типлари ҳақида тўлиқ Янги савол яратиш рўйхат-меню ёнидаги 🔄 тугмаси билан чақириладиган маълумотномадан били-

шингиз мумкин. Бундай тугмалар ҳар бир саволлар типлари параметрлари ёнидаги саҳифаларда бор. Маълумотномадаги тест саволлари параметрларини қандай тўлдириш тўлиқ ёритилган.

Турли типдаги саволларни ишлатиш хусусиятлари қуйида ёритилган.

---

### 7.6.1. Турли типдаги саволларни ишлатиш хусусиятлари

Саволларнинг баъзи типлари қуйидаги кўриб чиқиладиган специфик параметрларга эга:

#### Кўп учрайдиган танлаш

Бир ёки бир неча саволлар? –

- фақат битта жавоб (талаба переключателни айланаларнинг бирига ўрнатади).

- Бир нечта жавобларга рухсат берилган (талаба байроқчани битта ёки бир нечта квадратчаларга кўяди).

Жавобларнинг тасодифий тартиби – агар сиз «Ҳа» ни танласангиз, у ҳолда тестни созлашда «Жавобларнинг тасодифий тартиби» «Ҳа» га ўрнатилган шарт бўйича тестдан ўтишнинг ҳар бир уринишида жавоблар тасодифий тартибда жойлаштирилади. Бу талабалар бир-биридан кўчирмаслиги учун қилинади.

Жавобларнинг энг зарур мумкин бўлган вариантлари сонини киритинг. Уларнинг ҳар бири учун қуйидагиларни кўрсатинг:

- **Жавоб матни.** Жавоблар варианты сифатида формула ва тасвирлар ишлатилиши мумкин. Бунинг учун жавоблар майдонига тасвирларга ҳаволалар HTML-теглар кўринишида қўйилади:

```
.
```

Бу ҳақда тўлиқ 7.9. Тестда формула ва тасвирларни ишлатиш бўлимига қаранг.

- **Баҳо.** Унинг қиймати –100 дан 100 гача бўлади.

Битта тўғри жавоб берганда унинг баҳоси 100 %ни ташкил этиши керак. Қолган вариантлар «Бўш» қийматига эга бўлиши керак.

Бир нечта тўғри жавоб берганда тўғри жавоблар учун баҳолар йиғиндиси 100 %ни ташкил этиши керак. Одатда, жавоблар орасида пропорционаллик бўлади. Жавобларнинг нотўғри вариантларига манфий қийматлар қўйилади, яъни уларнинг йиғиндиси –100 %ни ташкил этиши учун. Якуний баҳони ҳисоблашда барча мусбат ва манфий қийматлар қўшилади. Манфий қиймат нолга айлантрилади. Агар ҳар бир нотўғри жавобга «–100 %» қўйилса, у ҳолда ҳеч бўлмаса битта нотўғри жавобни танласа ҳам талаба савол учун 0 балл олади.

■ **Изоҳ.** Агар тестда изоҳларни (тақризларни) кўрсатишга рухсат берилган бўлса, у ҳолда талаба уни жавобнинг вариантини танлаганда кўради.

Жимлик қондасига кўра, жавобларнинг 5 вариантини киритиш мумкин. Танлашларнинг 3 та майдонини қўшиш тугмасини босиб, уларнинг сонини керак бўлганида ошириш мумкин.

Мос майдонларни тўлдиргандан кейин қуйидаги қўшимча тақризларни тасвирлаш мумкин: «Ихтиёрий тўғри жавоб учун», «Ихтиёрий қисман тўғри жавоб учун» – тўғри жавобларнинг фақат бир қисми танланган ва «Ихтиёрий нотўғри жавоблар учун».

### **Альтернатив жавоб (Тўғри/нотўғри)**

Талаба саволга жавобни «Тўғри» ва «Нотўғри» орасидан танлайди (эътибор беринг, «Нотўғри» ҳам тўғри жавоб бўлиши мумкин – саволни таҳрирлашда танланади).

Жавобларнинг турли вариантлари учун ўқитувчининг тақризи бўлиши мумкин, талаба уларнинг бирини ўзи танлаган жавобдан кейин кўради.

### **Сон билан ифодаланган савол**

Бу саволга жавоб талаба ўқитувчи томонидан берилган аниқлик билан киритиши лозим бўлган сон ҳисобланади. Яъни сиз тўғри жавобларнинг узлуксиз диапазонини кўрсатишингиз мумкин.

Масалан, агар жавоб 30 сони бўлиб, 5 га тенг хатолик ўрнатилган бўлса, у ҳолда 25 ва 35 сонлари орасидаги ихтиёрий сон тўғри деб қабул қилинади.

Тўғри жавоб сифатида ўнлик сонлар ҳам киритилиши мумкин.

Эътибор беринг, ўнлик сонларнинг ажратувчилари сифатида **фақат нуқтани** ишлатиш мумкин (вергулни ишлатиш мумкин эмас!), масалан – 12,3. ўнлик касрларни «1,23E+1» кўринишида киритиш мумкин.

Талаба саволга жавоб сифатида қуйидаги вариантлардан бирини киритиши мумкин: «12.3»; «12,3»; «1,23E+1» ёки «1,23E+1» (E харфи – **лотин харфи!**). Уларнинг ҳаммаси тизим-томонидан тўғри деб қабул қилинади.

Жавобнинг абсолют тўғри қиймати 100 % баҳога эга бўлиши мумкин. Бу ҳолда қолган вариантларни тўлдирмаса ҳам бўлади.

Бир нечта қисман жавобларни тўлдириб, уларга 5 %дан 90 %гача баҳо қўйиш мумкин.

Жавоблар вариантларида яна бир ёки бир нечта ўлчов бирликлари (кг, г, мг; см, м, км ва шунга ўхшаш) ва унга мос коэффициентлар (0,01; 0,1; 10; 100; 1000 ва шунга ўхшаш) кўрсатилади. Жимлик қондасига кўра 1,0 коэффициент ўрнатилган ва унга фақат ўлчам қўйилиши керак. Кўрсатилган коэффициентлар хатоликлар учун ҳам ишлатилади.

Жавобларда ўлчов бирликлари талаба томонидан сонли қийматга мос ҳолда бўшлиқларсиз (пробелларсиз) ёзилиши керак. Талабаларингизни бу ҳақда огоҳлантиринг!

Жимлик қондасига кўра жавобларнинг 5 вариантыни киритиш мумкин. Танлашларнинг 2 та майдонини қўшиш тугмасини босиб, уларнинг сонини керак бўлганида ошириш мумкин.

2 та модулларни қўшиш тугмасини босиб, мос коэффициентли ўлчов бирликларини қўшиш мумкин.

### **Ҳисобланадиган савол:**

Жимлик қондасига кўра категорияни ўзгартиришда умумий шаблонлар ҳақидаги ахборотни янгилаш учун Категорияни янгилаш тугмасини босинг.

Савол таркиби майдонида ҳар бир тестни ўтказишда кўрсатилган диапазонларда тасодифий қийматлар қўйилган шаблонлардан иборат формулани киритинг. Шаблонлар ўзида фигурали қавсларга олинган лотин алифбосининг ҳарфларини тасвирлайди. Масалан, йиғиндининг формуласини ишлатадиган савол қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

**{a} + {b} нечага тенг бўлади?**

Бунинг учун Тўғри жавоб формуласи = майдонига {a} + {b} киритиш керак.

Мисолдаги формула кўшиш (+) амалини ишлатди. Бундан ташқари, – (айириш), \* (кўпайтириш), / (бўлиш) ва % (қолдиқ) амалларини ишлатиш мумкин. Бундан ташқари, сиз PHP тилининг баъзи математик функцияларини ишлатишингиз мумкин.

Уларнинг орасида битта аргументли 24 функция бор:

abs – абсолют қиймат;

acos – арккосинус;

acosh – инверсли гиперболик косинус;

asin – арксинус;

asinh – инверсли гиперболик синус;

atan – арктангенс;

atanh – инверсли гиперболик тангенс;

ceil – касрларни катталашиш томонга айлантириш;

cos – косинус;

cosh – гиперболик косинус;

deg2rad – сонни градусдан радианга ўзгартиради;

exp – экспонента (e кўрсатилган даражада);

expm1 – қиймат нолга яқин бўлган ҳолда ҳам аниқликни таъминлайдиган усулни ҳисоблашдан exp (сон) –1 ни қайтарди;

floor – касрларни кичиклашиш томонга силликлаш;

log10 – асосли логарифм;

log1p – қиймат нолга яқин бўлган ҳолда ҳам аниқликни таъминлайдиган усулни ҳисоблашдан log(1 + сон) ни қайтарди;

log – натурал логарифм;

rad2deg – сонни радиандан градусга айлантиради;

round – сонни сузувчи нукта/float билан силлиқлайди;

sin – синус;

sinh – гиперболик синус;

sqrt – квадрат илдиз;

tan – тангенс;

tanh – гиперболик тангенс.

Икки аргументли иккита функция:

atan2 – икки ўзгарувчили арктангенс;

pow – ихтиёрий даражага кўтариш.

Ҳамда икки ва ундан кўп аргументлардан иборат функциялар:

max – энг катта қийматни топади;

min – энг кичик қийматни топади.

Бундан ташқари аргументлари бўлмаган  $\rho_i$  функцияни ишлатишингиз мумкин, бироқ ундан кейин қавс қўйишни унутманг. Тўғри ёзув куйидагича бўлади:  $\rho_i()$ .

—Шаблонлар – функция – аргументлари – бўлиши – мумкин, – бунинг учун уларни қавсга олиниши керак. Масалан,  $\sin(\{a\}) + \cos(\{b\}) * 2$ .

Бир функцияни бошқасининг ичига жойлаштиришга ҳеч қандай чекловлар йўқ, масалан:  $\cos(\text{deg2rad}(\{a\} + 90))$  ва ш.ў.

**Баҳо** – жавобнинг абсолют тўғри қиймати 100 % баҳога эга бўлиши керак. Бу ҳолда бошқа вариантларни тўлдириш керак эмас. Бир нечта қисман тўғри жавобларни тўлдириб, уларга 5 %дан 90 %гача баҳо қўйиш мумкин.

**Хато  $\pm$  майдони** – йўл қўйилган хатоларни кўрсатинг (нуқта билан ажратилган ўнлик каср кўринишида бўлиши мумкин. Вергул ишлатилмасин!).

**Хато тип** рўйхатидан – Нисбий, Номинал ва Геометрик типларини танланг. Агар саволга тўғри жавоб 200 бўлиб, унга 0,5 хато ўрнатсак, у ҳолда турли хатолар турлича ишлаши мумкин:

■ **Нисбий:** Тегишли оралик тўғри жавобни 0,5 га кўпайтириш йўли билан ҳисобланади (бу ҳолатда бу 100 ни беради). Шундай қилиб, тўғри жавоб 100 ва 300 ( $200 \pm 100$ ) ораликдаги қиймат ҳисобланади. Агар тўғри жавобнинг катталиги формулага қўйилган турли қийматларда жуда фарқланса, бу фойдали ҳисобланади.

■ **Номинал:** Бу хатоларнинг энг оддий тип, аммо мослашувчан. Тўғри жавоб 199,5 ва 200,5 ( $200 \pm 0,5$ ) орасида бўлиши керак. Агар турли жавобларнинг катталиклари бир-биридан катта фарқланмаса, бу типни ишлатиш мумкин.

■ **Геометрик:** Тегишли интервалнинг юқори чегараси  $2000,5 * 200$  каби, худди нисбий хатони ҳисоблагандай, ҳисобланиши мумкин. Қуйи чегара  $200 / (1 + 0,5)$  каби ҳисобланади. Бу ҳолатда тўғри жавоб 1333,33 дан 300 гача ораликда бўлиши мумкин.

Бу юқори чегара учун катта нисбий хато (1 ва ундан кўп) ишлатиладиган мураккаб ҳисоблашлар учун

фойдали, аммо бир вақтнинг ўзида у қуйи чегара учун ишлатилмайди, чунки барча ҳоллар учун тўғри жавобни нолга айлантиради.

**Тўғри жавобларни тасвирлаш** майдонида тўғри жавоб тасвирланадиган аниқликни ва ўнлик белгилар ёки маъноли рақамлар форматини кўрсатинг. Масалан, агар маъноли рақамларнинг 3 қиймати ўрнатилган бўлса, у ҳолда 13,333 бўлган тўғри жавоб 13,3 каби тасвирланади; 1236 1240 каби тасвирланади; 23 23,0 каби ва ш.ў. Агар ўнлик белгиларнинг 3 қиймати ўрнатилган бўлса, у ҳолда 13,333333 учун тўғри жавоб 13,333 каби тасвирланади; 12,3666 12,367 каби тасвирланади; 23, 23,000 каби ва шунга ўхшаш.

Жавобнинг абсолют тўғри қиймати 100 % баҳоланиши керак. Бу ҳолда бошқа вариантларни тўлдириш шарт эмас. Бир нечта қисман тўғри жавобларни тўлдириб, уларни 5 %дан 90 %гача баҳолаш мумкин.

Жавоблар вариантларида яна бир ёки бир нечта ўлчов бирликлари (кг, г, мг; см, м, км ва шунга ўхшаш) ва унга мос коэффициентлар (0,01; 0,1; 10; 100; 1000 ва шунга ўхшаш) кўрсатилади. Жимлик қондасига кўра 1,0 коэффициент ўрнатилган ва унга фақат ўлчам қўйилиши керак. Кўрсатилган коэффициентлар хатоликлар учун ҳам ишлатилади.

Жавобларда ўлчов бирликлари талаба томонидан сонли қийматга мос ҳолда бўшлиқларсиз (пробелларсиз) ёзилиши керак. Талабаларингизни бу ҳақда огоҳлантиринг!

Жимлик қондасига кўра жавобларнинг 2 вариантини киритиш мумкин. Яна жавоб бланкасини қўшиш тугмасини босиб, уларнинг сонини керак бўлганида ошириш мумкин.

Бирликларнинг 2 та модулини қўшиш тугмасини босиб, мос коэффициентли ўлчов бирликларини қўшиш мумкин.

Шакл (форма) майдонларини тўлдиргандан кейин маълумотлар тўплами хусусиятларини танлаш учун **Кейинги саҳифа** тугмасини босиш ёки Янги савол учун маълумотлар тўплами хусусиятларини танлаш учун **Кейинги саҳифа (янги савол)** тугмасини босиш керак (фақат мавжуд саволни таҳрирлаш режимида). Саволда мавжуд маълумотлар тўплами ишлатилишини ёки унинг учун янги умумий ёки хусусий шаблонлар яратилганлигини танланг ва маълумотлар тўпламини таҳрирлашга – ўзгарувчилар қийматларини қўшиш ва ўчиришга ўтиш учун **Кейинги саҳифа** тугмасини босинг.

Маълумотлар тўплами биттадан кўп бўлмаган параметрга эга бўлиши керак. Маълумотлар тўпламидаги параметрлар қийматини кўлда кўшиш ёки тасодифий сонларнинг қурилган генераторини ишлатиб, автоматик равишда генерациялаш мумкин. Қийматни кўлда кўшиш учун **Параметр { }** майдониغا қиймат киритиб, **Кўшиш** тугмасини босиш керак. Саволни сақлаш учун у битта параметрнинг камида 2 та қийматига эга бўлиши керак.

Қийматларни автоматик кўшиш учун барча майдонларни тўлдириш керак: **Қийматлар диапазони** (минимал ва максимал қийматни киритиш), қийматларга мумкин бўлган **Ўнлик белгилар** сони, диапазонларда пайдо бўладиган қийматларни **Тақсимлаш** – барабар ёки логарифмик (кўпинча диапазоннинг қуйи қисмидаги қийматлар пайдо бўлади). Кейин қўшиладиган қийматлар сони рўйхатидан (1 дан 100 гача) танлаб, **Кўшиш** тугмасини босиш керак.

Параметрлар қийматларини кўшиш саҳифанинг қуйи қисмида жойлашади. Уларнинг бир қисмини ўчириладиган охириги қийматлар сони рўйхатидан танлаб ва **Ўчириш** тугмасини босиб, ўчириш мумкин.

Ҳар доим олдин пайдо қилинган ва ўчирилган параметр қийматларинидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун «олдинги мумкин бўлган қийматни кўп марта ишлатиш» пунктини танлаб, **Кўшиш** тугмасини босинг. «**Мажбурий янгилаш**» пункти танланганда яна пайдо қилинган қийматлар қўшилади.

Эса тутинг, агар танланган қўшилувчи қийматлар сони кўрсатилган диапазондандан катта бўлса, у ҳолда **ТАКРОРЛАНУВЧИ** қийматлар яна пайдо бўлади.

Керакли параметрлар қийматлари сонини тестда ишлатиш учун кўшгандан кейин **Сақлаш** тугмасини босинг.

### **Ичма-ич жойлашган жавоблар**

Бу саволларнинг жуда мослашувчан типи ҳисобланади. Бундай саволлар бевосита саволлар қўйиладиган матндан (Moodle формата) иборат бўлади. «Ичма-ич жойлашган жавоблар» типдаги саволлар қуйидаги саволлар типидан иборат бўлиши мумкин: «Қисқа жавоб», «Сон билан ифодаланган» ва «Кўп марта танлаш».

Ҳозирги вақтда бундай саволларни яратиш учун **график** интерфейси мавжуд эмас, шунинг учун саволларни яратиш учун матнли майдон ва махсус форматни ишлатишингиз керак. Бошқа



дастурда яратилган файлдан саволларни олиш мумкин, масалан: Hot Potatoes.

Куйидаги мисолда «Ичма-ич жойлашган жавоблар» савол типини аниқлайдиган матнли блок келтирилган.

Бу савол унга ичма-ич жойлаштирилган жавоблар билан қандайдир матндан иборат: {1:MULTICHOICE:Нотўғри жавоб#Нотўғри жавобга изоҳ~Яна нотўғри жавоб#Иккинчи нотўғри жавобга изоҳ~Тўғри жавоб# Тўғри жавобга изоҳ~%50% Ярми баҳоланган жавоб#Ярми баҳоланган жавобга изоҳ}. Шундан кейин дарров очик шаклдаги жавобни кўрсатишингиз керак {1:SHORTANSWER: Нотўғри жавоб#Нотўғри жавобга изоҳ~Яна нотўғри жавоб# Иккинчи нотўғри жавобга изоҳ~Тўғри жавоб#Тўғри жавобга изоҳ~%50% Ярми баҳоланган жавоб# Ярми баҳоланган жавобга изоҳ}. Энди жавоб сифатида 23,5 дан 24,1 гача тенг узокликдаги сонни киритинг: {2:NUMERICAL:=23,8:0,1# 0,1 хато билан 23,8 га тенг тўғри жавобга изоҳ ~%50%23,8:2#тўғрижавобга яқин ва ярмига баҳоланган жавобга изоҳ}. Эсда тутинг, [www.moodle.org](http://www.moodle.org) манзиллар ва : -) смайликлар бу ерда ҳам ишлайди:

а) бизнинг қарашимиз бўйича бу тўғрими? { :MULTICHOICE:= Ҳа#Тўғри~Йўқ#Бизнинг фикримиз бошқача! }

б) Бундай саволлар типини сиз қандай баҳолайсиз? {3:NUMERICAL:=3:2}

### **Ичма-ич жойлашган жавоблар форматига талаблар**

- Матнга жойлашадиган саволлар фигурали қавсларда бўлади: {}.

- (ЮҚОРИ РЕГИСТРДА) савол типи икки нуқта билан ўраб олинади (:), масалан: :MULTICHOICE: (кўп учрайдиган танлаш); :SHORTANSWER: (қисқа жавоб) ва :NUMERICAL: (сон билан ифодаланган).

- Очувчи фигурали қавс ва савол типини орасидаги саволда «Ичма-ич жойлашган жавоблар» саволини умумий баҳолашда савол қўшиладиган баҳони (оғирликни) аниқлайдиган сон туради.

- Савол типидан кейин (~) тильда билан ажратилувчи жавоб вариантлари келади. Биринчи жавоб вариантыдан олдин тильда қўйилмайди.

- Абсолют тўғри жавобдан олдин (=) тенг белгиси ёки %100% – (%) фоиз белгиси билан ўралган фоизлардаги баҳо қўйилади.

- Нотўғри жавобдан олдин ҳеч қандай белги қўйилмайди, баъзан %0% қўйилади.

- Қисман тўғри жавобдан олдин фоизлардаги баҳо қўйилади, масалан: %50% – ярми баҳоланадиган жавоб.

- Сон билан ифодаланадиган саволда хатони кўрсатиш мумкин. У тўғри қийматда икки нуқта билан ажратилади. Масалан, {2:NUMERICAL:=23,8;0,1} савол учун тўғри жавоб: 23,7; 23,8; 23,9 бўлади.

Эътибор беринг – саволда сонлар ва белгилар орасида бўш жой **БЎЛМАЙДИ**, ўнлик сонларни ажратувчи сифатида **НУҚТА** ишлатилади!

- Жавобнинг ҳар-бир варианты (#) решетка билан ажратиладиган ўзининг изоҳига эга. Изоҳ қатнашмаса, решеткани қўймаса ҳам бўлади. Талабаларга изоҳ жавоб майдонига курсор келтирилганда кўрсатилади.

- «Қисқа жавоб» савол типи учун олдин кўрсатилгандан ташқари, ихтиёрий жавоблар учун изоҳларни кўрсатиш мумкин. Бунинг учун жавобнинг охириги варианты сифатида (\*) юлдузча белгиси ишлатилади.

- Киритиладиган интернет-манзиллар автоматик равишда [www.moodle.org](http://www.moodle.org) гиперҳаволаларга, смайликлар :- ) эса – тасвирга ўзгартирилади.

### Мос келувчи саволлар

Ўрнини алмаштириш параметри – байроқчани ўрнатиш бу саволдаги алоҳида саволлар тасодифий тартибда келишини таъминлайди. Жавобларнинг тасодифий тартиби ҳам тестни соzлашда қўшилган бўлиши зарур (Саволлардаги мос жавоблар вариантлари ҳар доим тасодифий равишда жойлашади ва тестни соzлашга боғлиқ бўлмайди).

Саволлар вариантлари (жавоблар вариантлари эмас!) сифатида матндан ташқари формулалар ва тасвирлар ишлатилиши мумкин. Бунинг учун HTML-теглар кўринишидаги тасвирларга ҳаволалар қўйилади:

<img

src=[http://www.ksame.kharkov.ua/moodle/file.php/58/formuly\\_dlja\\_testov/4.1.GIF](http://www.ksame.kharkov.ua/moodle/file.php/58/formuly_dlja_testov/4.1.GIF)>. Бу ҳақда тўлиқ 7.9. Тестда формула ва тасвирларни ишлатиш бўлимига қаранг.

Жавоблар вариантларини киритишда битта хусусиятни ҳисобга олинг. Уларни киритиш майдони HTML-форматлашни қўлламайди ва киритилган матн ҳар доим БИТТА ҚАТОРДА жойлашади. Киритилган матннинг узунлигидан у браузер ойнаси энига жойлашмайди ва саҳифада айлананинг горизонтал йўли ҳосил бўлади. Шунинг учун талаба саволга жавоб беришда тушувчи рўйхатни бошқарувчи стрелкага етгунча саҳифани ўнгга айлантиришга мажбур бўлади. Шу сабабли у бир вақтнинг ўзиде саволлар вариантлари ва унга мос жавобларни кўра олмайди! Агар жавоблар матнини қисқартириш имкони бўлмаса, у ҳолда саволлар билан жавобларнинг жойини ўзгартиринг (бунда узун матнлар автоматик равишда бир нечта қаторларга жойлашади).

### Қисқа жавоб

Жавобнинг регистрга таъсирчанлиги – параметр бош ва кичик ҳарфлар бир-биридан фарқланишини, яъни регистр жавоб учун муҳим ўрин тутиши мумкинлиги аниқлайди. Охириги ҳолда «Киев» ва «киев» жавоблари тўғри деб топилган эди.

Битта тўғри жавоб бўлганда унинг баҳоси 100 %га мос бўлиши керак. Бошқа вариантларни тўлдириш шарт эмас.

Тўғри жавоб сон ҳам бўлиши мумкин, яъни бу ерда саволга тўғри жавоблар сифатида «24» ва «ийигирма тўрт» вариантлари тегишли эканлиги ҳисобга олинган.

Қисқа жавоб типли саволларни яратишда саволлар оддий тартибда киритилади. Чунки бу ерда талаба жавобларнинг мумкин бўлган вариантларини кўрмайди ва мавжуд вариантлардан бирини танламайди, балки ўзи жавобни киритиши керак. Ҳар доим талабалар томонидан киритилган тўғри жавоб синонимларини, бошқа тугалланмали, бошқа келишкли ва шунга ўхшаш тўғри жавобни ёзиш имконияти борлигини ҳисобга олинг.

Сиз (\*) «юлдузча» белгисини белгиларнинг ихтиёрий кетмакетлиги ўрнини эгаллайдиган шаблон сифатида ишлатишингиз мумкин. Масалан, адаш\*моқ «адаш»дан бошланиб, «моқ» билан тугайдиган (адашмоқ, адаштирилмоқ, адаштирмоқ) ихтиёрий сўз ёки жумлага мос келиши мумкин. Юлдузчани сўз охирида турли

тугалланмаларни ишлатиш имкониятини кўрсатиш учун ишлатиш бирмунча қулай (адвокат\*). Юлдузча ишлатилмаса, жавоблар ҳарф-ма-ҳарф таққосланади. Орфографияга эътибор беринг!

Тўғри жавоблар сифатида бир нечта сўз синонимлар киритилса, уларнинг ҳар бири учун турли баҳоларни қўйиш мумкин.

---

### Мос келувчи тасодифий савол

Муқаддимадан кейин талабага бир нечта саволлар ва унга мос жавоблар сони берилади. Саволларнинг ҳар бири учун фақат битта жавоб тўғри ҳисобланади.

Талаба ҳар бир савол учун мос жавобни танлаши керак.

Ҳар бир савол автоматик равишда бир хил оғирликка эга бўлади.

Берилган типнинг «Мос келувчи савол» типидан фарқи, бу ерда саволлар берилган категориядаги «Қисқа жавоб» савол типини тўп-лампидан тасодифий равишда танланади. Ҳар бир тест ўтказишда турли саволлар танланади. Саволлар сонини Танланадиган саволлар сони параметри қиймати билан тартибга солиш мумкин.

Битта тестда битта савол бир неча марта ишлатилиши мумкин эмас!

Шунинг учун берилган категорияда Танланадиган саволлар сони параметри билан берилган Қисқа жавоб типидagi саволлар сонининг минимуми қатнашиши керак!

Агар Қисқа жавоб типидagi саволларнинг бир қисми шу тестда мустақил саволлар сифатида ишлатилаётган бўлса, у ҳолда Мос келувчи тасодифий савол тестида ишлатиш учун берилган категориядаги Қисқа жавоб саволларининг сонини Қисқа жавоб тестида ишлатиладиган мустақил саволлар сонига ошириш керак.

Тасодифий саволни ишлатишда берилган категориянинг барча мос келувчи саволлари билимларнинг берилган соҳасига тегишли бўлиши керак. Акс ҳолда талабага мосликни танлаш осон бўлади.

### Тавсиф

Бу тип савол ҳисобланмайди.

У бажарадиган иш — жавоблар талаб этмайдиган қандайдир матнни тасвирлаш. Матн остида тасвирга эга бўлиши мумкин.

Тавсифни кейинги гуруҳ саволларини тасвирлаш учун ишлатиш мумкин.

Умумий тақриз ишлатилиши мумкин, аммо у фақат кўриш саҳифасида тасвирланади. «Савол» таркиби тест ўтказилаётганда ҳам, кўриш саҳифасида ҳам тасвирланади.

Тавсифда талабаларга савол берманг, улар жавоб бера олишмайди!

### Эссе

Бу саволга (тасвирни ҳам кўшиш мумкин бўлган) жавобни талаба ёзма киритиши керак. Эссе саволини яратишда 3 та майдонни тўлдириш зарур: савол номи, савол матни ва бир вақтда тасвирланадиган умумий изоҳ.

Эссе саволи – бу ўқитувчи томонидан қўлда баҳоланадиган ягона савол типи ҳисобланади.

Эссе саволларига берилган жавоблар уларни ўқитувчи кўриб чиққандан кейин баҳоланади; ўқитувчи тақриз қолдириши ва талаба ёзган эссени баҳолаши мумкин.

Одатда, талаба RichText HTML-муҳаррирни ишлатиб, жавобни киритиши мумкин. Бироқ, агар саҳифада биттадан кўп эссе бўлса, у ҳолда RichText муҳаррирни фақат биринчи савол учун ишлатиш мумкин бўлади.

### Тасодифий савол

Бу берилган категориядаги мавжуд саволларни тестга кўшиш учун тасодифий равишда танлашга рухсат берадиган воситадир. Тасодифий савол ўзининг ўқув ахборотига эга эмас, у фақат бу категориянинг бошқа саволларига ҳаволага эга бўлади.

Сиз тасодифий саволни тестга жойлашгирсангиз, у ҳолда ҳар бир тестни ўтказишда унинг жойига берилган категориядан тасодифий равишда танланган қандайдир савол кўйилади.

Битта тестда битта савол бир неча марта ишлатилиши мумкин эмас!

Шунинг учун категория тестга қўшилмаган «ортиқча» саволлардан иборат бўлиши керак.

Танланган савол учун максимал баҳо Тасодифий саволга ўрнатилган каби бўлади.

Агар 10 та тасодифий саволдан иборат тест яратсангиз, у ҳолда ҳар бир талаба тестдан ўтишнинг ҳар бир уринишида 10 та саволдан турли тўпламларни олади (берилган категориядаги утарлича «эркин» саволлар сонидан).

Эсда тутинг, агар тестга қандайдир аниқ саволлар кўшилишини истасангиз, сиз тасодифий ва тасодифий бўлмаган саволларни бир вақтда ишлатишингиз мумкин. Бунинг учун тасодифий саволларни алоҳида қисмий категория сифатида белгилаш керак.

### 7.6.2. Word муҳарририда тест саволларини яратиш

Агар гап ўхшаш ёки бир типли саволларнинг катта сони ҳақида бўлса, тест саволларини яратишда Word муҳаррири ишни бирмунча энгиллаштиради, чунки Word саволдан алмаштириш буферига нусха олиши, кейин эса керакли ўзгартиришларни осон киритиб, уни бир неча марта керакли жойга қўйиши мумкин.

Саволни Интернетга боғланмаган компьютерда териш мумкин. Word нинг яна бир ютуғи у орфографияни ҳам текширади.

Саволларни яратишнинг бу усулини қўллаш учун қуйидагиларни бажариш керак:

1. Mikko Rusama томонидан ишлаб чиқарилган махсус шаблон асосида Word файлини яратиш.
2. Бу файлда тест саволларини яратиш ва уни GIFT форматида ўтказиш.
3. Курсга GIFT форматидаги файлдан саволларни олиш.

#### Шаблон файлини юклаш ва очиш

Шаблон файлини ([http://moodle.org/file.php/25/files/Moodle\\_v09\\_FullRussian.dot](http://moodle.org/file.php/25/files/Moodle_v09_FullRussian.dot)) moodle.org сайтидан юклаш мумкин.

Шаблон файлини ўзингизнинг локал компютерингизги сақланг. Уни барча Word шаблонлари сақланаётган жойда сақлаш яхшироқ (жимлик қондасига кўра бу папка **C:\Documents and Settings\Фойдаланувчи исми\Application Data\Microsoft\Шаблонлар** номига эга). Бу ҳолдан сиз шу шаблон асосида, **Файл > Яратиш > Менинг компютеримдаги шаблонлар > Moodle\_v09\_FullRussian** менюдан файллар яратишингиз мумкин. Агар шаблонни бошқа файлга ёзсангиз, у ҳолда уни бошқа файл сифатида очишингиз мумкин.

Бироқ бу шаблонни қаерга ёзишингиздан қатъи назар Word да хавфсизликнинг юқори даражаси ўрнатилмаганлигига ишонч ҳосил қилинг, акс ҳолда бу шаблоннинг макрослари ўчик бўлади ва шаблон биронта вазифани бажармайди.

Шундай қилиб, **Сервис > Макрос > Хавфсизлик > Ўртача > ОК** менюсини танлаш керак.

Хавфсизликнинг ўртача даражаси макрослардан иборат файллар очилганда, фойдаланувчига мос оғоҳлантиришлар чиқарилишини билдиради, чунки макрослар – дастурлар бўлиб, уларнинг орасида вируслар ҳам бўлиши мумкин. Агар фойдаланувчи ишонмаса, у макросларни ўчириш имкониятига эга.

Бу шаблон файлидаги макрослар фойдали ва бу файлни очишда **Макрослар бекитилмасин** тугмасини босиш керак.

### **Шаблондан фойдаланиб, саволни киритиш**

Moodle\_v09\_FullRussian.dot шаблон файлини очиб, тест саволларига келтирилган намуналарни кўрасиз. Улар бу шаблонда саволлар қандай кўринишда бўлишини тасвирлаш учун келтирилган, холос. Намуналар билан танишгандан кейин, уларни ўчириб, ўзингизнинг саволларингизни киритишингиз мумкин.

Янги савол киритиш учун Саволлар рўйхат-менюсини очинг ва ундан қуйидаги саволларнинг олтита типидан бирини танланг:

**1. Альтернатив (Тўғри/Нотўғри).** Бу ерда сиз талабалар тўғри ёки нотўғри деб танийдиган, Тўғри ёки Нотўғри деб жавоб берадиган фикрни киритишингиз мумкин. Қулайлик учун бу ерда ва қуйида кўриладиган савол типлари тўғри жавоблар яшил, нотўғри жавоблар қизил ранг билан кўрсатилади.

**2. Мос ҳолда.** Саволни киритгандан кейин иккита рўйхатни ташкил этишингиз керак: чап ва ўнг (масалан, давлатлар рўйхати ва уларнинг пойтахтларининг рўйхати). Чап рўйхат кул ранг билан, ўнг рўйхат сариқ ранг билан белгиланади. Талабалар иккита рўйхатдаги элементлар орасидаги мосликни тўғри ўрнатиши керак. Рўйхатлар учдан кам бўлмаган элементлардан иборат бўлиши керак. Рўйхатни киритишда бир элементдан бошқасига ўтиш Enter тугмаси билан амалга оширилади.

**3. Сон билан ифодаланадиган савол.** Савол матнини киритишда Enter тугмасини босинг ва жавобни сон шаклида киритинг. Соннинг бутун қисмини ўнлик қасрдан, вергул билан эмас, нуқта билан ажратиш керак.

**4. Қисқа жавоб.** Савол матнини киритишда Enter тугмасини босинг ва жавобни киритинг. Агар жавоблар

бир нечта бўлса, уларнинг ҳар бири алоҳида қаторга киритилади. Жавоблар тўғри бўлгани ҳолда, нотўғри ҳам бўлиши мумкин. Жавобни тўғридан нотўғрига ўтказиш ва уни акси Чин/Ёлғон жавоб тугмаси ёрдамида бажарилади.

**5. Кўп учрайдиган танлаш.** Бу савол битта жавоб каби, бир нечта жавобларга ҳам рухсат беради. Аввал савол матнини, кейин унга жавобни киритишингиз керак. Жавобни тўғридан нотўғрига ўтказиш ва уни акси Чин/Ёлғон жавоб тугмаси ёрдамида бажарилади. Агар тўғри жавоблар бир нечта бўлса, у ҳолда унинг оғирлигини киритишингиз керак: ҳар бир тўғри жавоб учун мусбат ва ҳар бир нотўғри жавоб учун манфий. Коэффициентларни киритиш учун курсорни савол матнидан иборат қаторга қўйинг ва Оғирликни кўрсатинг тугмасини босинг. Сизга тузатишингиз керак бўлган сонли қийматлар тўплами берилади, бироқ талаба баҳоси унинг барча жавоблари коэффициентларини қўшиш йўли билан ҳисобланганлиги учун мусбат коэффициентлар йиғиндиси ҳар доим 100 % бўлиши керак. Агар оғирлик коэффициентларини ўчирмоқчи бўлсангиз, Оғирликни олиб ташланг тугмасини ишлатинг.

**6. Ташлаб юборилган сўз билан –** бу қисқа жавобли савол варианты. Ўқитувчи қандайдир жумлани киритиши, кейин унда битта сўзни белгилаши ва Саволлар менюсидан Ўтказиш бўлагини танлаши керак. Натижада берилган сўз ўрнига талабалар экранда қуйи чизиқча белгисини кўрадилар ва уларнинг вазифаси жумладаги тушириб қолдирилган сўзни топиш ҳисобланади.

3, 4 ва 5 типли саволларга берилган жавобларнинг ҳар бир вариантга ўқитувчи талабага жавобнинг вариантини танлаганида кўринадиган изоҳини киритиш имкониятига эга. Изоҳ киритиш учун керакли жавоб сатрига курсорни олиб келинг ва Изоҳ тугмасини босинг.

**Word да яратилган саволларни экспорт қилиш**

Саволларни экспорт қилишдан олдин уларнинг тўғрилигини яна бир бор текшириб кўриш керак, хусусан: ҳар бир жавоб ва-



риантлари олдида айлана борлигини, тўғри ва нотўғри жавоблар керакли ранг билан берилганлигини, ўқитувчи изоҳи, мос тушишлар рўйхати ва шунга ўхшаш. Бунинг учун саволларда ишлатилган стиллар ҳам муҳим бўлади. Бу стилларни кўриш учун Сервис > Параметрлар > Кўриниш менюни танланг ва стиллар чизигининг эни майдонида нолдан фарқли қиймат ўрнатинг, масалан – 2 см.

Текширишни тугатиб, яратилган файлни сақланг (сиз яна қандайдир ўзгартиришлар киритмоқчидирсиз), кейин эса Саволлар менюсидан Экспорт қилиш бўлагини белгиланг. Натихада бу саволларнинг GIFT форматидаги тавсифидан иборат файл яратилади. Бу файлни дискда сақлаш, кейин Moodle га олиш мумкин.

### 7.7. Саволларни экспорт қилиш

Moodle тест саволларини категориялари билан биргаликда матнли файлга экспорт қилишни таъминлайди.

Тест саволларини файлга экспорт қилиш саҳифасини бир неча усуллар билан очиш мумкин:

■ **Бошқариш** блокада Саволлар ҳаволасини босиш (Курени бошқариш бобидаги 8.9. Саволлар бўлимига қаранг) ва Экспорт вкладкасини танлаш.

■ **Курс элементлари** блокада Тестлар ҳаволасини босиш, очилган саҳифада Саволларни таҳрирлаш тугмасини босиш ва Экспорт вкладкасини танлаш.

Категориялар Import Export

Саволларни экспорт қилиш

**Fayl formati**

GIFT formati  
 IMS QTI 2.0 formati  
 Moodle XML formati  
 XHTML formati

**Asosiyalar (Umumiy)**

Kategoriya nomi

Kategoriyanl faylga yozing  Kontekstnl faylga yozing

Fayl nomi

Саволларни экспорт қилиш

Матнли файлга саволларни бир нечта форматларда экспорт қилиш мумкин.

**GIFT** – матнли файлга саволларни экспорт қилиш учун жуда мос келадиган формат. У ўқитувчилар томонидан саволлар яратишни енгиллаштириш учун ишлаб чиқилган.

**GIFT** кўп учрайдиган танлаш, альтернатив (тўғри/нотўғри), қисқа-жавоб, мос-келувчи саволлар, эссе, тавсиф, сон билан ифодаланган саволлар ва ташлаб юборилган сўзли саволларни қўллайди. Турли типдаги саволлар битта файлга жойлаштирилиши мумкин, формат яна саволлар номини, жавоб вариантларига изоҳларни, тақриз ва фоизли баҳолашни қўллайди.

**GIFT** ҳисобланадиган саволларни, тасодифий саволларни ва ичма-ич жойлашган саволларни қўлламайди!

**GIFT** формати ҳақида тўлиқ «**GIFT**» форматдаги тест саволлари иловасида ўқийсиз.

Баъзи импорт қилиш форматлари (**GIFT** ва **XML**) файлга категория номини киритишга руҳсат беради, у импорт қилишда яратилади. **Файлга** қўшиладиган бу маълумотлар учун мос майдон белгиланиши керак.

Исталган тест учун **Экспорт** закладкасини танланг, категория номи, исталган формат, файл номини кўрсатинг ва экспорт қилишни бажаринг.

Матнли файл **UTF-8** кодида сақланиши керак!

Олинган файлни мижознинг локал машинасига юклаш ва кейин уни олиб, бошқа тизимга ўтказиш мумкин.

## 7.8. Саволларни импорт қилиш

**Moodle** тест саволларини категориялари билан биргаликда матнли файлдан тест саволлари банкига импорт қилишни таъминлайди.

Тест саволларини файлдан импорт қилиш саҳифасини бир неча усуллар ёрдамида очиш мумкин:

■ **Бошқариш** блокида **Саволлар** ҳаволасини босиш (**Курсни бошқариш** бобидаги **8.9. Саволлар бўлимига қаранг**) ва **Импорт** вкладкасини танлаш.

■ **Курс элементлари** блокида **Тестлар** ҳаволасини босиш, очилган саҳифада **Саволларни таҳрирлаш** тугмасини босиш ва **Импорт** вкладкасини танлаш.

Очилган шаклдан майдонларнинг зарур қийматларини танла-  
шингиз керак:

Fayldan savollar importi

Fayl formati

- Aiken formati
- Blackboard(Doska) formati
- Blackboard V6+
- Format - o'tkazib yuborilgan so'z
- GIFT formati
- Hot Potatoes Formati
- Kiritilgan Javoblar
- Kurs sinovini boshqarish formati
- Learnwise formati
- Moodle XML formati
- Tekshirib ko'rish
- WebCT-format

Asosiyilar (Umumiy)

Kategoriya nomi

**Категория номи:** саволлар импорт қилинадиган категорияни танлаш учун тушувчи рўйхат ишлатилади.

Баъзи импорт қилинадиган форматлар (GIFT ва XML) импорт қилинадиган файлнинг ўзида категорияни аниқлашга рухсат беради. Бу ишлаши учун «файлдан» майдони белгиланиши керак. Агар бу қилинмаган бўлса, у ҳолда саволлар файлда ихтиёрий буйруқларга боғлиқ бўлмаган ҳолда танланган категорияга киради.

Агар импорт қилинадиган файлда аниқланган категория бўлмаса, у ҳолда улар яратилади.

**Файл формати:** тавсия этиладиган формат – GIFT.

**Баҳоларни таққослаш:**

Саволларни импорт қилишда уларнинг баҳоси 100 %дан 0 % ораликда аниқланган рўйхатдаги қийматлари билан мос келиши керак.

Бунинг учун майдонда иккита қиймат бўлади. Улар импорт қилинадиган қийматларнинг рўйхатдаги қийматлар билан мос келмаслик ҳолатини аниқлайди:

- Баҳо рўйхатда бўлмаганлигидан келиб чиққан хато.

Агар савол рўйхатда мавжуд бўлмаган баҳолардан иборат бўлса, у ҳолда хато келиб чиқади ва бу савол импорт қилинмайди.

• Баҳонинг яқинлаштирилган қиймати.

Агар савол рўйхатда мавжуд бўлмаган баҳолардан иборат бўлса, у ҳолда улар рўйхатдаги қийматларга яқинлаштирилган қийматларни автоматик равишда олади.

Эслатма: импортнинг баъзи форматлари ёзувни бевосита маълумотлар базасида амалга оширишади ва шунинг учун бу текширувдан ўтмас ҳам бўлади.

**Хато келиб чиққанда тўхташ:**

Саволлар икки босқичда импорт қилинади. Аввал импорт қилинадиган файлнинг тўғрилиги текширилади. Кейин маълумотлар базасига ёзув юборилади. Агар бу параметр танланган (тавсия этилган қиймат) бўлса ва синтаксис таҳлилда хато топилган бўлса, у ҳолда маълумотлар базасига ёзув ўтказилмайди.

Агар бу бўлак ёқилмаган бўлса, у ҳолда ихтиёрий мумкин бўлган ёзувларни маълумотлар базасига ёзиш мумкин.

Агар импорт қилинадиган файлни локал компьютердан юклаш керак бўлса, у ҳолда **Обзорни** босинг, керакли файлни танланг ва **Жўнатиш** тугмасини босинг.

Агар импорт қилинадиган файл курс файлларида (жимлик қондасига кўра – backupdata/quiz папкасида) мавжуд бўлса, у ҳолда **Танлаш файл...** ни ва ундан кейин **Файлдан импорт қилиш...** ни босинг.

**7.9. Тестда формула ва тасвирларни ишлатиш**

Саволни яратишда савол матнида тасвирни ишлатишда ҳаволани кўрсатишингиз керак.

Бунинг учун **Кўрсатиш учун** раем рўйхатидан керакли тасвирни танланг. Тасвирлар курснинг файлли директориясига олдиндан юкланган бўлиши керак!

Тасвирни нафақат савол матнига, балки жавоблар майдонига кўйиш мумкин. Бундай тестга мисол:

Формулаларни ҳам раем кўринишида кўйиш мумкин:

$$v = \frac{ds}{dt}$$

$$\bar{v} = \frac{d\bar{f}}{dt}$$

$$\vec{v} = \frac{ds}{dt} \vec{i} + \frac{dv}{dt} \vec{j} + \frac{dz}{dt} \vec{k}$$


Бунинг учун:

1. MS Word да Microsoft Equation формулаларнинг қурилган муҳаррири ёрдамида формулаларни терамиз (жимлик қондасига кўра ўрнатилмайди, қўлда ўрнатиш керак). MathType формулалар муҳарририни ҳам ишла-тиш мумкин.

2. Хужжатни веб-саҳифа каби сақлаймиз (\*.html). Бундан эса \*.html файли ва қўшимча тасвирлар жойла-шадиган \*.files номли папка ҳосил бўлади.

3. \*.files папкасини очамиз ва тасвири файллари GIF форматига ўзгартирамиз (жимлик қондасига кўра улар image001.gif, image002.gif ва шунга ўхшаш ном-ланади). Уларни савол№жавоб№ исми билан сақлаш қулай (масалан, 3.2.gif файли – бу тестнинг учинчи са-волига иккинчи жавоб).

4. Курснинг файли директориясига **Бошқариш** блокадаги **Файллар** ҳаволасини босиб ўтамиз.



5. У ерда расмлар учун янги папка очамиз ва барча формулалар тасвирини шу папкага юклаймиз:

папка yaratish:

rasm

Yaratish

Bekor qilish

6. Тестга саволлар яратамиз. Майдонга жавоб вариантларини киритишда <img> HTML-теги билан тасвирга куйидаги кўринишдаги абсолют ҳаволани кўямиз:

```
<img
```

```
src=
```

```
http://www.etuit.uz/moodle/file.php/58/formuly\_dlja\_testov/4.1.GIF>
```

қаерда 58 – курснинг ID номери;

formuly\_dlja\_testov – формула расмлари учун папка;

4.1.GIF – тестнинг 4-саволига 1-жавоб формуласи.

Курснинг ID номерини ТАТУ виртуал тизими сайтида териб, браузернинг манзиллар сатрида кўриш мумкин.


Тасвирга абсолют ҳаволадан файл исмига сичқончанинг ўнг тугмасини босиб ва менюдан **Ҳаволадан нусха олибни** танлаб, нусха олиш мумкин. Кейин уни Блокнотга кўйиш мумкин.

Аввал блокнотда барча ҳаволалардан нусха олиш, кейин эса мос саволларнинг майдонларига уларни кўйиш керак, бунда «Ctrl-C - Ctrl-V» тугмалар комбинациясини ишлатиш мумкин.

## 7.10. Тест натижалари

Тест натижаларини кўриш учун ўқитувчи тест номига босади, кейин эса **Натижалар** вкладкасини танлайди.

Бундан тўртта ҳавола пайдо бўлади:



- **Кўздан кечриш** – тестдан ўтказилган талабаларнинг натижаларини кўриш учун хизмат қилади.

- **Қайта баҳолаш** – агар тест параметрларига талабалар тест топшириб бўлгандан кейин ўзгартиришлар

киритган бўлса, ўқитувчи тестга ошириб баҳо кўйиши мумкин.

- **Кўлбола баҳолаш** – ўқитувчи шахсан ўзи тест саволларига жавобларни баҳолаши лозим бўлган ҳолларда ишлатилади (Эссе типли жавобларда).

- **Саволлар таҳлили** – ўқитувчига тест саволларини таҳлил этишга ва ҳар бир тест саволини ечган, яъни фаннинг мос бўлимларини ўзлаштирган талабаларнинг фоизини аниқлашга рухсат беради.

### Талабалар баҳосини кўздан кечириш



Кўриш вкладкасида ҳар бир талабанинг ихтиёрий уриниши ҳақидаги барча керакли ахборотларни кўриш мумкин.

(	Y	Natijalar	Y	Ko'nb chiqish	Y	Tahrir qilish
		Ko'zdan kechirish		Qayta baholash		Qo'lbo'la baholash
						Savollar tahlii

Barcha kurs baholarini ko'rish

Urinishlar: 7

graded and ungraded attempts for each user. The one attempt for each user that is graded is highlighted. The grading method for this quiz is **End Yuqori Bahò**.

	Ism / Familiya	Test boshlandi	Yakunlandi	Sarflangan vaqt	Baho/7	#1	#2	#3	#4	#5	#6	#7
<input type="checkbox"/>	 Gulmira Jandarovna Tulenova	10 December 2011, 03:25 AM	10 December 2011, 03:26 AM	31 soniya	<b>100%</b>	1/1	0/1	0/1	0/1	0/1	0/1	0/1
<input type="checkbox"/>	 Shahnoza Matchanova	13 December 2011, 01:14 AM	13 December 2011, 01:15 AM	1 min 6 soniya	<b>100%</b>	1/1	1/1	1/1	0/1	0/1	1/1	1/1

Жадвал остида талабаларни гуруҳлар бўйича ажратиш воситаси бор (агар берилган курсда гуруҳлар бўйича ажратиш кўзда тутилган бўлса). Рўйхатни фамилиянинг аниқ ҳарфидан бошлаб кўриш мумкин, бу функция бизнинг алифбомиз учун саралаш функцияси каби ҳар доим аниқ ишламайди.

Берилган жадвалларни қийматлари бўйича ихтиёрий устунда саралаш мумкин:

- талабанинг фамилияси ва исми;
- уринишни бажаришни бошлаш санаси ва вақти;
- унга сарф қилинган вақт;
- йиғилган баллар сони;
- тестнинг ҳар бир саволи учун жавоблар баҳоси.

Бунинг учун мос устун номига босиш керак. Саралашнинг танланган усули мос стрелкалар билан тасвирланади.

Жадвалда кул ранг билан тасвирланадиган маълумотлар ҳавола билан ҳисобланади. Бу ҳаволаларга босиб, қуйидагиларни кўриш мумкин:

- талабанинг шахсий маълумотлари;
- бажарилган ихтиёрий уринишларнинг барча жавоблари;

○ ихтиёрий уринишдаги аниқ саволга жавоб.

Ўқитувчи жадвалнинг ёнига  белгини қўйиб, жадвалнинг кераксиз сатрларини ўчириши ва Танланган рўйхат-менюдан Ўчиришни танлаши керак.

Жадвал остида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: битта саҳифада тасвирланадиган ҳамда ҳар бир саволга баҳоларни тасвирлайдиган уринишлар сони. Ўқитувчи берилган тестни бажармаган талабалар рўйхатини чиқариши мумкин.

Бу параметрлар кучга кириши учун Бошлаш тугмасини босиш керак.

Саҳифада бу жадвалнинг барча параметрларини Excel файлига кўчиришга ёки матнли файлни кейинчалик қайта ишлашга ёки босишга рухсат берадиган тугмалар бор.

### 7.11. Қўлда баҳолаш

Бу усул тестда автоматик баҳолашга имкон бермайдиган саволлар бўладиган ва уларни ўқитувчи қўлда текшириши керак бўлган ҳолларда қўлланилади.

Уларга Эссе типидagi саволларга жавоблар киради.

Қўлда баҳолаш ҳаволасини босгандан кейин баҳолашни талаб этадиган саволлардан иборат жадвал очилади.

Савол номига босиш билан барча баҳоланмаган саволлар келтирилган жадвал очилади.

Очилган саҳифада тест саволини ва талаба жавобини кўрасиз.

Ҳоҳишга кўра талабанинг жавобига ўзингизнинг хулосангизни (изоҳингизни) ёзишингиз мумкин.

Керакли баҳони киритинг ва Сақлаш тугмасини босинг.

### 7.12. Қайта баҳолаш

Қайта баҳолаш ҳаволаси, агар тест параметрларига талабалар тест топшириб бўлгандан кейин, баҳога таъсир этадиган ўзгарти-



ришлар киритилган бўлса, ўқитувчи баҳони қайтадан ҳисоблаши учун ишлатилди.

Масалан, ўқитувчи тест саволларининг биридаги тўғри жавобларда кўрсатилган хатони тузатса, тестнинг максимал баҳосини ёки баъзи саволлар оғирлигини ўзгартирса.

### 7.13. Баҳоларни ошириб қўйиш

Талабаларнинг жавоблари маълумотлар базасида сақланаётган бўлса, ўқитувчи ихтиёрий вақтда **Баҳони ошириб қўйиш** ҳавола-сини босиб, баҳоларни қайта ҳисоблаши мумкин.

Тест саволларига уринишлар рўйхати чиқарилади. Баҳоларни ошириб қўйгандан кейин ўзгартирилган уринишлар гиперҳавола-лар кўринишида тасвирланади. Уларни босиб уринишлар сонини кўриш мумкин.

Шуни эътиборга олиш керакки, кўп сонли талабаларнинг баҳо-ларини қайта ҳисоблаш узоқ давом этиши мумкин.

### 7.14. Тест саволларини таҳлил этиш

Саволларни таҳлил этиш ўқитувчига талабалар фаннинг мос бўлимини қандай ўзлаштирганлигини, тест саволлари сифатини қайта анализ қилишни ва саволларни ечган талабалар фоизини билишга рухсат беради.

	Nabjalar	Ko'rib chiqish	Tahrir qilish
Ko'zdan kechirish	Qayta baholash	Qo'lbo'a baholash	Savollar tahli

Barcha kurs bahola

Саволлар таҳлилі jadvali

V. #	Savol matni	Javob matni	Oraliq baho	Javoblar soni	% javoblar	To'g'ri javoblar	Stand. o'tk.	Indeks. disk.	Koeff. disk.
(2642)	Фактлар ва фикрларни бирор жараёнда узатиш ва қайта ишлаш учун қулай формалашган кўринишда тасвирлаш нима?	маълумотлар (data)	(1.00)	4/7	(57%)	56%	0.522	0.67	0.41

Жадвал куйидаги устунларга эга:

**V # (савол№).** Бу ерда маълумотлар базасига ўтказишда саволга ўзлаштирила-диган ягона номер тасвирланади. Агар уни бос-

сак, у ҳолда шу савол параметрларини таҳрирлаш саҳифаси очилади. Номер остида иккита пиктограмма бор: биттаси савол типини тасвирлайди, иккинчиси шу саволни алоҳида ойнада кўришга рухсат беради.

**Саволнинг номи ва матни.** Яшил ранг билан савол номи, қора билан савол матни тасвирланади. Агар саволда расмлар бўлса, улар ҳам шу жадвалда тасвирланади.

**Жавоб матни.** Бу ерда саволда кўриб чиқилган жавоблар вариантлари ёки талабалар томонидан киритилган жавоблар тасвирланади. Тўғри ва нотўғри жавоблар ранг билан белгиланади.

**Жавоб баҳоси ўқитувчи савол параметрларида қандай аниқлаган бўлса, шундай киритилади.**

**Жавоблар сони.** Бу ерда каср суратида талабалар томонидан нечта уринишдан кейин жавобнинг берилган варианты киритилганлиги, каср маҳражида эса – саволга жавоб бериш учун умумий уринишлар сони кўрсатилади.

**Жавоблар фоизи уринишларнинг неча фоизида талабалар томонидан жавобнинг шу варианты киритилганлигини кўрсатади.**

**Тўғри жавоблар фоизи** шу саволга талабалар томонидан йиғилган баллар йиғиндисининг, талабалар шу саволга ҳар доим тўғри жавоб берганда йиғиши мумкин бўлган баллар йиғиндисига фоизли муносабатини кўрсатади. Бу кўрсаткични яна саволлар осонлиги индекси деб ҳам аташади.

**Стандарт оғиш.** Бу кўрсаткич турли талабаларнинг баҳолари ўзаро қанча фарқланишини баҳолайди. Агар барча талабалар шу саволга жавоб бериб, бир хил баллар сонини йиғса, у ҳолда стандарт оғиш нолга тенг бўлади. Стандарт оғиш баҳолар оғишлари квадратлари йиғиндисидан бу баҳолар сонига бўлинган, уларнинг ўрта қийматларининг квадрат илдизи каби ҳисобланади.

**Дискриминация индекси** – бу тест саволи сифатини характерлайдиган, яъни билими кучли талабаларни билими кучсиз талабалардан фарқлайдиган кўрсаткичдир. Тестнинг барча саволларига берилган жавоблар натижаларига кўра, дискриминация индексларини ҳисоблаш учун талабалар уч гуруҳга бўлинади: кучли, ўртача ва кучсиз талабалар. *i*-чи саволнинг дискриминация индекси учун математик ифода куйидаги кўринишда бўлади:

$$ИД(i) = [X_{\text{кучли}}(i) - X_{\text{кучсиз}}(i)] / N,$$

Қаердаки  $X_{\text{кучли}}(i)$  – *i*-саволга жавоб беришда энг юқори балл

олган, тестда синалаётганлардан учдан бирининг олган баллар касри (тўплаган/максимал)нинг йиғиндиси;

ва  $X_{\text{кучсиз}}(i)$  – тест натижаси бўйича тестда синалаётганлардан учдан бирининг олган балларининг нисбий қийматлари йиғиндиси;

$N$  – синалаётганларнинг умумий сони.

У +1 дан –1 гача диапазонда қийматга эга бўлиши мумкин. Масалан, +1 берилган саволга барча кучли талабалар тўғри, кучсиз талабалар эса нотўғри жавоб берганлигини билдиради. Дискриминация индексининг ноль қиймати берилган савол оғир ва кучсиз талабалар бир хил жавоб берганлигини билдиради.

Агар савол дискриминациянинг манфий индексига эга бўлса, у ҳолда қоидага кўра, уни тестдан ўчириш керак.

Бунинг аксини, яъни кучсиз талабалар кучли талабаларга нисбатан бу саволга яхши жавоб берганлигини қандай изоҳлаш мумкинлиги ҳақидаги саволларни бериш керакми дейман?

**Дискриминация коэффициенти** – бу кучли ва кучсиз талабалар жавоблари солиштирилладиган яна бир бошқа кўрсаткичдир. Дискриминация коэффициенти берилган саволда ва тестда тўпланган баллар йиғиндиси орасидаги корреляция коэффициенти ҳисобланади:

$$\sum(xy)/(N*s_x*s_y),$$

қаердаки  $\sum(xy)$  – берилган савол ва тест учун йиғилган баллар оғишлари кўпайтмасининг йиғиндиси,

$N$  – берилган саволдаги жавоблар сони,

$s_x$  – шу саволдаги йиғилган балларнинг стандарт оғиши,

$s_y$  – тест учун йиғилган балларнинг стандарт оғиши.

Бу кўрсаткич +1 дан –1 гача диапазонда қийматга эга бўлиши мумкин. Мусбат қийматлар бу саволга кучли талабалар яхши жавоб берганлигини, манфий қийматлар эса унга кучсиз талабалар яхши жавоб берганлигини кўрсатиб турибди. Охиргиси таҳлилнинг сабаби бўлиши мумкин.

Яхши тузилган тестларда манфий дискриминация коэффициенти бўлиши мумкин эмас.

Дискриминация коэффициенти дискриминация индексига қараганда аниқроқ натижаларни беради, чунки коэффициентни ҳисоблашда гуруҳнинг барча талабаларининг натижалари ҳисобга олинади.

### **Таҳлил параметрлари**

Тестдан ўтишда қуйидаги параметрлар ёрдамида таҳлилга қандай уринишларни қўйиш кераклигини танлашингиз мумкин:

**Уринишни танлаш.** Эҳтимол, ҳар бир фойдаланувчининг тестдан ўтказишнинг битта уринишини таҳлил этиш керак. Бу уриниш биринчи ёки охириги уриниш ёки энг кўп баллар сони олинган уриниш бўлиши мумкин. Яна барча бажарилган уринишларнинг умумий таҳлилини ўтказиш мумкин.

**Паст баҳоларни ташлаб юбориш.** Баъзан фойдаланувчилар ҳатто барча саволларга тўғри жавоб беришга ҳаракат қилмасдан ҳам тестни шундай кўриб чиқадилар. Натижада бундай синалган уринишлар нолга яқин баҳоланади. Таҳлилга уринишни улаш учун минимал баҳони бериб, таҳлилдан бундай уринишларни олиб ташлаш мумкин. Минимал баҳо тест учун олиш мумкин бўлган максимал баҳолардаги (0–100) фоизларда берилади.

**Саҳифалардаги саволлар.** Бу ерда сиз битта саҳифада нечта саволлар натижалари тасвирланишини кўрсатишингиз мумкин.

Юқорида берилган таҳлил параметрлари **Бошлаш** тугмасини босилгандан кейин ишини бошлайди.

**Жадвалдаги маълумотларни саралаш.** Юқорида ёритилган устунларнинг саҳифалари ҳавола ҳисобланиб, уларни босиш орқали шу устунлардаги маълумотларнинг қийматлари бўйича жадвални саралаш мумкин.

Масалан, % жавоблар бўйича боссак, у ҳолда саволлар тўғри жавоблар фозининг ошиши тартибида жойлашади. Агар бу сарлавҳага яна бир бор боссак, у ҳолда камайиш тартибида жойлашади. Саралашнинг танланган усули мос стрелкалар билан тасвирланади.

Устунларни мос иконкаларини босиб, юқорига чиқариш ва ёйиш мумкин.

Саҳифанинг қуйи қисмида бу жадвалнинг барча параметрларини Excel файлига кўчиришга ёки матнли файлни кейинчалик қайта ишлашга ёки босишга руҳсат берадиган тугмалар бор.

## 8-боб. Курсни бошқариш


### 8.1. Курени тахрирлаш

Администратор томонидан курс яратилганидан ва сизни ўқитувчи қилиб тайинлашганидан кейин, курени ўқув материаллари билан тўлдириш мумкин.

Курсни материаллар билан тўлдириш ва уни ўзгартириш тахрирлаш режиминда бажарилади (Бошқариш блокидаги Тахрирлаш ҳаволаси ёки навигация панелининг чап бурчагидаги Тахрирлаш тугмаси):



ёки



Тахрирлаш режиминда қуйидаги асбобларга (инструментларга) руҳеат берилган:

✎ – Тахрирлаш – тугма ресурс ёки курс элементи тахрирлаш режимига чақиради.

📁 – Ёрдам – тугма ёрдам файлини сузувчи ойнага чақиради.

✎/↵ – Очиш/Яшириш – тугмалар берилган элементни ёки курс ресурсини активлаштиради/активлаштирамайди. Бир вақтнинг ўзида бу тугмалар берилган объект талабага кўринишини кўрсатади. Талабаларнинг объектга киришини ман этиш учун ўқитувчи «очич қўз» – ✎ тугмасини босиши керак.

↔ – «Ўннга жойлаштириш», «Чапга жойлаштириш» тугмалари рўйхатда иерархия ҳосил қилишга рухсат берадиган, берилган объектнинг силжини бажаради.

⌘ – «Алмаштириш» тугмаси объектдан нусха олмасдан, уни берилган курснинг ихтиёрий бошқа жойига кўчиришга рухсат беради. Объект кўчириладиган жой «Шу ерга кўчириш» →  расми билан белгиланади. Сиз объектни бу жойлардан ихтиёрий бирига кўчиришингиз мумкин.

✳ – «Ўчириш» тугмаси берилган объектни қайтмайдиган қилиб, ўчиришга рухсат беради. Бунда «Сиз ҳақиқатдан ҳам шу объектни ўчирмоқчимисиз?» деган саволли хабар пайдо бўлади.

«Гуруҳ йўқ», «Мавжуд гуруҳлар», «Алоҳида гуруҳлар» кабилар курс элементининг гуруҳли режимларини ўзгартиришга рухсат беради.

🔍 – «Лампочка» расми курснинг берилган бўлими жорий эканлигини кўрсатади. Талабага у четларда белгиланган йўллар билан тасвирланади.

□ – Битта тўғрибурчак курс бўлимларининг бутун структураси ёйилганлигини кўрсатади. У босилса барча қолган бўлимлар йиғиштирилади ва иккиланган тўғрибурчак ▣ ҳосил бўлади. Мос ҳолда, у босилса, барча бўлимлар ёйилади.

↓ – «Юқорига жойлаштириш», «Қуйига жойлаштириш» тугмалари бутун бўлим (мавзулар) таркибини курснинг олдинги ёки охириги бўлимига жойлаштиришга рухсат беради;

🔍 – очик кўз, курсга талабалар кириши мумкинлиги кўрсатади;

🔍 – ёпик кўз, курсга талабалар кириши мумкин эмаслигини кўрсатади.

Айнан таҳрирлаш режимда ўзингизнинг курсингизга турли ресурсларни ва актив элементларни қўшишингиз мумкин:

🔍  🔍

Курс ресурслари ва элементлари билан ишлаш 5 Курс ресурслари билан ишлаш ва 6 Курс элементлари бўлимларида тўла ёритилган.

Таҳрирлаш асбоблари (инструментлари) билан Ассистент (таҳрирламайдиган ўқитувчига) ва табиий равишда, талаба ишлаши мумкин эмас.

Одатдаги режимга ўтиш учун Таҳрирлашни тугатиш ҳавола-сини ёки тугмасини босинг.

## 8.2. Moodle роллар

Рол – аниқланган даражаларда (сайт, категория, курс ва ш.ў.) конкрет фойдаланувчилар томонидан белгиланадиган, бутун тизим учун аниқланган рухсатлар (ҳуқуқлар) тўплами.


Сайт даражасида роллар администратор томонидан тайинланади.

Курс ўқитувчиси ўқитувчиларга ролларни ўзининг курси ва унинг таркиби чегарасида тайинлаши мумкин.

Фойдаланувчига ролни тайинлаб, сиз унга ўзининг курс даражаси ва барча «кичикрок» даражалар учун бу ролда мавжуд ҳуқуқларни берасиз.

Масалан, агар сиз курсда фойдаланувчига ассистент ролини берсангиз, у ҳолда у курс учун ҳамда шу курсдаги барча блоклар ва элементлар учун бу ролга эга бўлади. Унинг ҳуқуқлари сайт даражасида белгиланган бошқа ролларга ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Бунинг учун Бошқариш блокидаги Ролларни тайинлаш ҳавола-сини босинг.



ТАТУ виртуал тизими сайтида таҳрирлаш ҳуқуқига эга бўлмаган ва администратор томонидан рухсат этилган ишларни бажарадиган фойдаланувчилар-ўқитувчилар учун ўрнатилган «Ассистент» роли бор.

Ассистент курснинг барча материалларига кириши мумкин, у талабалар бажарган топшириқларни текшириши ва уларни баҳолаши мумкин, аммо у курсни таҳрирлаши мумкин эмас, яъни курснинг ресурслари ва актив элементлари таркибини ўзгартириши мумкин эмас.

Сиз бу ролни кимгадир курс учун ассистент сифатида тайинлашингиз мумкин:

Mahalliy tayin etilgan rollar

Kurs: МББТ da rollarni tayinlash

Rollar	Tayinlash	Foydalanuvchilar
Teacher	Teachers can do anything within a course, including changing the activities and grading students.	1 Fotima Anarbayeva
Non-editing teacher	Non-editing teachers can teach in courses and grade students, but may not alter activities.	0
Student	Students generally have fewer privileges within a course.	0
Guest	Guests have minimal privileges and usually can not enter text anywhere.	0

Kursingizga kirish uchun bosing

Бунинг учун Ассистент ҳаволасини босинг, очилган ойнада курс қатнашчилари рўйхатидан фойдаланувчи(лар)ни танланг ва мос тугмани босинг. Сиз шундай роль билан қатнашчилар рўйхатини ҳар доим ўзгартиришингиз мумкин.

Фойдаланувчига конкрет (алоҳида) ресурс ёки элементда роль тайинлашингиз мумкин, масалан, форумда, фақат конкрет форумда, фойдаланувчига шу роль билан аниқланган ҳуқуқларни берган ҳолда. Бунинг учун ресурснинг ёки элементнинг таҳрирлаш режимида Роллар вкладкасини очинг. Кейинги ишлар курс даражаси учун ролни тайинлашга ўхшаш.

Сиз вақтинча бошқа ролга қўшилишингиз мумкин ва сиз учун курс шу ролли бошқа фойдаланувчилар учун қандай бўлса, худди шундай кўринишда бўлади.

Rolni ...ga o'tkazish ▼

Rolni ...ga o'tkazish ▼

Teacher

Non-editing teacher

Student

Бошқа фойдаланувчилар учун мумкин бўлган роллар сизга ҳам тегишли бўлади.



Ўқитувчи учун бу – ассистент ва талаба роли.

Курсни кўриб бўлгандан кейин курс саҳифасидаги тугмани ёки ихтиёрлий саҳифанинг юқори қисмидаги ҳаволани ишлатиб, сиз яна ўзингизнинг олдинги ролингизга қайтишингиз мумкин.

Fotima Anarbayeva nom bilan kirdingiz: Student  
(Normal rolinga qaytish)



### 8.3. Гуруҳларни бошқариш

Курени ўрнатишда талабаларни гуруҳларга ажратиш лозимми ёки йўқми, шунни аниқлаш керак.

Гуруҳли режим ҳамкорликда ишлашга мўлжалланган алоҳида (гуруҳлар бўйича) ёки умумий курс элементларининг тасарруфидаги ишини аниқлайди, масалан, форумни.

Бундан ташқари, гуруҳ тасарруфи алоҳида гуруҳлар бўйича ҳисоботли ахборотни олишга рухсат беради.

Сиз учта гуруҳли режимдан бирини танлашингиз мумкин:

○ **Гуруҳ йўқ** – талабалар гуруҳларга бўлинмайди, улар битта уюшма ҳисобланади.

○ **Алоҳида гуруҳлар** – талабаларга ўзининг гуруҳи ягона ҳисобланади, бошқа гуруҳларнинг иши уларга кўринмайди.

○ **Мавжуд гуруҳлар** – ҳар бир гуруҳ талабалари ўзининг гуруҳининг чегарасида ишлайди, аммо уларга бошқа гуруҳларнинг иши кўриниб туради.

Гуруҳли режим курснинг барча элементлари учун берилиши мумкин ёки курснинг ҳар бир элементи учун алоҳида тайинланиши мумкин (бу курс элементлари саҳифасидаги таҳрирлаш режимда қилинади).

Бутун курс учун гуруҳли режим – «алоҳида гуруҳларни» мажбурий бериш тавсия этилади.

Ҳозирги вақтда Moodle курс ресурслари учун гуруҳли режимни қўлламайди. Яъни барча очиқ ресурсларга курснинг барча қатнашчилари кириши мумкин.

Бошқариш блокида Гуруҳлар ҳаволасини босиб, гуруҳни ва унинг рўйхатдаги таркибини таҳрирлаш мумкин:

### Boshqarish

- Tahrir qilish
- O'rnatishlar
- Rollarni tayinlash
- Baholar
- Guruhlar

Гуруҳларни таҳрирлаш саҳифасида янги гуруҳларни яратишингиз, гуруҳларнинг аъзолари рўйхатини кўришингиз ёки гуруҳларни ўчиришингиз мумкин.

Диққат! Гуруҳлар ўчирилганда унинг аъзолари курс қатнашчилари рўйхатидан ўчирилмайди.

Гуруҳларга эга созлашларни (қатнашчилар рўйхатини эмас!) таҳрирлаш учун гуруҳлар рўйхати орасидан кераклисини белгилаш ва Гуруҳ созлашларини таҳрирлаш тугмасини босиш керак.

Барча қуйида тасвирланган тугмалар белгиланган гуруҳга мансуб:

Добавить/удалить участников: 2-03 гуруҳ

Участники группы: 1	Возможные участники: 4
<p>Student DO'SMUROD QLICHEV</p>	<p>Teacher Fotima Urazaliyovna Anarbayeva (C Tohir Otkarovich Burxonov (0) Yaxshiboy Yorbekovich Yorbekov (C Student Shukurat Ergashev (0)</p>
<p>Назад к группам</p>	<p>← Qo'shish O'chirish →</p> <p>tlash</p>

Гуруҳга талабани қўшиш. Керакли гуруҳни белгиланг, кейин Қатнашчиларни Қўшиш/Ўчириш тугмасини босинг, мавжуд қатнашчилар орасидан талаба исмини чертинг ва мос стрелка билан тугмани босинг.

Гуруҳдан талабани ўчириш учун унинг исмини қатнашчилар орасидан белгиланг ва мос стрелкани босинг.


Бир вақтда бир нечта талабаларни қўшиш ёки ўчириш учун, исмларни белгилашда клавиатурадан «Ctrl» тугмасини босиб тугринг ва сичқончани босинг.

### 8.3.1. Гуруҳга талабаларни автоматик қўшиш


Moodle курсга рўйхатдан ўтишда талабаларни автоматик тақсимлашга рухсат беради.

Курс курсга ёзилиш учун кодли сўзга эга бўлиши керак.


Бошқариш блокада Гуруҳлар ҳаволасини босинг.



Очилган ойнада Гуруҳни яратиш тугмасини босинг:



Курсда зарур бўлган курслар сонини яратинг ва ҳар бирига гуруҳга рўйхатдан ўтиш учун ягона калит беринг (улар курснинг кодли сўзидан фарқланиши керак!).



Название группы\*

Описание группы

Требует 1 (pt)

Кодовое слово   Maskadan qutilish

Rasmni berkitish Yoq

Новая картинка (Максимальный размер: 100Mбайт)  Обзор

O'zgarishlarni saqlash Bekor qilish

Курсга ёзилиш учун талаба пароль киритиши керак.

Агар талаба аниқ бир гуруҳнинг рўйхатдан ўтиш калит сўзини киритса, у ҳолда у автоматик равишда шу гуруҳнинг қатнашчисига айланади.


Агар талаба курснинг кодли сўзини киритса, у ҳолда у шу курс қатнашчиси бўлади, аммо биронта гуруҳга қўшилмайди.

#### 8.4. Курсдан қўшимча нусха олиш

ТАТУ виртуал таълим тизими сайтида ҳар куни ҳар бир курсдан қўшимча нусха олинади. Курснинг иккита охириги нусхаси курснинг файлли директориясидаги **backupdata** папкасида сақланади.

Сервердаги техник узилишлар вақтида курсларни сақлашни таъминлаш мақсадида сайтда жойлаштирилган ҳар бир курснинг муҳим нусхасини сақлаш учун, курс саҳифаларидан нусха олишни даврий бажарадиган ва уларни локал дискда сақлайдиган курс ўқитувчисига масъулият юклайди.

Курсдан қўшимча нусха олиш учун **Бошқариш** блокадаги **Резерв нусха олиш** ҳаволасини босинг:



Натижада курснинг қайси материалларини, қандай кўринишда: фойдаланувчи маълумотлари биланми ёки уларсиз сақлаш кераклигини кўрсатувчи шакл (форма) очилади: масалан, сиз фақат ишлаб чиқилган тестларни сақлашингиз, ammo шу билан бирга талабалар томонидан бажарилган тест натижаларини ҳам сақлашингиз мумкин.

Нусхаларда сақланаётган элементларнинг рўйхатига тезроқ белгилар қўйиш ёки уларни олиб ташлаш учун **Барчаси/Йўқ** ҳаволасидан фойдаланиш керак.

Фойдаланувчилар; уларнинг давомати («Жарлик» пункти) ва файллар ҳақидаги ахборотларни сақлаш лозим эканлигини аниқланг.

**«Метакурс»** пунктида **«Йўқ»**, **«Курснинг файллари»** пунктида **«Ҳа»** жавобини танланг.

Кейин **Давом эттириш** тугмасини босинг ва сизга нусха деталлари: таклиф этиладиган файл исми ва унинг таркиби билан саҳифа чиқарилади.

Жимлик қондасига кўра, архив файлининг исми zip кенгайтмасига эга ва унинг яратилиши йили, оyi, куни, соати ва минутини билдирадиган рақамларга эга.


**Давом эттириш** тугмасини босгандан кейин архив файл яратилади ва мос хабар чиқарилади.

**Давом эттириш** ҳаволасини босгандан кейин экранда серверда жойлашадиган ва ҳозир яратилган қўшимча нусха олинган файлдан иборат **backupdata** папкасининг таркиби тасвирланади.

Сўнгра сичқончанинг ўнг тугмасини шу файл исмига босинг, контекст менюдан **Сақлаш ссылку как...** ни танланг ва локал компьютерда уни сақламоқчи бўлган жойни кўрсатинг.

## 8.5. Курсни қайта тиклаш

Архив нусхадаги курсни қайта тиклаш учун Бошқариш бло-  
кида Тиклаш ҳаволасини босинг.



Натижада керакли архив файл исми рўпарасида Тиклаш ҳаво-  
ласи босилганда, **backupdata** папкаси очилади.

Агар керакли файл серверда бўлмаса, сиз уни **Файлни сервер-  
га юклаш** тугмасидан фойдаланиб, локал компьютердан юклашин-  
гиз мумкин.

Агар архив нусха ўлчами 8 Мб дан ошса, уни сайтга веб-интер-  
фейс орқали юклаш мумкин эмас. Бу ҳолда сайт администраторига  
учранг.

Кейин курсни қайта тиклаш ниятингиз борлигини тасдиқланг.  
Кейин эса Давом эттириш тугмасини босиш керак бўлган файл  
таркиби чиқарилади.

Натижада қўшимча нусха олиш яратиш вақтида тўлдирган  
шаклга ўхшаш шакл очилади.

**Қайта тиклаш** параметрининг юқори қисмидаги вариант-  
лардан бирини танлайсиз:


- **Мавжуд курс, олдиндан ўчириш (тавсия эти-  
ладиган режим)** – агар курснинг жорий маълумотла-  
рини қўшимча нусхадаги маълумотлар билан алмаш-  
тирмоқчи бўлсангиз;
- **Мавжуд курс, маълумотларни қўшиш** – агар  
қўшимча нусхадаги маълумотларни курснинг жорий  
маълумотларига қўшмоқчи бўлсангиз;
- **Янги курс, агар янги курс яратмоқчи ва уни шу  
қўшимча нусхадаги маълумотлар билан тўлдирмоқчи  
бўлсангиз.** (Бу бўлакка сайтда янги курс яратиши  
мумкин бўлганларга рухсат берилган).

Куйида қайта тикланган курсда ишлатишингиз мумкин бўлган маълумоларни галочкалар билан белгилашингиз мумкин. Кейин кетма-кет очиладиган ойналарда Давом эттириш, Шу курсни қайта тиклаш тугмаларини ва яна Давом эттириш тугмасини бошиш керак.

### 8.6. Маълумотларни импорт қилиш


Курсга бошқа курслардан маълумотларни олиш учун бу курсларнинг архив нусхаларини қилиш шарт эмас.

Бошқариш блокидаги Импорт ҳаволасидан фойдаланиш мумкин.



Сизга ўзингиз ўқитувчи ҳисобланадиган курслар рўйхати берилди.

Бу рўйхатдан курсни танланг ва Бу курсни қўлланг тугмасини босинг:



Очилган саҳифада импорт қилинадиган машғулотлар кўринишини галочкалар билан белгилаш ҳамда берилган курснинг файл-


ларини ҳам импорт қилиш лозимми, шунини аниқлаш керак. Сўнгра Давом эттириш тугмасини босиш керак.

Сизга импорт қилиниши керак бўлган ресурслар, машғулотлар ва файлларнинг типини ва сони ҳақидаги ахборот чиқарилади. Агар рози бўлсангиз, у ҳолда шу ва кейинги хабарлар ойнасида Давом эттириш тугмасини босинг.

## 8.7. Курсни тозалаш

Баъзан, масалан, ўқув йили тугагандан кейин курсни эскирган маълумотлардан (рўйхатдан ўтган талабалар рўйхати, группалар ҳақидаги хабарлар, фойдаланувчининг фаоллиги ҳақидаги жарлар (логлар), топшириқни бажарган талабаларни баҳолаш, тест натижалари, форумлардаги хабарлар ва шунга ўхшаш) тозалаш вазияти юзага келади.

Бунинг учун Бошқариш блокида Тозалаш (дастлабки ҳолатга қайтиш) ҳаволасини босинг.



Очилган шакл курсни фойдаланувчи маълумотларидан халос қилишга рухсат беради.

Ресурслар, курс элементлари ва унинг созилашлари бунда тўлиқ сақланиб қолинади.

Курсда ўчирилиши керак бўлган барча жойларни галочкалар билан белгиланг ва Курсни тозалаш тугмасини босинг.

**Диққат!** Элементларни танлаш ва саҳифани янгилаш курсдаги белгиланган фойдаланувчи маълумотларини қайтмайдиган қилиб, ўчиради.




## 8.8. Ҳисоботлар


Тизим ҳар доим фойдаланувчилар фаоллигини кузатади ва курени ўрганишда уларнинг қатнашчилари ҳақидаги ҳисоботларни тузади.

Сиз қайси талабалар, қайси кун, курснинг у ёки бу материалини қанча кўп ишлатганлигини кўришингиз мумкин.

Бунинг учун **Бошқариш** блокида **Ҳисоботлар** ҳаволасини босинг:



Очилган ойнадан қизиқтирган ҳисоботларни ёки курснинг иш фаолиятини танлашингиз мумкин:



Қизиқтирувчи барча ҳисоботларни танланг:

Очилган рўйхатдан қизиқтирувчи ахборотга мос қийматни танланг ва **Бу** ҳисоботларни олиш тугмасини босинг.

Бу ҳисоботларни кўриш ёки уларни керакли форматда (Excel, ODS-OpenOffice, матнли) локал компьютерларда сақлаш мумкин.

### **Курсдаги фаолияти:**

**Курс элементи** – сиз жавобини олмоқчи бўлган курс элементи танлайди (Чат, Форум, Тест ва шунга ўхшаш) ёдда тутинг, тушувчи меню рўйхатида фақат курсда ишлатиладиган элементлар берилади.

**Даври** – сиз жавобини олмоқчи бўлган вақтни танлайди.

— **Фақат кўрсатиш** — талабалар ва ўқитувчилар фаолиятига нисбатан хабарларни кўрсатишни танлайди.

**Фаолиятни кўрсатиш** – қайси фаолиятларни таҳлил қилмоқчи эканлигингизни танлайди (пассив – «Кўриш», актив – «Жўнатиш») ёки иккала фаолият «Барча фаолиятлар»), масалан,

**Форумни кўриш:** хабарларни кўриш, излаш, форумлар рўйхатини кўриш, обуна бўлиш.

**Форумни жўнатиш:** мавзу ёки хабарни қўшиш, мавзунини ўчириш, хабарни ўчириш, мавзунини жойлаштириш, хабарни қисқартириш ёки янгилаш.

Юқорида кўрилган параметрлар қийматларини танлаб, **Бошлаш** тугмасини босинг.

Бу курсда танланган модулларнинг барча активлиги тушувчи меню рўйхати кўринишида ишга туширилиши мумкин. Жавобини олмоқчи бўлган аниқ элементни танлаг ва **Бошлаш** тугмасини босинг.

Танланган критерияларга мос фойдаланувчи исмлари (Талаба ёки ўқитувчи ва қайси даврга) жадвал кўринишида кўчирилади.

Керакли фойдаланувчиларни танлаб (галочкалар билан белгилаб), сиз уларга бир вақтнинг ўзида курс материалини ўрганишда қатнашиш даражаси ҳақидаги почта хабарини жўнатишингиз мумкин.

## **8.9. Саволлар**

Moodle да аввал тест саволларидан иборат маълумотлар базаси ташкил этилиши, кейин эса тест саволлари бир ёки бир нечта тестларга қўшилишига мувофиқ келувчи тестларни яратишнинг мослашувчан механизми ишлаб чиқилган.

Бундай ёндашувнинг ютуғи шундаки, бир марта яратилган тест саволини бир нечта турли тестлар таркибига қўшиш мумкин. Ва агар ўқитувчи қайсидир тест саволига ўзгартириш киритса, у ҳолда бу шу саволни ўз ичига олган барча тестларда ҳисобга олинади.

Тест саволлари банкига рухсатли киришни Бошқариш блокидаги Саволлар ҳаволаси бўйича олиш мумкин:

**Boshqarish**

- Tahrir qilish
- O'rnatishlar
- Rollarni tayinlash
- Baholar
- Guruhlar
- Rezerv nusxa olish
- Tiklash
- Import
- Tozalash(dastlabki holatiga qaytarish)
- Hisobotlar
- Savollar

Очиладиган саҳифа тўртта вкладкага эга: саволлар, категориялар, импорт ва экспорт.

Savollar
Kategoriyalar
Import
Eksport

---

**Savollar banki(ombori)**

Kategoriya nomi

Quyl kategoriyalarda (subkategoriyalar, podkategoriyalar) joylashgan savollarni aks ettirish  
 Eski savollarni ham ko'rsatish  
 Show question text in the question list

Категория по умолчанию для вопросов, опубликованных в контексте 'Дастурлаш технологияси'.

Yangi savol yaratish

Sahifa: 1 2 3 4 (Keyingisi)

Amal	Savol nomi	Tur
☑	«Талабалар ўзлаштиришини ҳисобга олувчи» тизимни ишлаб чиқиш учун техник топширик яратиш талаб қилинади. Бу тизим талабаларнинг сессия вақтларидаги олган баҳоларини оператив тарзда деканат ва деканат ходимлари томонидан ҳисобга олиб бориш учун хизмат қил	☑
☑	. Дастлабки лойиҳалашдан мақсад	☑
☑	1 босқич қайси даврни қамраб олади?	☑
☑	«Техник топширик» ҳужжати неча бўлимга эга?	☑
☑	Алгоритм бирон бир конкрет масалани энас, балки бир турдаги бутун бир масалалар	☑

Саволлар банки билан ишлаш 7 Moodle да тест ўтказиш бобида тўлиқ кўриб чиқилган.

## 8.10. Шкалаларни ишлатиш

Шкалалар сон бўлмаган баҳони қўйиш учун (масалан, Топшириққа) курснинг турли актив элементларида ишлатилади.

Шкалаларни яратиш ва таҳрирлаш учун **Бошқариш** блокида **Шкалалар** ҳаволасини танланг.

Очилган саҳифада курсда ишлатишингиз мумкин бўлган шкалаларнинг барча кўринишлари тасвирланади:

Курс ўқитувчиси томонидан яратилган шкала **Фойдаланувчи шкаласи** гуруҳига тегишли бўлиб, у уларни таҳрирлаши ва ўчириши мумкин. Курс элементлари устунида курснинг қандайдир элементини баҳолашда бу шкала қатнашиши белгиланади.

Ўқитувчи томонидан яратилган шкалалардан ташқари, администратор томонидан бутун сайт учун яратиладиган стандарт шкалалар ишлатилиши мумкин:

Шкала номига босиб, унинг қийматини кўриш мумкин:

Янги шкала яратиш учун **Янги шкалани қўйиш** тугмасини босинг.

Янги шкалани очиб, сиз унинг номини, кейин эса вергуллар билан ажратилган, қийматлар рўйхатида энг ёмондан энг яхшигача тартибланган – шкаланинг ўзини кўрсатасиз. **Тавсиф** майдонида вазифани кўрсатиш ва бу шкалани қачон ишлатишни тавсия этиш ҳолларини ёритиш керак.

Сон билан ифодаланадиган шкалаларни яратиш керак эмас, улар барибир курснинг якуний баҳосини автоматик ҳисоблашда ҳисбга олмайди.

Ихтиёрий баҳоланадиган топшириқ учун баҳолар шкаласи сифатида ўзингиз яратган ёки стандарт шкалани ишлатиш мумкин.

## 8.11. Курснинг файллари

Сиз курсингизга қўшимча материалларни, масалан веб-саҳифалар, аудио ёки видео-файллар, матнли ҳужжат ёки флеш-анимацияни қўйишингиз мумкин.

Ихтиёрий мавжуд файллар типни ўқув курсига юкланиши ва серверда сақланиши мумкин.

Файллар серверда сақланаётган вақтда сиз уларни кўчиришингиз, номини ўзгартиришингиз, таҳрирлашингиз (файлларнинг ҳамма типни эмас) ёки ўчиришингиз мумкин.

Буларнинг ҳаммасини Бошқариш блокидаги Файллар ҳаво-  
ласини ишлатиб, бажариш мумкин.

«Файллар» бўлими куйидаги кўринишга эга:

Nom	Kattaik, hajm	O'zgartirilgan	Amal
backupdata	0 bayt	22 June 2011, 10:03 AM	Nomini o'zgartirish
11_maruza.doc	41.5Kbayt	16 June 2011, 09:52 PM	Nomini o'zgartirish
12_maruza.doc	39.5Kbayt	16 June 2011, 09:56 PM	Nomini o'zgartirish
13_maruza.doc	93Kbayt	16 June 2011, 10:20 PM	Nomini o'zgartirish
14_maruza.doc	44.5Kbayt	16 June 2011, 10:20 PM	Nomini o'zgartirish
15_maruza.doc	58.5Kbayt	16 June 2011, 10:25 PM	Nomini o'zgartirish
16_maruza.doc	40Kbayt	16 June 2011, 10:29 PM	Nomini o'zgartirish
17_maruza.doc	46Kbayt	16 June 2011, 10:36 PM	Nomini o'zgartirish
1_amaliyot.doc	46Kbayt	16 June 2011, 02:34 AM	Nomini o'zgartirish
1_laboratorija.doc	50Kbayt	16 June 2011, 03:33 AM	Nomini o'zgartirish
1_maruza.doc	68Kbayt	16 June 2011, 02:12 AM	Nomini o'zgartirish
2_amaliyot.doc	63Kbayt	16 June 2011, 03:09 AM	Nomini o'zgartirish
2_laboratorija.doc	59Kbayt	16 June 2011, 03:39 AM	Nomini o'zgartirish
2_maruza.doc	89Kbayt	16 June 2011, 02:47 AM	Nomini o'zgartirish
3_amaliyot.doc	45Kbayt	16 June 2011, 03:15 AM	Nomini o'zgartirish
3_laboratorija_ishi.doc	54.5Kbayt	16 June 2011, 03:50 AM	Nomini o'zgartirish
3_maruza.doc	58.5Kbayt	16 June 2011, 03:12 AM	Nomini o'zgartirish


Бу интерфейс фақат ўқитувчиларга рухсат этилган. Кейинроқ алоҳида рухсат этилган файллар талабаларга курс ресурслари сифатида рухсат этилади.

### Файлларни юклаш

Локал компьютердан файлларни серверга юклаш учун Файлни юклаш тугмасини босинг:



Очилган ойнада Обзор тугмасини босинг, локал дискда керакли файлни танланг ва Жўнатиш тугмасини босинг:



Агар юкланадиган файл мавжуд файл каби номга эга бўлса, у ҳолда охиргиси огоҳлантиришсиз қайта ёзилади!

Веб-интерфейс орқали битта файлни бир мартадан кўп юклаш мумкин эмас.

Агар сиз бир нечта файлларни бирданига юкламоқчи бўлсангиз (мисол сифатида, бир нечта веб-саҳифалар ёки папкалар), уларни битта файлга сиқадиган дастур-архиваторларни ишлатиш қулай. Кейин яратилган zip-архивни серверга юклаш, сўнгра эса архивдан чиқариш мумкин (архив ёнида «zip-архивни очиш» ҳаволаси бўлади).

**Диққат!** Фақат ZIP формати ишлатилади!

Архивланадиган файллар ва папкалар номлари фақат латин белгиларидан иборат бўлиши керак!

Юкланган файлни кўриш учун, сичқонча билан унинг номини чертинг. Файлни локал компьютерингизда сақлашингиз мумкин.

### 8.11.1. Файллар билан амаллар бажариш

Файллар папкалар билан бирга жойлашади.

Файлларни ташкил этиш учун папкаларнинг ихтиёрий сонини яратиш мумкин.

Сервердаги файллар ва папкалар номлари фақат латин белгиларидан иборат бўлиши керак

Moodle 1.8. серверга юклашда кирилл белгиларини латин белгиларига автоматик таржима қилади, шунинг учун алоҳида (архивланмайдиган!) папка ва файлларни рус тилида ҳам ёзиш мумкин.

Файллар билан янада қулай ишлаш учун баъзан файлларни бир каталогдан бошқасига ўтказишга тўғри келади.

**Файллар ва папкаларни кўчириш**

Кўчирмоқчи бўлган файл ва папкаларни танланг ва Танланган файллар билан... рўйхатидан Бошқа каталогга кўчиришни танланг:



Кейин танланган файлларни жойлаштирмоқчи бўлган папкани очинг ва Файлларни шу ерга жойлаштиринг тугмасини босинг.

**Диққат!** Курс ресурси юборилган папка ёки файл кўчири-лаётганда, курснинг ҳаволаси янгиланмайди!

**Файл ва папка огоҳлантиришсиз кўчирилади**, курс ресур-сига мурожаат эса «Сўралаётган файл мавжуд эмас» деган хатони беради.

Файл ва папкаларни кўчираётганда эътиборли бўлинг!

**Файлларни таҳрирлаш**

HTML ва матнли файлларни сервернинг ўзида таҳрирлаш мум-кин.

Бунинг учун файл номи ёнидаги **Таҳрирлаш** ҳаволасини ишла-тинг.

Бошқа типдаги файлларни фақат шахсий локал компьютерда таҳрирлаб, сўнгра уни қайтадан юклаш мумкин.

Номлар бир хил бўлган ҳолларда эски файл огоҳлантиришсиз қайта ёзилади!

**Файл ва папкаларни қайта номлаш**

Сиз папка ва файлларни бевосита курснинг фалли директо-риясида қайта номлашингиз мумкин.

**Агар бу папка ва файлларга курс ресурслари ҳавола ёти-лаётган бўлса, у ҳолда ҳаволалар автоматик равишда янгила-нади!**

Тизим қайта номлангандан кейин қайси ресурслар ўзининг ҳа-воласини янгилаганлиги ҳақидаги хабарни кўрсатади.

**Файл ва папкаларни ўчириш**

Кераксиз бўлиб қолган файл ва папкаларни ўчириш мумкин. Тизим бунда тасвдиқни талаб этади.

**Эътибор беринг**, тизим ўчириладиган файл ва папкаларни ишлатишни назорат қилади ва агар курс ресурслари уларга юбори-лаётган бўлса, уларни ўчиришни тақиқлайди!

Бундай ҳолда ресурснинг ҳаволасини ўзгартириб ёки ўчириб, уни қайта таҳрирлаш мумкин.

Кейин сиз кераксиз файл ёки папкани ўчиришингиз мумкин.

## 8.12 Баҳолар журнали

Курени баҳолаш журналида курснинг барча баҳоладиган эле-ментларидан талабаларнинг олган баҳолари йиғилган. Уларнинг ҳаммасига курс ўқитувчи кириши мумкин.

Ҳар бир талаба бу журналда фақат ўзининг баҳоларини кўриши мумкин.

**Бошқариш** блокада Баҳолар ҳаволасини босинг:

**Boshqarish**

Tahrir qilish

O'rnatishlar

Rollarni tayinlash

Baholar

Баҳолар журналининг саҳифаси очилади:

Резюме Просмотр Редактировать

Просмотр Параметры Описание группы Анализ баллов

Доступные группы: **Все участники**

Пользов: 2

Позволять оценочные и оценочные попытки для каждого пользователя: Единственный оценочный попытка для каждого пользователя по умолчанию. Для этого опроса выбран метод оценочный **Разовая оценка**

Имя	Фамилия	Тест датуми	Давра	Сурати	Сурати	Сурати	Сурати	Сурати		
<input type="checkbox"/>		Муродов Насриддин	2 Июнь 2011, 03:10	2 Июнь 2011, 03:10	36 сани	3.33	02.5	02.5	2.52.5	0.0022.5
<input type="checkbox"/>			2 Июнь 2011, 03:10	2 Июнь 2011, 03:20	41 сани		2.52.5	02.5	2.52.5	02.5
Общая средняя:							2.52.5	02.5	2.52.5	02.5

Выбрать все / Убрать выделенные

Ссылка в формате CSV Ссылка в формате Excel Ссылка в формате PDF

Агар берилган курсда гуруҳларга тақсимлаш қаралган бўлса, жадвал остида талабаларни гуруҳлар бўйича ажратиш воситаси бор.

Баҳоланадиган элементлар номи бу элементларни таҳрирлашни очадиган гиперҳаволалар кўринишида берилган.

Журналда баллар йиғиндисидан иборат, якуний баҳолаш майдони кўрсатилган (сонли шкалалардаги баҳолар йиғилмайди – **8.10. Шкалаларни ишлатиш бўлимига қаранг**).

Баҳолар журнали биринчи мата очилганда у оддий режимда бўлади.

Оддий режимда фақат баллар ва категорияси бўлмаган якуний баҳо ёки махсус ҳисобланадиган – барча талабаларни, уларнинг ҳар бир баҳоланадиган топшириқдан олган баҳоларини ҳамда ҳар бир талаба учун якуний баллни кўрсатадиган баҳолар бўлади.

Баҳолар журналида қуйидаги ишларни бажаришингиз мумкин:

- Талабаларнинг рўйхатини исми ва фамилияси бўйича жадвалнинг ўнг ва чап томонларида жойлашган



ихиёрий «Талаба» устундаги мос ҳаволаларни босиб, саралаш мумкин. Жимлик қондасига кўра, фамилия бўйича саралаш амалга оширилади.

○ Талабанинг исми ўзида ҳаволани тасвирлайди, уни босиш билан берилган талабанинг баҳосини кўриш мумкин. Агар талаба сиз билан Баҳолар журналинни кўраётган бўлса ва сиз ундан бошқа талабаларнинг олган баҳосини яширмоқчи бўлсангиз, у ҳолда бу усул жуда қулай усул ҳисобланади.

○ Вкладканинг юқори қисмидаги тугмалар баҳоларни Excel элетрон жадвалига ёки ажратувчи-табуляторли матнли файлга экспорт қилиш учун хизмат қиладди. Бу файлларни ўзингизнинг компьютерингизга юклашингиз мумкин.

○ Оддий режимни (жимлик қондасига кўра) ишла-тишнинг асосий сарлавҳаси – «Баҳолар». Бошқа ҳолларда – агар кўшимча созлашлар ишга туширилган бўлса, сиз ўша вақтда кўраётган категория номи кўрсатилади.

○ Марказда берилган курс учун (ёки агар кенгайтирилган режимда бўлсангиз, конкрет категория учун) барча баҳоланаётган элементларни кўрасиз. Ҳар бир баҳоланаётган элемент исми – бу бу элементларни таҳрирлаш учун очадиган ҳаволалардир.

○ «Жами» устуни барча топшириқлардан (ёки кенгайтирилган режимдаги категориялардан) чапда тасвирланади. «Жами» сарлавҳасидан ўнгда иккита стрелка бўлиб, уларни босиш орқали якуний баҳоларни ўсиш ёки камайиш тартибида саралаш мумкин.

○ «Жами» сарлавҳасидан (ёки ҳар бир кенгайтирилган режимдаги категориялардан) ўнгда курснинг барча қатнашчиларининг статистикаси билан сузувчи ойнани тасвирлайдиган «Стат.» ҳаволаси бор.

Берилган жадвалдаги барча маълумотларни яна қайта ишлаш ёки босмадан чиқариш учун Excel файлларида, ODS –OpenOffice форматида ёки матнли файлларда сақлашингиз мумкин.

Журналнинг кўшимча созлашлари билан ишлаш батафсил қуйида келтирилган.

### 8.12.2. Баҳолар журналини созлаш

**Бошқариш** блокида Баҳолар ҳаволасини босинг ва Созлашлар вкладкасини очинг.

Асосий созлашларда сиз фақат қуйидагиларни беришингиз мумкин:

■ Сарлавҳаларнинг такрорланишида интервалларни ўзгартириш.

■ Яширин элементларни кўрсатиш.

**Қўшимча созлашлар** тугмасини босинг ва натижада журнал кенгайтирилган режимда очилади.

■ **Баҳолар оғирлигини кўрсатиш:** баҳога қўйилган оғирлик ҳиссасини кўрсатишни аниқлайди. Буни талабалар кўриши учун ҳам ўрнатишингиз мумкин. Баҳога қўйилган оғирлик ҳиссасини кейинчалик категориялар оғирлигини тузатишда муаммо келиб чиқмаслиги учун талабалардан яшириш керак.

■ **Балларни кўрсатиш:** балларни кўрсатишни аниқлайди. Талабаларнинг йиққан балларини кўришига рухсат бериш учун ўрнатиш мумкин.

■ **Фоизларни кўрсатиш:** фоизларни кўрсатишни аниқлайди. Талабаларнинг олган фоизларини кўришига рухсат бериш учун ўрнатиш мумкин.

■ **Ҳарфли баҳоларни кўрсатиш:** курс учун якуний ҳарфли баҳоларни кўрсатишни аниқлайди.

■ **Ҳарфли баҳо:** ҳарфли баҳонинг ҳисоланишини аниқлайди: оддий фоизли муносабат ёки баҳолар оғирлигини қўйиш. Агар категория оғирлигини ишлатаётган бўлсангиз, у ҳолда оғирликни ишлатиш тавсия этилади.

■ **Сарлавҳаларни такрорлаш:** устун сарлавҳалари неча марта такрорланаётганлигини аниқлайди. Бу катта гуруҳларни таҳлил қилишда муҳим.

■ **Яширин элементларни кўрсатиш:** яширин элементларни кўрсатиш керакми ёки йўқ, шуни аниқлайди. Бу фақат ўқитувчига кўрсатиладиган саҳифа кўринишига таъсир этади. Талабалар яширилган баҳолар журналининг элементларини кўрмайдилар. Агар берилган бўлакда «Ҳа» ўрнатилса, у ҳолда талабанинг

якуний баҳоси яширин элементларни ўз ичига олиши мумкин.

**Қолган соzлашлар қўидаги мос вклаткаларни ишлатишга рухсат беради:**

**Категорияларни бериш вклаткаси.**

Бу вклаткада мавжуд категориялардаги баҳоланадиган элементларни жойлаштиришингиз, балларни қўиш даражасини белгилашингиз ва қўшимча баллар берадиган элементларни танлашингиз мумкин. Яна янги категориялар яратишингиз ёки мавжудларини ўчиришингиз мумкин.

Курс элементларни категориялар бўйича кенгайтириш тавсия этилади: бу ҳолда алоҳида элементларга оғирлик берган ҳолда уларнинг муҳимлигини ҳисобга олишингиз мумкин.

■ **Категория:** баҳоланадиган элемент қайси категорияга тегишли эканлигини аниқлайди. Фақатгина тушувчи-рўйхатдан керакли категорияни танланг. Агар элементга категория ўрнатилмаган ёки мавжуд категория ўчирилган бўлса, у ҳолда элемент автоматик равишда «Категориядан ташқарида» деб белгиланади.

■ **...га келтирмак:** баҳоларни ўрнатиш даражасини танлашга рухсат беради. Агар баъзи элементлар балларнинг бошқа сони билан баҳоланишини хоҳласангиз, бу функцияни ишлатишингиз мумкин. Агар юқори баҳо 30 бўлиб, «...га келтирмак» бўлимида эса 28 киймати ўрнатилган бўлса, у ҳолда талабалар баҳоси ва фоизли муносабатлар баҳолари максимуми 30 эмас, 28 деб олиниб, ҳисобланади.

■ **Қўшимча баллар:** аниқланган категория қўшимча баллар сифатида ҳисобланишини истасангиз, байроқча ўрнатиш. Категориянинг барча элементларини қўшимча баллар сифатида ўрнатиш тахмин қилинмаган натижаларга олиб келиши мумкинлигини ҳисобга олинг ва бу ҳолда қўшимча баллар категорияси ҳисоблашларда умуман ишлатилмайди.

**Оғирликни бериш вклаткаси**

Бу вклаткада категориядаги баҳолар оғирлиги, X ҳисоблашдан олинган ёмон баҳоларнинг бошланғич ҳолати, мукофот баллари ҳамда баҳолар журналида ва ҳисоблашларда категорияларни тасвирлаш/яшириш соzланади.

■ **Оғирлик:** категория оғирликларини беришни таъминлайди. Оғирлик – бу якуний баҳога бериладиган категория фоизидир. Бутун категориялар бўйича оғирликнинг умумий йиғиндиси, агар унинг қиймати 100 га тенг бўлса, вкладканинг қуйи қисмида яшил ранг билан ва бошқа ҳолларда қизил ранг билан кўрсатилади.

■ **Х-ёмон баҳоларни ташлаш:** Х-ёмон баҳоларни ҳисоблашда эътиборга олмаслик учун ишлатилади. Берилган категориядаги элементларнинг ҳар бири битта балл билан баҳоланиши керак. Агар баллар фарқланса, натижа айтиб бўлмайдиган даражада бўлади.

■ **Мукофот баллари:** категория топшириқларини бажаришдан тўпланган балларнинг умумий сонини ўзгартирмайдиган, қўшимча балларини ҳисоблаш учун ишлатилади. Бу функция адолатсиз саволларни тартиб-лаш учун ишлатилиши мумкин. Мукофот баллари барча талабаларга бир хил қўлланилади. Агар мукофот балларини ўранитмоқчи бўлсангиз, янги баҳоланадиган элемент қўшинг ва Категорияларни бериш вкладкасида «Қўшимча баллар» байроқчасини ўрнатинг.

■ **Яширин категория:** агар бу майдонда байроқча ўрнатилган бўлса, у ҳолда категория баҳолар журналида тасвирланмайди ҳамда ҳисоблашларда эътиборга олинмайди. Бу элементларни баҳолангандан кейин баҳолар журналига қўйишга рухсат берадиган оддий усулдир. Яъни қандайдир категорияга мансуб бўлмаган, баҳоланадиган элементлар «Категориясиз» ҳақ-ҳуқуқига эга, бундан эса сиз «Категориясиз» яширин категорияларни ўрнатишингиз мумкин, баҳолашдан кейин эса талабалар олган баҳоларини ўзлари кўришлари учун элементларни зарурий категорияларга аралаштириб юборишингиз керак.

**Ҳарфли баҳоларни бериш вкладкаси**

Ҳарфли баҳоларни бериш сифатида миллий шкала ва ECTS шкалалари фоизлардаги баҳоларида мос рейтинг баҳоларини ишлатиш тавсия этилади.

Ҳарфли баҳоларнинг номи 8 белги билан чегараланади!

**Истисно** вкладкаси

Талабалар томонидан бажарилган аниқ топшириқларни баҳо-

ламаслик учун ишлатилади. Бу семестр давомида талабаларни бошқа гуруҳларга ўтказилган ёки касаллик бўйича дарсларга қатнашмаган ҳоллар учун фойдали ҳисобланади.

**Учта устун бор:**

- Чапдаги: топшириқни бажарган курс талабаларининг рўйхати;
- Ўртадаги: барча баҳоланадиган топшириқлар рўйхати; топшириқ номидан кейин қавсларда ишлари баҳоланмайдиган талабаларнинг умумий сони кўрсатилади.
- Ўнгдаги: бажарган топшириғи баҳоланмаган талабалар рўйхати.

Баҳоланадиганлар рўйхатидан талабаларни олиб ташлаш учун ўрта устундан топшириқни белгиланг, кейин чап устундан талаба исмини белгиланг (бир нечта исмларни танлаш учун CTRL ни ушлаб турунг). Бундан кейин чап устун остида жойлашган «Баҳоланмасин» тугмасини босинг. Талаба(лар) чап устундан ўнг устунга қўйилади, энди у шу топшириқнинг баҳолари ҳисоб-китоб қилинаётганда қатнашмайди.

Талабани баҳоланадиганлар рўйхатига қайтариш учун, керакли топшириқни белгиланг, ўнг устундаги талабаларни белгиланг ва «Баҳолан» тугмасини босинг. Талаба ўнг устундан чап устунга ўтказилади.

Агар сиз қўшимча созлашларни ишлатсангиз, у ҳолда Қўшимча созлашларни яшириш тугмасини босиш орқали, барча вкладкалардаги шу созлашлар билан боғланган, барча параметрларни (яъни оғирлиги, категориялари ва бошқалар) ташлаб юбориш мумкин. Эътиборли бўлинг!

## Markdown формати

Markdown матни осон белгилашга (ярим қалин, курсив), структурани қўшишга (рўйхат, сарлавҳа) ва ҳаволаларга (расмларга ва тизимнинг-бошқа-ресурсларига) рухсат берадиган Moodle га тегишли бўлган оддий матнли форматнинг имкониятларини кенгайтиради. Сиз Markdown ни тизимнинг кўпгина жойларида ишлатишингиз мумкин: уни матни киритиш учун мўлжалланган матнли соҳада жойлашувчи **Форматлаш** тушувчи рўйхатидан белги-ланг.

Берилган формат янада содда ва интуитив усул билан тасвирланувчи саҳифаларни яратишга рухсат беради.

Бу сарлавҳали ва рўйхатли, аммо катта сонли ҳавола ва тасвирлар қатнашмаган саҳифаларни яратиш учун қулай воситадир.

Матн киритиш учун, уни матнли майдонга ёзинг.

Ҳар бир параграфдан кейин иккита параграф орасида бўш қатор қолдириш учун **Enter** тугмасини икки марта босинг, акс ҳолда бутун матн битта параграф каби кўрсатилади.

### Матни белгилаш

Markdown ёрдамида белгилашнинг учта кўринишини ишлатишингиз мумкин: *курсив*, ярим қалин ёки *ярим қалин курсив*. Бунга эришиш учун белгиланадиган матнни юлдузчалар билан ўраб олиш етарли, масалан:

*\*курсив\**

**\*\*ярим қалин\*\***

**\*\*\*ярим қалин курсив.\*\*\***

Белгилашни алоҳида сўзга, бир нечта сўзларга ёки сўзнинг қисмига қўллаш мумкин:

*\*битта\** сўзга

**\*\*\*бир нечта сўзларга\*\*\***

сўзнинг **\*\*бир қисми\*\***га

Шу мақсад учун юлдузчалар билан биргаликда ( ) қуйи чизиқча белгиси ишлатилади.

### Сарлавҳалар

Markdown матнда сарлавҳани ишлатишга рухсат беради. Сарлавҳаларнинг олти даражасига рухсат берилган, бироқ одатда

матнда учтадан кўп даражалар ишлатилмайди. Масалан, ҳозир сиз ўқиётган матнда ҳаммаси бўлиб, иккита даража бор.

Қаторни битта ёки ундан кўп «решетка» (#) белгилари билан бошлаб, сарлавҳа яратишингиз мумкин. Битта «решетка» энг катта ва керакли сарлавҳани, олтитаси эса – энг кичик сарлавҳани яратади.

# Боб номи

# # мавзу номи

# # # Кичик сарлавҳа

Сарлавҳаларнинг биринчи икки даражаси бошқа усуллар билан яратилиши мумкин. Бу ҳужжатнинг бошланғич матнли версиясида уларни яхши белгилашга рухсат беради (аммо натижаси олдинги усулдаги каби бўлади). Альтернатив кейинги қаторда (=) тенг ёки (-) тире белгиларини ишлатишдан иборат:

**Боб номи**

=====

**Мавзу номи**

-----

**Рўйхатлар**

**Маркерли рўйхат**

Ҳар бир қаторни юлдузча билан бошлаб ва уларни матндан пробел билан ажратиб, маркерли рўйхатлар яратишингиз мумкин. Шунинг эътиборига олинг, пробел керак ва уни эздан чиқармаслик керак!

- \* биринчи пункт
- \* иккинчи пункт
- \* учинчи пункт шундай натижа беради
- биринчи пункт
- иккинчи пункт
- учинчи пункт

**Номерланган рўйхатлар**

Ҳар бир қаторда сон билан бошланадиган, ундан кейин «нуқта», «пробел» ва берилган пункт матни келадиган номерланган рўйхатни чиқаришингиз мумкин.

1. Биринчи пункт
2. Иккинчи пункт
3. Учинчи пункт куйидаги натижани беради:
4. Биринчи пункт

## 5. Иккинчи пункт

### 6. Учинчи пункт

#### Ичма-ич жойлашган рўйхатлар

Ичма-ич жойлашган маркерли ва номерли рўйхатларни яратишингиз ҳамда уларни битта структурага аралаштиришингиз мумкин:

~~\* биринчи белгиланган пункт~~

\* белгиланган қисмий пункт

\* белгиланган қисмий пункт 2

\* иккинчи белгиланган пункт

1. Биринчи номерланган пункт

1. Номерланган қисмий пункт

2. Иккинчи номерланган пункт

қуйидаги натижани беради:

• биринчи белгиланган пункт

○ белгиланган қисмий пункт

○ белгиланган қисмий пункт 2

• иккинчи белгиланган пункт

1. Биринчи номерланган пункт

2. Номерланган қисмий пункт

3. Иккинчи номерланган пункт

#### Цитата олиш

Ҳар бир қаторни бурчакли қавс (<) билан бошлаб, матннинг бир қисми цитата ҳисобланишини кўрсатишингиз мумкин. Бу белги кўпгина почта дастурлари айнан шу белгини цитаталарни белгилаш учун ишлатилишидан танланган. Цитата олишнинг натижаси абзацни чапга ва ўнга четлаштириш билан белгилаш ҳисобланади:

> Бу икки қаторга бўлинган

> цитата келтирилган абзац қуйидаги натижани беради:

Бу икки қаторга бўлинган

цитата келтирилган абзац

Абзацнинг биринчи қатори бошида фақат битта бурчакли қавс-ни ишлатиб, масалани бирмунча осонлаштиришингиз мумкин.

> Буларнинг ҳаммаси бир неча қаторларга

бўлинган абзац. қуйидаги натижани беради:

Буларнинг ҳаммаси

бир неча қаторларга

бўлинган абзац.

Web-ҳаволалар



Қандайдир web-ресурсга ҳавола яратишнинг иккита усули бор.

Биринчиси – ҳаволани тўғри матнга жойлаштириш. Квадрат қавсларда ҳаволалар, URL-манзиллар эса қавсларда жойлашганлигини кўрсатадиган ва фойдаланувчи кўрадиган матнни яқунланг. Шунингдек, қўшимча тавсифларни қўштирноқ ичига олиб, URL дан кейин жойлаштиришингиз мумкин:

Бу (<http://example.com/> "Қўшимча тавсиф") иловасига жойлаштирилган [ҳаволага мисол,].

Куйидаги натижани беради:

Бу иловага жойлаштирилган, ҳаволага мисол.

Агар тавсиф аниқланган бўлса, у ҳолда у сузувчи ойнада тасвирланади.

Иккинчи усул узун ҳаволалар учун қулай ҳисобланади. Матнни тўлдириб ташламаслик учун. Сиз уларни сноскаларга мос ҳолда қўйишингиз мумкин. Қисқа идентификаторни иккинчи жуфт квадрат қавслар ёрдамида тўлдилинг (идентификатор сўз, жумла ёки сон бўлиши мумкин).

Бу [ҳм] иловада жойлаштирилган, [ҳаволага мисол].

Кейин ҳужжатнинг ихтиёрий жойида (дарров абзацдан кейин ёки ҳужжат охирида бошқа ҳаволалар билан бирга) идентификатор билан боғланган URL ни кўрсатишингиз мумкин, масалан.

[ҳм]: <http://example.com/> "Қўшимча тавсиф"

Иккинчи усул натижаси биринчи усул натижасига ўхшаш бўлади. Бу ҳужжатни яратишни ташкиллаштиришнинг содда кўриниши.

Ва охири. Агар ҳавола ўзида URL ни берса, у ҳолда уни бурчак қавсларга олинг:

<<http://moodle.org/>> га ҳозир киради!

Натижада куйидагиларни оламиз:

<http://moodle.org/> га ҳозир киради!

**Расмлар**

Расмлар саҳифага худди веб-ҳаволалар каби киритилади, аммо ундов белгиси билан белгиланади! «Имзо» турли сабаблар туфайли расмни кўрмайдиган фойдаланувчиларга мўлжалланган, яъни у таркибни ёритиши керак. Бундан ташқарн, имзо ҳужжатни таҳрирлаш жараёнида расм берилган жойда тасвирланишини эслатиш учун фойдали ҳисобланади.

